



ШАРҚ  
ЮЛДУЗИ

6

---

1948  
ТОШКЕНТ




# ТОШКЕНТ ҚОЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САН'АТ ЖУРНАЛИ

---

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ



6

ИЮНЬ

★

---

ТОШКЕНТ

1948



РАМЗ БОБОЖОН

## ҚАДРДОН ДУСТЛАР

Поэма

„Она юртинг омон бўлса,  
Ранги-руйинг сомон бўлмас“.  
(Халқ мақоли).

### Оқ йўл

Уруш тинди.

Аҳмад иши беш —  
Қишлоғига қайтар саломат.  
Йигитларнинг сарасига эш,  
Табиати жуда аломат.  
Нафратни ҳам, марҳаматни ҳам,  
Ўз ўрнига қўяди бошлаб.  
Дўстларига ниҳоят хотам,  
Душманини уради тошлаб.  
Омон бўлгур, тутганин кесар,  
Битта сўзни икки айтмайди.  
Йўлда бўлсин ўлим ва хатар,  
Ҳайиқмайди — ортга қайтмайди.  
Ошналари кўпдир — саноқсиз,  
Бири жануб, бири шимолдан.  
Бири жангда қолган оёқсиз,  
Бири ажраган ҳусн-жамолдан.  
Бири эса пензали ботир,  
Одоқ бўлмас ёзсанг та'рифи.  
Яна бири ҳар ишга қодир, —  
Вася Теркин исми — шарифи.  
Фронгда йуқ уни билмаган,  
Билар эди ҳатто генерал.  
Бормикан ҳеч ҳавас қилмаган,  
Мукофотга олганда медаль.

Шаҳрихонли бизнинг Аҳмаджон,  
Теркин блан қалин дўст — ҳамдам—  
Оғир кунда сақлаб ор — виждон.  
Бир консервни кўришган баҳам.  
Ҳужумга ҳам борганлар бирга,  
Гоҳ жуда тўқ,

Гоҳ овқат емай.

Бомба тушса ётганлар ерга,  
На қор демай,

На ботқоқ демай

Махорканинг бир ўрамни  
Чекишганлар навбатма-навбат.  
Ёзишганлар кўнгил гамини,  
Гармон чалиб, сўйлаб ҳикоят.  
Бир шинельнинг остида икков  
Ёнбошлаган тунлар ҳам бўлган.  
Юз чақиримлаб йўлларни яёв  
Босиб ўтган кунлар ҳам бўлган..

Уруш тинди.

Берилди салют —

Ғолибларнинг шарафи учун.  
Немис капут,

Фашизм капут!

Тинчлик қайтиб келди ўша кун.

Уруш тинди.

Ҳар икки ўртоқ

Махоркани чекар шодланиб.

Кўзни олмай қарашар узоқ,

Хайрлашар йўлга отланиб:

— Хайр, Вася!

— Оқ йўл Аҳмаджон!

— Биз томонга меҳмон бўл, оғал!

Қучоқлашиб икки дўст чунон,

Сўнг жўнашди ажрашиб зўрға.

### Н а с и б а

Кеча ёғиб ўтган ёмғирнинг

Салқини бор чайлада, боғда...

Ўчай-ўчай деб турган нурнинг

Қатралари ўйнар япроғда.

Қош қорайиб қолган бўлса ҳам,

Далаларда жилва қилар ёз.

Яқин йироқ кўринар кўркам,

Сойликларда сув оқар саёз.

Мўрилардан бурқийди тутун,

Супаларда кечки дастурхон.

Ўчоқбошда ёради ўтин,

Ҳозир даладан қайтган деҳқон.

Савзи-пиёз қайнар қозонда,  
Ёнар эди гуркираб олов.  
Шодмон ота — эски пазанда,  
Шошиб-пишиб дамлайди палов.  
Билармикан бугунги ошга  
Насибаси қўшилган,

У ким?

Тутундан кўз тўлгандир ёшга,  
Хуморини тарқатар чилим.  
Яна чекар — дам олмай тортар,  
Чиққан дудга тикилар, кейин —  
Турли-туман ҳаёлга ботар,  
(Ош ланж бўлиб қолмаса, дегин...)  
Чилимни қўлидан қўймас,  
Соғинганда яхши овунчоқ.  
Ўглин ўйлаб зерикмас, тўймас,  
Кошки, келса очиб кевг қучоқ...

Молхонадан чиқади кампир,  
Қўлда челак — сийгин соғиб.  
Оқшом ели эсади ғир-ғир,  
Ой осмонда туради оғиб.

Бўз дастурхон атрофин ўраб,  
Бола-чақа ўтиради тек.  
Ота эса мўйлабин бураб —  
Қўяр, лаган қани, дегандек.  
Бугун овқат кечикан бир оз  
Қорин очган,

Иштаҳа карнай.

Ошни сўзар, сепар кўк пиёз,  
Қозонда ҳам қолдирар атай.  
Кексаларга ҳаммаси аён,  
У билганни билмас миш пари.  
Назарида келар Аҳмадjon, —  
Суянчиғи, пушти-камари.  
Назарида жийдазорлар ҳам  
Келаётир деб шивирлайди.  
Сойликларга қўйгандек кадам,  
Оқаётган сув жимирлайди.  
Осмондаги иккита юлдуз  
Ўглин кўзи бўлиб кўринар.  
Эсаётган ел кеча — кундуз,  
Нафасидек иссиқ урулар.  
Назарида Аҳмад келади,  
Одатича насиба атар.  
Ҳар оқшом у шундай қилади:  
Майли палов,

Майли халвойтар...

## С у ю н ч и

Сўқмоқ йўлдан боради биров,  
Орқасидан қувлар сояси.  
Қўрғонларда ўчмишдир олов,  
Сукунатнинг йўқ ниҳояси.  
Ҳамма мизғир тун қучоғида,  
Меҳнат қилган, ахир, кун бўйи.  
Товуқлар ҳам нок бутоғида  
Ухлар эди бош солиб қуйи.  
Теварак жим — деярлик қишлоқ,  
Шу тинчликни бузар бир одам.  
У юрганда шитирлар япроқ,  
У юрганда гурсиллар ер ҳам.  
Не иш блан юрар бемаҳал,  
Ҳамқишлоқми ёки бегона?!...  
Бир қўрғонда тўхтади келиб,  
Эшик зулфин бир-икки урди.  
Тирқичидан кўрди тикилиб,  
Ичкарида олапар хурди.  
Кўринишдан тоқати ҳам тоқ,  
Девол ошиб тушгундай турар.  
Остонада кимгадир муштоқ,  
Дарвозани устма-уст урар.

Шоҳсупада ётган ота тез  
Яланг оёқ туриб югурди.  
Дарвозани очди ўша кез:  
Қаршисида бир солдат кўрди.  
Бегона-мас ўғли эди у!  
Шинел кийган, этиклари чанг.  
(Вақти келиб, гапирса кулгу:  
Ўз ўғлини таниди аранг).  
Ўз кўзига ўзи инонмас,  
Тикилганча қучоқлаб олди.  
Ўшкан блан меҳри ҳеч қонмас,  
— Аҳмаджон!...

деб гулдираб қолди.

Зайнаб хола ташланди унга,  
Ўзин сизди севинчдан беҳол.  
Юрак эса тушди ўйинга,  
Кўзларга ёш келмади малол.  
Бола-чақа кўтарди чуввос,  
Аҳмаджонни ҳамма қучоқлар.  
Набат кутиб қолинарди, рост,  
Тартиб бўлса ўшандай чоқлар.  
Кимдир оқлиқ келтирди шунда,  
Қадамига ёзди паёндоз.  
Қўшнилар ҳам чиқишди тунда,



Кўрсатилди одатий э'зоз:  
— Саломатлик қалай Аҳмадвой?  
— Хурсандмисиз, энди, онажон?  
— Арзир, ота, ясатсангиз той,  
Ёвни енгиб келмиш қаҳрамон.  
— Ёз иссиғи, қишнинг совуғи,  
Кор қилмапти жангу-жадалда.  
Ўз юртининг ҳатто товуғи  
Шикаст топиб қолган маҳалда,  
Унча-мунча ўртанмапти у,  
Ҳар жон учун олипти қасос...  
Холмат-муроб шундай деди-ю,  
Тил тағига сўнг ташлади нос.

Аҳмаджонга аталган қўй ҳам  
Келтирилиб сўйилди дарҳол.  
Ярим колхоз эди жамул-жам,  
Гап бошлади раис сўзамол:  
— Шодмон ота, суюнчи қани?  
Зайнаб хола, ҳа, нима дейсиз?  
Шоширишар Шодмон отани,  
Гап тополмай турарди тилсиз.  
Ичи пишиб она кулади:  
— Ўғлим омон келибди, шу бас!  
Суюнчиси кузда бўлади,  
Юз бўлмаса пахта, ҳисобмас!  
Мана қийиқ,

Мана беқасам,  
Булар хамир учидан патир...  
Сарпо кийди тракторчи ҳам,  
Сарпо кийди Карим бригадир.  
Кулгуларга уланди кулгу,  
Қаҳ-қаҳ урди бир тўп ўспирин.  
Кўзда чала бўлса ҳам уйқу,  
Ўлтиришди ёришгунча тун.  
Аҳмад ҳайрат блан қарайди:  
Тўрт-беш йилда ўзгариш шунча,  
Кетманга ҳам солса ярайди,  
Кечаги шу иштончан бачча...  
Икки кўзи чолу-кампирда:  
Кўпаймишдир сочларида оқ.  
Боши қотиб қолди шу ерда:  
... Заб ўзгариб кетибди қишлоқ.

### Хайрли тун

Тонг яқиндир, қичқирар ҳўроз,  
Бедапоя шалаббо шабнам.  
Самон йўли гўё поёндоз —  
Йиғиштириб олинди шу дам.

Қўрғон ичра ҳоким сукунат,  
Уйқисизлик зўр келди ахир.  
Тун ҳам бўлиб қолди ганимат.  
Тарқалишди ҳамма бирма-бир...  
Тахмон бузиб ўшанда она  
Аҳмадjonга тузатди ўрин.  
Кўрпа-ястук кўпдан бегона,  
Ётсираб кўз юмаса мумкин.  
Шинель унга гўё партўшак,  
Қўйиб берсанг алишмас сра.  
Оғир кунда, совуқда бешак  
Кўрпадан ҳам қолишмас сра.  
Ярашимли кийилган чоғда,  
Асрагани асраган доим.  
Неча жангга кирган саноғда,  
Ярагани яраган доим.  
Ўрмонларда, гулхан ёнида  
Тақир бўлган,

сарғайган ва доғ...

Ўқ ўрни бор енг томонида,  
Аммо кийиб бўлмаган адоғ.  
Кўзи тушиб қолса ҳар замон,  
Эслаб кетар ўтган у кунни.  
Эслаб кетар хушчақчоқ, гапдон,  
Фронтдаги дўсти Теркинни.  
Эслаб кетар ўқларга ўзин  
Қалқон қилган ёшу-ялангни.  
Эслаб кетар Сабонтўй сўзин,  
Эслаб кетар энг оғир жангни.  
Эслаб кетар қуршовда қолиб,  
Бўйсунмасдан ўлган ўртоғин.  
Эслаб кетар, ёвдан ўч олиб,  
Ўпганлигин Ватан тупроғин.  
Эслаб кетар, уруш тугаса,  
Ҳалок бўлган дўсти учун ҳам —  
Меҳнат қилиб, қўшарин ҳисса;  
Ҳарбийларча ичгандир қасам...  
Шинель,

энди қозиқда турар,  
Ўтган кундан бўлиб хотира.  
Аҳмад ухлар, балки туш кўрар,  
Зайнаб хола ўхлалмас сра.  
Ўлгиради ўғлин қошида,  
Пешонасин силайин, дейди.  
Нелар кечди мурғак бошидан,  
Ҳаммасини билайин, дейди.  
Кийимига ташлайди назар,  
Орденлардан тинади кўзи.  
Ёмон кўздан, дейди, алҳазар,

Секингина ўзига ўзи.  
Ивирсийди кўзойнак тутиб:  
Куйлаклари шўр босган,  
ямоқ...

Чемадония кўради титиб:  
Конверт,  
қоғоз беш-олти вароқ  
Ва махорка...

### Ноништа

Ота хурсанд, она ундан ҳам,  
Инонмайди,  
бу тушми ё ўнг?  
Овилада яна бир байрам,  
Бўлиб ўтган зўр байрамдан сўнг.  
Кечагина тўрт бўлиб кўзлар,  
Аҳмаджондан кутар эди хат.  
Кечагина қишлоқи қизлар  
Сўрашарди:

— Омонми Аҳмад?...

Мана, бугун ўз қўрғонида,  
Ўзин уйи, ўлан тўшаги...  
Овиланинг дастурхонида  
Сўйланмоқда уруш эртаги:  
— Дамни кесар бир қиш кечаси  
Блиндажда ўлтирардик биз.  
Жангчиларнинг анча-мунчаси  
Ухлаб қолган эди ўша кез.  
Икки жангчи жўнади шунда  
Дар'ё томон...

мумкинми кечув?...

Ўнг қирғоққа ўтамиз тунда,  
Роса музлаб қотганмикан сув?  
Улар кетди.

Биз қолдик икков,  
Вася бўлса сўйлар ҳикоя.  
Печкадаги ёнётган олов  
Деворларга ташларди соя.  
Жимжит... гўё ухлайди жаҳон,  
Фақатгина иккимиз уйғоқ.  
Ташқарида қор пуркар бўрон...  
Ҳа...

Телефонга соламиз қулоқ.  
Бир соатдан кейин ротамиз  
Ўнг қирғоқда бўлиши керак.  
Днепрни кечиб ўтамиз,  
Ҳақиқатдир,

бу эмас эртак...

Тинглар эди ҳамма сукутда

Аҳмаджоннинг ҳикоясини.  
Сезилмасди ўша минутда,  
Мол еб кетса ток поясини...  
Шодмон ота ҳаёли қочиб,  
Тишлаб қўйди икки бўрда нон.  
Зайнаб хола оғзини очиб,  
Тинглар гўё Рустаму достон.  
Унитилди,

совиб қолди чой,  
Ағрайишиб солишар қулоқ.  
Ковушни кий, кампир, пойма-пой!  
Эмиб қўйди сигирни бузоқ.  
— Вой ўлмасам!

Ўша онда нақ  
Молхонага югурди-шошди.  
Қозондаги сут варақ-варақ  
Этиб, бирдан кўпирди-тошди.  
Шовқин сурон қўпди бир нафас,  
Бузоқ тепди гапнинг белига.  
Ҳикояни Аҳмад қилди бас,  
Кўз ташлади соат милига.  
Шошиб-пишиб турди ўридан,  
Чордонадан увишган оёқ...  
Қон томарди чертса бурнидан,  
Нақш олмадек қип-қизил ёноқ.  
У шунақа йигитнинг қанди,  
Кеча келган урушни соблаб.  
Қора магиз,

дуркун ва танти,  
Кийимни ҳам княди бошлаб.  
Алмаштирди ички ёқасин,  
Камарини танғиди маҳкам.  
Чўткалади гимнастеркасини,  
Чўткалади этигини ҳам.

— Хўш, йўл бўлсин?  
— Райкомга, ота!  
Погон таққан анча басавлат,  
Обруйи ҳам қешлоқда катта,  
Шунинг ўзи бахт.

ишонч,  
давлат...

Ота хурсанд она ундан ҳам,  
Ўйлашади: ўнгми ё тушми?  
Балки, бўлар каттақон одам,  
Райком бориш чаккана ишми!!

### Шаҳрихон йўлида

Аҳмад борар райкомга томон,  
Таниш йўлдан эгатлар бўйлаб.

Кўз олдида гўзал Шаҳрихон,  
Кулиб турар бахтини сўйлаб.  
Кўз олдида тегирмон, мактаб,  
Электростанция ҳам—...  
Аҳмад борар ҳаммасин қараб,  
Хато қилмай қадам-бақадам.  
Олисларда ялтирайди сув,  
Чўл қўйнида гўёки сароб.  
Аҳмаджонлар қазган канал у,  
Куни бўйи чўмилар офтаб.

Дашти-саҳро... урарди кетман,  
Олиб чиқиб ташларди тупроқ...  
Сув ичолмай кетди Аҳмаджон  
Ўзи қазган ариқдан броқ.  
Қон тўкилди она заминда,  
Еру-кўкда даҳшатли уруш.  
Қиличлар тинч турмади қинда,  
Ёв устига бошланди юриш.

Аҳмад кетди.

Чақирди Ватан,—  
Кетаберди жўра-жўралар.  
Шаҳрихонда чилла, саратон,  
Россияда совуқ бўралар.  
Юрагига тушди бир тугун,  
Аҳмад кетди, қолди қишлоғи...  
Ота-она дуода кун-тун,  
Жанг қилади қўлтиқтаёғи.  
Босқинчини қувди элидан,  
Аммо қийин бўлди бошида.  
Шаҳрихони кетмай дилидан  
Асрагин, деб турди қошида.

Уруш тинди.

Аҳмад иши беш —  
Қишлоғига қайтди саломат.  
Йигитларнинг сарасига эш,  
Табиати жуда аломат.  
Сув келганда кечиб ўгади,  
Одерларни кўрган-ку, ахир.  
Янтоқларни босиб кетади,  
Тўқайларда юрган-ку, ахир.  
Шунинг учун минмагандир у,  
Колхоз йўлга берганида от.  
Яёв юриш кўпдан одат-ку,  
Ўскан ерин кезар жуда шод.

Жийдаларнинг япроғи кумуш,



Мана райком.

Тўхтади Аҳмад.

Тап-туп қилиб қоқди чангини,  
Юзин артди — терлаган беҳад,  
Билиб бўлмас рўмол рангини.

### Райкомда

— Рухсаг беринг ўртоқ командир,  
Тўрт оғиз гап айтай деб келдим.  
(Ва тўсатдан сўради узур)  
Кечирасиз, ашипка қилдим.  
Кечирасиз ўртоқ секретарь...

Одати шу, ҳарбий бир одат:  
Чест берди-ю қўлин узатди,  
Ўйладики, ҳали ҳам солдат,  
Камарини тортди — тузатди.  
— Ҳечқиси йўқ!

Деди секретарь.

Ўлтиришин қилди илтимос.

Бу воқиа эсланса агар.

Ҳар иккиси кулади беҳос.

— Фамилиянгиз?

— Шодмонов Аҳмад.

— Қай колхоздан?

— „Ленин йўли“дан.

— Жуда яхши... қаи марҳамат!

Бошлаб қолди ушлаб қўлидан.

Ўлтиришар эди ёнма-ён

Парча-парча гулли деванда.

Фронтдаги ошналар симон

Сухбатлашар,

юзларда ҳанда...

— Махтансам ҳам, махтанмасам ҳам,

Душманимдан ололдим қасос.

Ғалабани Берлинда байрам

Қилганимга медалим асос.

Ўз кўксига ташлайди назар:

Ва ёдига тушар оғир жанг,

Деразадан қуёш тўкар зар,

Кўча ёқда кўтарилар чанг.

Аҳмад гапни бошларкан, яна

Камарини тортди-тузатди.

Жангда ўтдим партияга,

Мана:

Партбилетин олиб узатди.

Секретарь ҳам варақлаб кўрди:

Ҳеч ерида йўқдир нуқсон, доғ,

Барака топ, дегандек кулди,  
Взнос ҳам бут бошидан-оёқ.  
Раҳмат айтиб, қўлини олди,  
— Ўтинг, майли, бизнинг учётга,  
Дам олишлик керак, деб қолди,  
Истасангиз боринг курортга...  
Аҳмад деди:  
— Сизга ташаккур,  
Кўрсатилган илтифот учун.  
Ҳордуқ олиш менга незарур,  
Тан-жоним соғ, тўрт муччам бутун.  
Телефон шунда жаранглаб қолди,  
Трубкани олди секретарь:  
— Алло-алло!  
Сўнг қулоқ солди,  
Эшитганин дафтарга ёзар:  
„Ленин йули“... „Бригадир Карим  
Чопигини тугатди бугун...“  
Трубкани илиб қўйди жим,  
Аҳмад эса бўлди жигархун.  
— Рухсат беринг, ишлай колхозда,  
Соғинганман ўз ҳунаримни.  
Мусобақа ўйнаб, шу кузда —  
Қойил қилсам дейман Каримни.  
Менинг ундан қайерим камдир,  
У ишласин, мен қараб турай!?  
Ҳозирги дам, ғанимат дамдир,  
Рухсат беринг, кетманни урай!  
Дам олишлик менга чикора,  
Меҳнат қилиб, ўлганми одам.  
Меҳнат блан тузалса зора,  
Майда-чуйда битмаган ярам.  
Секретарьнинг иложи борми,  
Ўзи қастаб тургандан кейин,  
Ортиқча гап тагин даркорми,  
Биладики, қайтариш қийин.  
— Майли — деди — бирор колхозга  
Раис қилиб сайлайлик сизни...  
— Звено ҳам бўлади бизга,  
Қўйиб туринг ҳозир раисни.  
Ҳар иккиси жим қолди бир дам,  
Ва суҳбатга ясалди якун:  
Жон куйдирсанг ҳамма ерда ҳам  
Ишинг йирик, нонингдир бутун.

### Она хаёли

Соя нари ўтиб боради,  
Пешайвонда ивирсир кампир.



Тогарада хамир қоради,  
Ҳа демайин ёпади патир.

Ўт қаланди, тандир ҳам тушди,  
Қайга қочди кампир ҳаёли,  
Хотиряга нималар тушди.  
Елпигичдир дока рўмоли.  
Кўз олдидан ўтар бирма-бир,  
Қалбидаги орзу ва тилак.  
Кўпдан бери қиларди фикр,  
Аҳмад қайтса, кўрса келинчак.

Мўлжалида кўп эди қизлар,  
Қай бирини танлашга ҳайрон.  
Қуролай кўз, юзи қирмизлар...  
Қайсисини дейди Аҳмаджон.  
Ҳаммаси ҳам ўзини қўйган,  
Йигитларга қилгудай кўз-кўз.  
Кенг далада, офтобда куйган,  
Истараси иссиқ,

ширин сўз...

Ҳаммаси ҳам келин қилгудек,  
Оёқ-қўли енгил ва чаққон.  
Колхозда ҳам мақтовли, этук,  
Зайнаб хола кўргану — ёққан.  
Броқ ўғил эса урушда,  
Фақат келиб туради мактуб.  
Соғинади...

кўради тушда,

Қайта-қайта хатини ўқиб.  
Тўғрироғи, солади қулоқ,  
Ўқишади мактубни қизлар.  
Сўнг ўй суриб қолишар узоқ  
Ўша қизлар — юзи қирмизлар.

Қайси бирин танласин Аҳмад,  
Зайнаб хола айтгани — айтган.  
Ким уйғотар унда муҳаббат,  
Урушдан-ку саломат қайтган.  
Кўпдан бери ўйлагани шу.  
Кенгашгандир чоли блан ҳам.  
Нақ иложи бўла қолса-ю,  
Тўйни шу йил ўтказса шинам.  
Кампир дарди ғўзада эмиш,  
План тўлсин пахта бўлсин юз.  
Баракасин берсин ҳа, демиш,  
Бахтга тўкин-сочин келсин куз.  
Раиснинг ҳам олдидан ўтар,

Тарқалмайди маслаҳатли тўй.

Овозаси олисга кетар,

Мана ғурур,

мана шон обрўй.

Тўйга келар яқин ва йироқ,

Сайраб турар бедона, тўрғай.

Қуй сўйилар, бошланар улоқ.

Уй тўрида қуда-қудағай.

Куёв сарпо кияр Аҳмаджон,

Қаранг, унинг қийиқ, тўнига...

Қайлиғига тақадди маржон,

Уни олган меҳнат кунига.

Қамишдан бел боғлаб ота ҳам,

Кутиб турар келди-кетдини.

Шу қўрғонда бутун қишлоқ жам,

Кўриб бўлмас олди-кетини...

Она ўйлар, гўё эрта тўй,

Ўз-ўзича қилар хулоса:

Ҳаммаси бут—гуринч, ун ва қўй...

Етишмайди фақат раққоса.

### Муҳаббатнинг туғилиши

Ҳали қишлоқ туш кўриб мизғир,

Ҳали қуёш ўз ётоғида.

Аҳмад нотинч,

уйма-уй изғир,

Жаранглайди нақ қулоғида —

Тунов кунги ва'да, аҳд-паймон...

Кўз олдида райком... секретарь...

Эшик қоқар:

— Назармат полвон!

Йўл-йўлакай чақириб кетар.

Саратонда, тонги паллада,

Звеносин тўплади Аҳмад.

Ҳар кунгидан эрта далада,

Иш бошланди,

бошланди меҳнат.

Пешонасин танғиб Норбўта,

Юмшатади ғўза тагини.

Назарида звено —

рота,

Бошлаворди меҳнат жангини.

Таажжубда Раҳимқул бобо,

Қўлдан олди кетманин Аҳмад.

Ота кўнгли тўлмаган намо,

Деди:

— Ўғлим, бел ҳали бақувват.

Ҳа, кетманга ҳали яриймиз.  
Аямаймиз қўлдан келганин.  
Юзга кирмай наҳот қариймиз,  
Бўзчи тўқир ҳар вақт билганин.  
— Раҳмат бобо, сезилмапти ҳеч,  
Биз кетганда йигитлар ўрни,  
Кетман уриб,

ёвга эрта-кеч  
Шу колхозда қазибсиз гўрни.  
Меҳнат блан ёриб кетди кун.  
Жилваланди яқин ва йироқ.  
Кечаги чўл бошқача бугун,  
Кўчиб чиққан бутун бир қишлоқ.  
Ҳозир бунда на янтоқ, на қум,  
На ташналик, на ерлар шўра..  
(Инонмасанг азиз ўқучим,  
Мендан эмас, Аҳмаддан сўра!)  
У кетганда йўқ эди ҳали.  
Оқ уйлари ола баргаклар,  
У кетганда йўқ эди ҳали,  
Соя ташлаб турган тераклар.  
Уруш эди.

Мамлакат хавфда,  
Қил устида турарди ҳаёт.  
Колхозчилар дерди ҳар гапда;  
— Етишмайди на улов, на от..  
Қийинчилик. Аммо бир умр  
Тўхтамади турмуш оқими.  
Тўхтамади иш,

меҳнат,  
гурур,

Яллуғланди зафар ёлқини.  
„Янгиобод“ ям — яшил қишлоқ,  
Ўзига заб ярашган номи.  
Ҳув, анави иморатга боқ,  
У, колхознинг янги ҳаммоми.  
Оқ уй—колхоз правленияси,  
Далададир раис,

ҳосилот..  
Колхозчидир ернинг эгаси,  
Пахтазорда қайнайди ҳаёт.  
Бир томонда клуб, чойхона,  
Бир томонда болалар уйи.  
Кечаги чўл қолмиш ордона,  
Бошқачадир каналнинг бўйи.

Чўнг кетмонда ялтирайди нур,  
Бур йўл ёниб ўчгандай чақмоқ.  
Ўртоқ раис босгандек мухир,

Шиббаланар упадай тупроқ.  
Ўғит ташир Назармат полвон.  
Иш устида ҳазил-аския.  
Бири бўлар гўёки қуён,  
Бири ҳачир, бириси туя.  
Аҳмаджонни атарлар девкор,  
Лақабига муносиб иши.  
Кўпдан бери аскар —

жанговар,

Колхозда ҳам тонг қолар киши.  
Автоматдан ўқ узган каби,  
Кетманини мўлжаллаб урар.  
Ёз кунидай равшандир та'би,  
Эгатлардан-эгатга юрар.  
Ўқ ариқнинг нариги ёғи,  
Қўшни колхоз —

„Социализм“.

Пахтакорга тикилган чоғи,  
Таниб бўлмас саҳронинг юзин.  
Бунда ишлар бешта лобар қиз.  
Ойнисахон звенобоши.  
Бамисоли беш қирра юлдуз,  
Ўртасида брилвянд тоши.  
Ҳам мулойим, ҳам енгил оёқ,  
Колхозда у чапдаст, гўзал, мард,  
Ошиқлари кўпдир — бесаноқ,  
Ҳаммасига қўйганмиш бир шарт.  
Қиз ўзини санар эмиш шер,  
Ким енголса бўйин эгармиш.  
Гектаридан тўқсон центнер,  
Ҳосил берган мардга тегармиш.

Аҳмадга куч келди бу сафар,  
Ҳар иккиси тош бўкиб қотди.  
Севги отли кекса жодугар,  
Найза бўлиб қалбларига ботди.  
Наҳот, инсоф йўқ муҳаббатда,  
Сезгиларга ташламиш тузоқ.  
Вақт у бевақт бирон соатда,  
Ёқангдан у тутар бесўроқ.

Учрашди-ю, фусинкор кўзлар,  
Ҳар иккиси боқишиб қолди.  
Айтилмаса ҳам ширин сўзлар,  
Бир бирига ёқишиб қолди.  
Аҳмад жангга кетганда қизнинг,  
Ҳали сочи эди жамалак,  
Энди кўрса, юзи қирмизнинг  
Икки қоши гўё камалак.

Ҳам Аҳмаджон, ҳам Ойнисахон,  
Ўз ўйида фарқ қилар эди.  
Кетман урар, иккита кетман,  
Бошқалардан фарқ қилар эди.

### Кўк конверт

Аҳмад янги қайтган даладан,  
(Овқатланиш ўзи бир ҳордиқ).  
Товоқ тўла лим аталадан  
Ичган эди икки-уч қошиқ,  
Тақирлади эшик халқаси.  
Овоз келди:  
— Шодмон ота ҳой!  
Очиқ-чочиқ кўйлак ёқаси,  
Югургилаб чиқди Аҳмадвой.

Остонада турар почталён,  
Сумкасидан чиқариб конверт,  
Шу қишлоқли йигит —  
Мамажон,  
Руснинг ўзи бўлиб кетган ғирт...  
Бошида кўк, айниган шапка,  
Оқ кўйлакнинг устидан камар.  
Ярим ҳарбий..

кирганда гапга,  
Ҳикояси бўлар бир дафтар.  
Бўйи бўлса на новча,  
на паст.  
Иссиғда ҳам кўн этик кияр.  
Ҳамма уни Мамаджон эмас,  
— Миша,  
ёки

Мишенька деяр.  
Бу даргоҳга келган неча бор,  
Хат таширди жанг йиллари ҳам.  
Эл кутарди уни интизор,  
Келиб бир оз тарқатарди ғам.

Келтирарди фронтдан мактуб,  
Келтирарди севинч, хушхабар.  
Кексаларга берарди ўқиб;  
— Бизга ўтди палончи шаҳар...

Ҳарбу-зарбда бўлган ўзи ҳам,  
Сўнгра қайтган оғир ярадор.  
Ишонарди:  
ёв топар барҳам,  
Жуда яқин эл кутган баҳор.

Хат таширди отлиқми, яёв...  
Гоҳи тўқ, гоҳ лаби газариб.  
Қиш кунлари совуқдан тумов —  
Бурни шалғом каби қизариб.

Қаршиларди қайбир хонадон,  
Уни азиз меҳмон сингари.  
Чой қуярди, ушатарди нон,  
Дастурхонда ширин-шакари.

Суриштирар эди кампирлар  
Ўз ўглини, суянчигини:  
— Болагинам омонми?

дерлар,

Ичларига ютиб йиғини.  
Бу оқшом ҳам олиб келди хат,  
Остонада турар почтальён.  
Кимдан экан,  
уйда-ку, Аҳмад?  
Ким экан у хат ёзган ёрон?  
Ким экан у, кексами, ёшми,  
Қайси дўстдан, қайси ўртоқдан?  
Қариндошми ё қаламқошми,  
Қай шаҳардан,  
қайси қишлоқдан?..

Ҳайр-ма'зур қилиб почтальён,  
Жўнаб қолди ҳаё-ҳайт деб зуд.  
Кўк конвертни очди Аҳмаджон,  
Кўз югиртди ўтказмай минут.  
Қўрғон ичин юриб айланар,  
Ўқимишли одамларга хос.  
Ба'зан кулар, ба'зан ўйланар,  
Русча хатни ўқиркан шаррос.  
Зайнаб хола ўчоқ бошида,  
Ҳайрон бўлиб туради:

— Ҳай-ҳай,

Кўз тегмасин йигит ёшида  
Урус тилин ичибди сувдай.  
Бу хат кимдан келибди болам,  
Каттаконга ўхшар та'рифи.  
— Салом дебди сизга ҳам ошвам,  
Вася Теркин исми — шарифи.  
Фронгда йўқ уни билмаган,  
Билар эди ҳатто генерал.  
Йўқ эли ҳеч ҳавас қилмаган,  
Мукофотга олганда медаль.  
Қадрдон дўст эдик иккимиз,  
Ҳали-ҳали ўша дўстлик бор.

Тинчликдаги шодлик, кулкимиз,  
Жанг кунлари бахтимизга ёр,  
Урушнинг энг охиригача,  
Бирга турдик,

бирга ўлтирдик.

Ёвни суриб ўз еригача,  
Галабани бирга келтирдик.  
У жўнади ўз қишлоғига,  
Ўзи ўсган ўрмонзор томон,  
Мен ҳам қайтдим колхоз боғига,  
Кўз олдимда гўзал Шаҳрихон.  
Шаҳрихонни кўриб турибман,  
Йўқлигимиз билинмапти кўп...

— Тилларингга тасаддуқ онанг,  
Барака топ, кам бўлма асти.  
Омон бўлсин хўб урус оғанг,  
Унитмапти,

гапнинг ҳам рости.

Нима депти у ўз хатида,  
Сир бўлмаса ўқиб бер, болам?  
— Василийнинг юрак қатида  
Ҳали бордир бир дун'ё алам.  
У қайтганда ўз қишлоғига,  
Тополмапти қишлоқдан асар.  
Чиқиб кўрса колхоз боғига,  
Боғ дегани мазорга ўхшар.  
Ўрмонзор ҳам каллаклагандек,  
Даккам-дукам, куйган ва чўлтоқ.  
Кўргинг келса, оқ қайиннинг тик —  
Ўсганлигин, излайсан узоқ.  
На қўрғон бор, на бир бошпана,  
Немис вайрон этган ҳаммасин,  
Зор-зор йиғлаб ўлганмиш она,  
Тирик кўмган эмиш аммасин...

Хираланди, она кўзлари,  
Киприк қоқса тўкилгудай ёш  
Чала-чулпа килмай сўзларин,  
Аҳмад деди чайқаб туриб бош:  
— Ўтиб кетди дахшатли йиллар,  
Қора қонга беланди ёввуз.  
Қарвон ошди манзил-манзиллар,  
Қиш сўнгидан юз очди новруз.  
Қадирдоним Василий ҳозир,  
Тузган эмиш қишлоқ режасин,  
Бу ҳаммага бўлибди манзур,  
Чизган эмиш боғу-кўчасин.  
Мени булса чақирибди у,

Чин меҳнатга —

мусобақага,

— Хўп де болам, дўст бўлинг тотув,

Дўстликни ҳеч сотманг чақага.

Хўп де болам, хат ёзиб юбор,

Мендан ҳам айт дуойи салом.

— Хўп, дели-ю, йигит беозор,

Хат ёзишга ўлтирди оқшом.

Теркин, Теркин тилларда ҳар чоқ,

Онланинг фахрий а'зоси,

Аҳмаджонга қадрдон ўртоқ,

Ота сўзи,

она дуоси...

(Давоми бор)





МИРМУҲСИН

## КАРВОН КЕЛАДИ

Ленин колхозидан, эрта блан,  
Йўлга чиқди дон ортган карвон.  
Аравалар роса безатилган  
Тикиб қўйилган қизил алвон...

Қатор борар Қўқонаравалар.  
Вазмин қоплар ортилган босиб.  
Отлар терлар,  
Гулчак ғирчиллар,  
Билқ-билқ тупроқ қоларди чангиб.

Олда байроқ.  
Байроқ тагида —  
Карвон боши—семиз Анор хола.  
Румолчаси блан кўксин елпир  
Аста қизиб келарди дала.

Энг олдинги арава лиқ-лиқ,  
Ўтиришар колхоз қизлари.  
Лабларидан учарди қўшуқ,  
Нондек пишган эди юзлари;  
„Олмача-ю—олмача,  
Анор қурбонинг бўлай,  
Анор қурбонинг бўлай...“

Семиз Анор хола ўлтирар,  
Бугдойидек тўқ, саримағиз.  
Қоплар ортилмишди хўп тираб,  
Қоплар Анор холадек семиз.

Хола ўлтирар совлат тўкиб...  
Атлас кўйлагига ордени,  
Орқасидан келар зўр карвон,  
Зўр карвонга юк унинг дони.

Давлатимиз бўлсин бадавлат!  
Хола қалбидаги ният шу.  
Шунинг учун, қишви қиш демади,  
Саратонда терлаб пишди у.

Карвон келар, усти тўла дон.  
Қизлар куйлар,  
Янграйди сурнай.  
„Олмача-ю, олмача,  
Анор қурбонинг бўлай,  
Анор қурбонинг бўлай...“

1948 йил. Тошкент.



ОДИЛ ҚАЙЮМ

## ДИЛБАР

Хикоя

Қаҳратон қиш. Туф десанг яхлайди. Икки жундан бери гўхтов-сиз ёғаётган қор ҳам бугун кечга яқин тиндию, аччиқ изғирин зўрайди. Дала томондан бир орқа ғўзапояни бурни ерга тегай деб энгашигани ҳолда кўтариб келган кексароқ бир одам пастаккина қийшиқ эшикдан машаққат блан ичжарига кирди. Унинг мўйлаб-лари қиров бойлаб кетган эди. Очлик ва совуқдан титрашиб ўлтирган болалар:

— Ие, ана дадам келди, — дедилар бирдан севинишиб.

— Тур, қизим даданга қараш, — деди кўкка қараб бетоқат бўлиб вой-войлаб ётган бемор. Ун уч ёшлардаги оёқ-қўллари чаққон, нозикдан келган қиз ирғиб ўрнидан туриб ғўзапояни сарамжонлади ва ундан бир тутамини олиб келиб ўчоққа ёқиб юборди. Болалар ўчоқ олдига югуриб боришди ва қора пўстак устига қатор тизилишди.

— Опа нон, — деди болалардан бири.

Дилбар аввал онасига, сўнг дадасига мўлтираб қаради:

— Жўхорингдан бормиди, қизим, — деди Юсуф ака нурсиз кўзлари блан унга боқиб.

— Ҳа, бироз бор.

— Энди ўшандан қайнатасан-да...

— Хўп, — Дилбар ирғиб ўрнидан турди-да, қозонни осиб ярим челак сувни қуйди. Олдиндан янчиб қўйилган жомдаги жўхорини солди.

Танчада Юсуф ака блан Марям холанинг ўзлари ҳоли қолдилар. Болаларнинг, айниқса, зийрак қизи Дилбарнинг кўнглини вайрон қилмаслик учун Марям хола Юсуф акага шу вақтгача ўзининг аҳволи ҳақида ҳеч сўз айтгани йўқ эди. Энди улар ҳоли қолиб узоқ гаплашиб олишди. Марям хола кўзига жиққа ёш олиб:

— Шу гўдақларимнинг етимлигини билдириб, хўрлаб қўймайсиз-да... Менинг ҳолим танг, — деди кўз ёшларини артиб.

— Қўй хотин, ундай шум ниятларни қилмасангчи, — ғамгин ҳолда унга тикилди Юсуф ака.

Марям холанинг аҳволи борган сари оғирлашмоқда. Бу ҳолни унинг сарғайиб бораётган сўлгин юзлари ва ичига тушиб кетган кўзларидан сезиб турган Юсуф ака қайғили ҳолда, унга ма'юс боқди.

— Оҳ, қандай қийин кунларга қолдингиз... Икки қизга ҳеч қандай бусот қолмаган бўлса, Қаҳҳор ва Ҳамидуллаларнинг қўлини халоллаб қўйиш учун уйда ҳечнарсаси бўлмаси. Сизнинг аҳволингиз бу бўлса... Уларнинг тўйини ҳам кўраолмай дун'едан ўтиб кетман... — кўз ёшларини артиб, бир зум жим қолди-да, сўзида давом этди. — Оҳ Муродулла, онанг ўргулсин болам! Қаерларда нигорон бўлиб юрибсан... Қандай уқубатли дамлар... Юрагим эзилиб кетаяпти дадаси...

Марям холанинг сўлгин юзларидан дўланадек ёш томчилари юмалаб тушар эди.

— Бўлганича бўлар. Кўп ташвиш тортиб ўзингни қийнамасангчи, ахир! Узилиб қоласан.

— Бу ёруғ дун'ёда бечоралик блан бутун умрим азоб-ўқубатда ўтдику. Воей, оёқ-қўлимдан жон чиқиб кетаёттипти.

— Нима қилди, қаеринг оғрияпти? — унга тикилди Юсуф ака.

— Оғриқ йўқ... лекин қимирлашга мадор қолмади. Ҳолдан кетаялман...

Юсуф ака ғамгин кўзлари блан беморга тикилганича узоқ ҳаёлга чўмди.

— Оҳ ҳамма ерим музлаб кетди... Танамдан жон чиқиб кетаяпти.

Ҳаёл ипи узилган Юсуф ака Марям холанинг пешонасидан аста силаб, бошини ушлади. Унинг тили ғулдираб, сўзга келмай қолди. Вақт икки ҳуфтон. Курси устидаги қора чироғ милтиллаб ёнар. Бемор «чақиринг, чақиринг!» деб ҳолсиз қўлларини аста кўтариб болалари томон чўзди. Чаросдак қора кўзларидан маржон донасидек ёш томчиларини оқизгани ҳолда югуриб Дилбар келди. У юзини, муздек тер босган онасининг юзига қўйди. Бемор шивирлашлар блан қўшниси Муҳаррамхондан иккита нон қарз олгани ва уни албатта бериш лозимлигини имо блан тайинлади. Дилбар ўпкаси тўлиб, ўзини тутаолмай бирдан ҳўнграб йиғлаб юборди. Қаҳҳор, Ҳамидулла ва Ибодатлар ҳам дийдирашиб ўчоқ олдидан келишди ва онанинг бошини гир айланиб қуршаб олишди. Қаҳҳор онасининг аҳволини оғирлигини англаса ҳам, Ибодат, Ҳамидуллалар у қадар сезмас эди. Лекин улар ҳам Дилбар ёнида унга қўшилишиб йиғлашар эди. Пастқам, кичкина уйнинг ичи азага айланди. Бемор кўзларини катта-катта очиб жондан азиз болаларига тикилар, алланималар демоқчи бўлиб оғиз ростлар, лекин ҳеч нарса деялмас, кўзларини очиб-юмиб, тез-тез нафас олар эди.

Атроф қоронғилашмоқда. Ер-кўкни ларзага солиб, дов-дарахтларнинг шоҳларини қарс-қурс синдирмоқда бўлган бўрон, уйнинг бир қанотли эшикларини тақ-туқ уриб очиб ёпмоқда. Курси усти-

даги қора чироқнинг чўзилиб ёнмоқда бўлган хира нурида беморнинг кўзлари аллақандай ваҳимали бўлиб олаяр... Бирдан тўс-тўпалон блан увуллаб келган бўрон айвонсиз уй эшигини тарақлатиб очди. Қор учқунларини ҳаммаёққа сочи ва қора чироқни ўчирди. Учоқдаги олов учқунларини атрофга тўзғитди... Марям хола тишларини ғижирлатиб қаттиқ керишди ва жон-жаҳти блан оёқларини узатиб чўзуқ бир оқ тортиди-да «тап» этиб икки қўлини ёнига ташлади. Бу ваҳимали тун қўйнида юраги арзиқиб дили пора бўлган Дилбар, югуриб уйнинг эшигини ёпди ва жинчироқни қайта ёқиб она устига борди. Бу вақт жон узилган эди. Бирдан чирқиллаб йиғлаган Дилбар ўзини меҳрибон она устига отди.

— Жим қизим, жим, онангга озор берасан. Ўзингни тут, тур ўрнингдан, — деган Юсуф ака Дилбарнинг қўлидан тортиди. Лекин Дилбар:

— Оҳ... онамдан айрилиб қолдим, энди нима қиламан, — деб тоқатсизлик блан ўзини ҳартомон урар ва хун бўлиб йиғлар эди. Юсуф ака чаққонлик блан ўрнидан туриб бир эски рўмол блан мурданни энгагини боғлади-да, устига бўз пашшахонанинг бир томонини йиртиб олиб ёпди... Болалар йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолишди. Лекин Дилбар ва Қаҳҳор дадасининг ёнида кечаси блан мишжа қоқмай ўтириб чиқди. Йилдан ҳам узоқ туйилган бу ғурбатли кеча ўтди, тонг ёришди.

Эшик тирқишларини оппоқ қалин қиров ўраган, ташқарида қаттиқ совуқ. Юзларни ачитучи аччиқ изғирин. Боши қуйи эгилган Юсуф ака қийиқчаси блан қулоғини танғиб боғлади-да, оғир-оғир қадам ташлаб, қаёққадир чиқиб кетди. Зах, совуқ ва мазордан беш-баттар, сичқонлар ҳасса тутган қуруқ уйда шўрлик Дилбар қолди. Меҳрибон онадан айрилиб, ўлик устида шумшайишиб укалари қолди...

Юсуф ака ганграган миясида алланималарни ўйлаб, неча мулоҳазалар блан хаёл сургани ҳолда тўғри хўжайини Мамарасул хожининг меҳмонхонасига та'зим блан кирар экан, эндигина ўрнидан туриб келаётган хожи тўсатдан ўдағайлади:

— Ҳа, нега ғойиб бўлиб кетдингиз?! Отлар кечаси блан оч қолдику!

— Эҳ, хўжайин аввал мендан ҳол-аҳвол сўранг, — деди кўзи намланган Юсуф ака.

— Қанақа аҳвол?

— Уйдагилар вафот этди...

— Бу дун'ёда ўлмайдиган ким бор.

— Энди тақсир, бир ёғи ёлғизлик, уйда ёш болалар...

— Қизингиз ёшми?

Юсуф ака бироздан сўнг бош кўтариб:

— Энди, хўжайин, нима қиламиз? — деди.

— Ҳимм... Иложи бор, дун'ёда битмайдиган иш йўқ.

Хизматкор Али ака хўжайиннинг буйруғи блан маҳалланинг улуғларини чақириб келди. Улик учун сарф бўладиган ҳаражатларни ҳисоблашдилар. Хожи берадиган бўлди. Юсуф ака бу қарзларни

унинг эшигида юриб ишлаб узишга тилидан хат берди. Элликбоши муҳирини босди. Шундан сўнг, улар ўликни кўмиш тараддудида Юсуф ака қўрғонига аста жўнашди.

\* \* \*

Юсуф ака ўликни қабристонга қўйиб, болалари блан қайтгач, икки кун уйида бўлди. Учинчи куни Мамарасул ҳожи отхонасининг бир четига кўрпа-тўшакларини кўтариб катта ўғли Қаҳҳор блан енгил-елли кўчиб борди. Ибодатни Усмон этикдўзнинг туғмас хотинига кечиб берди. Уч кун ўтгандан сўнг Ҳамидуллани ҳам Олимжон пахтапурушнинг кичик хотинига дасиёр қилиб берди. Энди ғарибона кулдада шумшайиб ёлғиз Дилбарнинг ўзи қолди. Юсуф ака хўжайиннинг ишидан бўшаб уйига бориши жуда маҳол. Нима қилиш керак? Дилбарни ёлғиз уйда қолдиришга сра кўнгли бўлмайди. Унинг боши шишди. Кўзга кўриниб қолган Дилбарни бирор кишига хизматкор қилиб беришга ҳам ишонмайди. Дилбар чиндан ҳам чиройлик қиз. Унинг шу қишлоқда ҳуснда тенги йўқ деса бўлади. Қора ва узун киприклари орасида ёниб турган шахло кўзлари, қора мағиздан келган анор юзлари, ўзининг келишимли бўй-бастига жуда ҳам ярашган.

Юсуф ака ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келди. Агар хўп деса қишлоқнинг покиза, номозхон домла-имоми мулла Мираҳмад қорининг хотинларига дасиёр қилиб беришни лозим топди ва бу фикрни унга бориб айтди. Мулла Мираҳмад катта марҳаматлар блан унинг бу илтимосини қабул қилди.

— Уйда майда-чуйда хизматларни қилиб, аясига қарашиб юрар, — деди бепарволик блан.

Юсуф ака бу жавобдан жуда хурсанд бўлиб, шу куниеқ Дилбарни олиб келиб топшириб кетди. Дилбар ҳовли супуриш, идиш-товоқларни ювиш ва қўйларга қараш каби барча уй ишларини чаққонлик блан бажарар. Дилбар ҳеч ишга бўйни ёр бермовчи сатанг сифат Саодат отиннинг дардига малҳам бўлди. Шу зайилда орадан бир йилдан ошиқроқ вақт ўтиб кетди. Дилбарнинг бўйлари ҳам анча чўзилиб борган сари бир ҳуснига ўн ҳусн қўшилиб борар эди. Унга паранжи ёпиштирилди. Чунки, кам гап, лекин фикрли бу сулу қизнинг келишган қадди-қомати ва унинг ширмон кулчадек тиниқ юзларига кўзи бир тушган ҳарқандай содда йигит ҳам «Оҳ, хўп жонон қиз бўлипти-да» деб суқ назари блан тикилар эди.

Бутун Дилбар одатдагича азонлаб туриб, ҳавлига чиқди, юзқўлини ювди. Қиш чилласи. Аччиқ изғирин юзларни ачитар. У самонхонадан босиб-босиб бир сават сомонни олди-да ҳовуз бўйига чиқиб кетди. Дилбар тош блан музни уриб ёрар экан:

— Дилбар, ҳо Дилбар! — деб шанғиллаб жаҳди блан чақирган Саодат отиннинг овози келди. Дилбар музлаб кетган қўлларини қўйнига суқиб, югуриб ичкарига кирди ва:

— Ҳа, аяжон, — деди унга тикилиб.

— Нима қилаяпсан?

— Терг...

— Аввал самоварга ўт ташлаб юбор, бош юваман. Сенга қачонгача ўргатаман... Бугун ифторга боришимни билмайсанми?

— Мулла акам ўрнингдан тургач аввал қўйларга қара, дейдилар, сиз бунақа дейсиз, — деб самоварни олиб эшикка чиқаётган эди:

— Нима деб мингғиллаяпсан, бахтинг қора бўлгур... Аввал менинг айтганимни қилгин жувонмарг, — деди.

Нафаси ичига тушган Дилбар самоварни кўтариб ҳовлига чиқди ва унга ўт ташлаб юборди-да, яна ҳовуз бўйига чиқиб кетаётган эди,

— Сандалнинг кулини ким олади, қовоқ-тумшугингни осилтирмай ўлгур мегажин, — деди ғазаб блан.

Дилбар сўзон кириб сөвүқдан зирқираган бармоқларини оғзига тиқиб жимгина курси олдига аста ўлтирди ва танча кулларини олабошлади. Эрталабки номоздан қайтиб келган мулла Мираҳмад кавуш ечадиганда серрайиб:

— Ўрнингдан тургач аввал қўйларга қара демадимми! Қачонгача сенга ўргатаман, — деди пўписа блан.

— Қайси бирларингнинг айтганларингни қилайин, ахир, — деди кўкрагини ерга бериб танчанинг кулини олаётган Дилбар хўрсиниб.

— Мингғиллама, ишингни қил!—деди Саодат отин ер депсиниб. Хўрлиги келган Дилбар кўзига жиққа ёш олди ва ўпкаси тўлиб товшусиз пиқ-пиқ йиғлайбошлади.

— Бекордан-бекорга нимага йиғлайсан, отинг ўчкур, ё биров сени ураяптими?

Дилбар сра йиғидан ўзини тўхтатолмас эди.

— Йиғлама дедим,—ўшқирди жаҳл блан унинг тепасига бориб. Ҳали бола туғиб бели оғримаяган сатангсифат Саодат отин унинг белига бир-икки тепди. Дилбар қўрққанидан курсининг ичига кириб гўё сингиб кетди. Саодат отин ғазаб блан энгашиб Дилбарнинг қўлидан силтаб тортди-да, қулоғини яхшилаб бурайбошлади.

— Сен кимга зарда қилаяпсан? Нима деб ғудурлаяпсан. Ё қорнинг тўйиб қолдими, ҳув ер ютсин сени... сени асрагунча ит асраган яхшироқ эди. Ҳу, ўшшаймай бўйинг гўрда чирисин, зоти қаст, ит-вачча.

Дилбар олови чиққан қулоғини ҳовучлаб бир четда жим турар эди.

— Сен ҳам кўп ўжар бўлмагин-да, аввал безабон жониворларга қарасин, кейин бошқа ишга. Мен айтувдим...—деди қўлини пахса қилиб, гапини мақуллаган мулла Мираҳмад.

— Сиз унинг ёнини олманг! Аввал менинг айтганимни қилади, қани қилмасинчи мен уни нима қиламан...

Дилбар итдан қўрққан мушиқдек қимтиниб аста ўрнидан қўзғалди-да, кўз ёшларни артиб ҳовуз бўйига чиқиб кетди.

Уйда эри-хотиннинг одатдаги можараси бошланди. Саодат отин овозининг борича шанғиллаб қўрғонни бошига кўтарарди. Бошидан сўзини бермай келган бу ўжар хотини блан олишиб бас келаолмаслигига ақли етган мулла Мираҳмад жаҳл блан кўчага чиқиб кетди.

Саодат отин ўзидан-ўзи лаби-лабига тегмай бидирлаб дам Дилбарни, дам эрини қарғар экан, самовардаги сувни совуқ сув блан чапиштириб серқатиқ қилиб бошини ювабошлади. Катта ойнага қараб сочларини ижжита қилиб ўрди. Ўзига оро бериб, қайта-қайта ойнага қарар ва уфа-элликларни обдан қўяр эди. Қала сандиқни очиб хилма-хил кийимларни олди.

Кеч кирди. Мулла Мираҳмад кўчадан шошиб келиб сўзсиз кийинди-да, Мамарасул хожиникига ифторликка жўнаб кетди. Аллақаердан кўк от қўшилган соябон арава келиб кўча эшикда тўхтади. Дабдаба блан адрас кўрпачалар тўшалган бу гулдор аравада талтайиб ўтирган Саодат отин ҳам бойникига жўнади.

Дилбарнинг ўзи ёлғиз уй пойлаб қолди: у зерикди шекилли, тоза бўлса ҳам, чироқ шишаларни яхшилаб ювди, артди ва чиронни ёқиб хира қилиб қўйди-да, эшикка чиқиб, айвон устунига суянгани ҳолда хаёл суриб, бир нуқтага тикилганича узоқ туриб қолди. Шу пайтда бирдан кўча дарбоза тақиллади.

— Ким? — деди юраги гурс-гурс урган Дилбар.

Тақиллаш давом этди.

Яна «Ким?» деди қаттиқроқ.

— Ман, оч!...

Эркак кишининг овози. Дилбарнинг юраги шув этди. Эшик олдига боришга ҳам юраги бетламади. Ташқаридан келган кишининг кимлигини билиш учун ҳовли ўртасида туриб яна:

— Сиз ким?—деди қаттиқроқ овоз блан.

— Мен, Дилбар,—деди чақиручи мулойимлик блан.

Дилбар кимнинг товуши эканлигини дарҳол пайқади-да, ўзича: «а? мулла акам нега жуда эрта қайтдилар экан» деб таажжубланди ва тез бориб эшикни очди.

— Ҳа, диққат бўлмай ўтирибсанми?—деди ширин тил блан.

— Утирибман... фақат бироз қўрқдим,—деди ҳаё блан Дилбар.

— Обдастада сув бормиди,—деди унга тикилиб кулимсираган мулла Мираҳмад.

— Ҳа бор.

— Олиб чиқ, бир таҳоратни янгилаб олай.

Дилбар уйга кириб кетди. Сомон тикқан қопдек тўла гавдали мулла Мираҳмад ҳам лапанглаб унинг кетидан уйга кирди ва Дилбарга муғомбир кўзларини тиккани ҳолда:

— Дилбархон, деди рўмолчаси блан қопқора мўйлабларини силаб,—кечаги аянгга олиб келган пушти харирнинг бошқача нусхасидан сенга ҳам бир кўйлақлик қўшиб олганман. Уни бир жойга беркитиб қўйибман. Эртага секин олиб бераман «укаларимни кўриб келаман» деб боргинда, «дадам олиб берди» деб ҳайтгача ўшоқда тикдириб кийиб кел, лекин аянг сезмасин буня, хўбми?...

Дилбар абдастани қўлида ушлагани ҳолда ханикнинг четида юраги ўйнаб жим ерга қараб турар эди. Мулла Мираҳмад кўзини Дилбардан узмай:

— Яна нима керак бўлса, ўзимга айтасан, олиб беравераман... Өнди дадангдан умид қилма. Бировнинг эшигида юриб, уканг блан ўзининг қорнини эпласа катта гап.



Дилбар ерга қараб турар эди.

— Ҳа, шакар қиз, нега индамайсан? Ё бу гапимга хафа бўлдингми?—деди унга бироз яқинлашиб.

Унинг бу сўзлари ҳам жавобсиз қолди. Дилбар бироз четланди.

— Кел, кўп ўйлама. Нега хаёлга чўмдинг? Қани сувни қуйиб юборчи...

У, устки тўнани ешиб қозиққа илди. Ҳаник олдидаги ғишга ўтириб сув қуйишга букурди ва овоз чиқармай пичирлаб, нималарнидир ўқиб таҳорат қилди, артинди, гилам устига тўшалган адрас кўрпачага ёнбошлади-да:

— Қани бир оёғимни босиб қўйчи, жуда чарчадим... — деди.

Мулла Мираҳмад ерга қараб ётди. Нима дейишига ҳайрон бўлган Дилбар бироз жим тургандан сўнг ноилож секин унинг олдига ўтирди ва сергўшт оёқларини ипакдек майин қўллари блан боса бошлади. Беш-олти марта босгандан сўнг «оёқ бўлди» деб тепага ағдарилди-да, кулимсираб Дилбарнинг бир қўлини секин ушлади. Дилбар «Иел!» деб сапчиб ўрнидан турмоқчи бўлди. Лекин унинг иккала қўлини ҳам маҳкам ушлаб бағрига босди. Юраги отўйиндек ўйнаган Дилбар «Қўйиб юборинг» деб йиғлар ва тўрга тушган баликдек унинг кучоғида зўр куч блан типирчилар, лекин унинг бақувват қўлидан асло чиқолмас эди. Ҳатто Дилбар товуш чиқариб дод ҳам деёлмади. Чунки, мулла Мираҳмаднинг товоқдек оғзи, Дилбарнинг тугмачадек лабларига қадалган эди.

Сўфи хуфтон азонини айтаётган вақтда кўча эшиги тақиллади.

Мулла Мираҳмад шошиб қолди. Қўйнида типирчилаётган қизни тез қўйиб юборди-да, унга қараб деди:

— Тур, йиғлама, ёшингни арт. Бўлмаса, мандан ҳам кўра сенга ёмон бўлади. Аянг сезса сени тириклайин еб қўяди, тур дедим!

Мулла Мираҳмад шошиб ҳовлига чиқиб кўча эшигини очди. Ифтордан кеч қайтган Саодат отин аравадан тушиб ҳовлига кираркан, атрофга аланглади ва уйга кириб тўсатдан:

— Дилбар қани?—деди кўзи жовдираб.

Мулла Мираҳмад эсанкиради. Нима дейишини ҳам билмай саросимага тушиб, сўзсиз атрофга қаради. Очилиб қолган боғ эшигига тўсатдан кўзи тушди-ю, таҳорат ушатмоқчи бўлиб боғ томонга ўтди. Ҳаммаёқ сўтдек ойдин, лекин боғда ҳеч ким йўқ эди. Фақат қалин қор устидан юрган одам изи баралла кўриниб турибди. Боғ томондан Дилбарнинг қаёққадир чиқиб кетганини дарҳол пайқаган мулла Мираҳмад ҳечнарсга билмагандек қайтиб ичкарига кирди ва ўзини дадил тутиб:

— Салламни олиб беринг!—деди.

— Олақолинг,—деди думоғ-проғ блан Саодат отин.

— Ҳа, яна нима тегди?

— Билмайман...

— Нега билмайсан, бадбахт!—деди қўрққан олдин мушт кўтарар дегандек бўш келмасдан.

— Уйга қачон келган эдингиз?

— Қачон бўлар эди... ифтордан сўнг!

— Дилбар қани бўлмаса?

— Дадасининг олдига кетди.

— Нега энди шу маҳалда у дадасининг олдига кетади?

— Дадаси айтиб юборибди, укаси келиб олиб кетди.

Мулла Мираҳмад зарда блан бориб қозиқдан салла, тўнани олди-да, тез-тез юриб масжидга чиқиб кетди.

Дилбар бу вақт боғнинг деворидан ошиб, нариги тор кўчага тушди ва ҳаёққадир ғойиб бўлди...

## II

Қишлоқнинг бир четидаги қўрғонда яшовчи Қўпайсин хола, наваралари олдидан кечки овқат косаларини йиғиштириб олаётган вақтда эшикдан Дилбар кириб келди.

— Вой, кел қизим, отинг чарчаган экан, ошимиз ҳам тамом бўлиб қолганда келдинг-а, эсизгина...

— Йўқ холажон, койиманг, қорним тўқ.

— Мунча рангинг ўчиб кетибди, қизим?

— Бекор, рангим ўчгани йўқ,—ерга қаради Дилбар,—йўлда бироз кўрқдим.

— Қаердан келаяпсан бемаҳалда?

— Отин ойм ифторга кетган эди... Уйда ёлғиз ўзим кўрқдим. Сизникида ётгани келдим, холажон.

Қорни тўйиб қайғуси кетган навараларининг шўхлиги жонига теккан Қўпайсин хола уларни қарғаб уришар эди.

— Тур жойингга ўт! Гумдон бўлиб ухла ҳамманг!

Бувисининг дўқидан кўрққан Саодат, Қумри ва Мохиралар кўрпага ўралишди. Қўпайсин хола блан Дилбар ҳарёқдан узоқ гаплашиб ўтиришди ва охири Дилбарга бир кўрпачани ёзиб берди. У камзилини ечиб бошига қўйди-да ётди. Ҳаммалари ухладилар. Бироздан сўнг Қўпайсин хола ҳам хуррак тортабошлади. Лекин Дилбарнинг сра уйқиси келмас эди. У узоқ хаёлга чўмиб, ҳар томонга ағдарилиб, тинчсизланиб, охири кўзи уйқуга кетди.

Тонг ёришди. Кампир ўрнидан туриб чой қўйди. Учоқда қайнатилган қора қумғонга олманинг баргини солиб, дастурхонга ўроғлиқ учта зоғорани келтирди. Уни ҳаммалари баҳам кўришгандан сўнг Дилбар хайирлашиб чиқиб кетди. У ҳартомонга қараб алавлангани ҳолда, дала кўчасининг четроғидаги сўқмоқ йўлдан дар'ё томон юрди. У анча юрганидан сўнг, шовуллаб оқаётган Норин дар'ёси узоқдан ярқираб кўринди. Дар'ёнинг уёғидан ўтиб келаётган қайиқни пойлаб ўлтирган бир тўп хотинларнинг олдига етиб борган Дилбар, улар блан саломлашишди, рўмолини юзига пана қилгани ҳолда бир тош устига омонатгина ўтирди. Дар'ё шаббодаси унинг бошидаги бир парча рўмолини ўйнашиб учирар. Қайиқ дар'ёнинг бу лабига ўтгандан сўнг бирнеча киши унинг арқонидан тортиб бир қарри толнинг тагига олиб келди. Шу пайтда тўқай ичидан: «тўхтанглар! Тўхтанглар!» деб бақириб юрганича кимдир тўқайдан чиқиб

келарди. Ҳаллослаганича етиб келган ёшгина бу йигит қайиқ пойлаб ўтирган Дилбарга тўсатдан кўзи тушиб:

— Хўш, сенга йўл бўлсин? — деди.

— Чўжага...

— Нима ишда?

— Ҳеч, ўзим...

— Қизиқ?...

— Узингизчи?

— Мен ҳам шу ёққа.

Қайиққа ҳамма ўтирди. Одамлар «ҳа бўл, човни уёғидан сол, бу ёғидан» дейишиб жадал блан қайиқни ҳайдамоқда. Ярим соат вақт ўтгандан сўнг дар'ёнинг этагидан нариги соҳилга чиқдилар. Ҳамма ҳарёққа тарқалди. Дилбар блан йигит гаплашиб, катта туп жийда тагига етканларида йигит тўхтади. Ундан қаерга кетаётганини сўраб ҳеч ҳоли-жонига қўймади. Охири Дилбар Оролдан тамом воз кечиб кетаётганлигини айтишга мажбур бўлди. Лекин сабаби ҳақида ҳеч нарса демади. 19-20 ёшлардаги бақалоқдан келган бу йигит жиддий ҳолда унга тикилиб:

— Мен блан кетасанми? — деди.

— Қаерга?

— Мен борадиган жойга.

— У қаер?

— Борганда биласан...

— Йўге... Қанақа бўларакан, — ўйланиб қолди Дилбар.

— Хўп десанг олиб кетаман. Лекин борсанг хурсанд бўласан. Қаергалигини ҳозир эмас, кейинроқ айтаман. Биз борадиган жойда татар ва рус қизлари ҳам бор.

Дилбар бир нуқтага тикилиб узоқ ўйланиб қолди. У йигитга ҳеч сўз айтаолмай жийда новдасини ўйнаб жим қолди. Эндигина билинар-билинмас бўлиб чиқиб келаётган майсадек майин мўйлаблари бугдойранг юзларига жуда ҳам ярашган бу йигит мулоиймлик блан Дилбарга термилиб:

— Қани, тез бўл, менинг бу ерда кўп туришга вақтим йўқ, кетсанг юр, бўлмаса йўқ... Тўғриси айт, ўзинг қаёққа, кимникига кетаяпсан? — деди яна такрорлаб.

— Тўғриси шу. Қаерга боришимни ўзим ҳам билмайман. Иш қилиб кетаяпман-да, — деди кўзига ёш олиб Дилбар.

— Хўп бўлмаса, юр мен блан. Қани кетдик.

Дилбар ёшлиқдан бирга ўсиб, бирга катта бўлган ўртанча амалкисининг ўғли Қамбар акаси блан бу нома'лум жойга бирга кетишга рози бўлди. Қамбарали йўлни яқин қилиш учун шодикорликнинг ўртасидан кесиб йўл бошлади. Унинг кетидан тез-тез қадам ташлаб аллақандай хаёллар блан Дилбар борар эди.

\* \* \*

Баҳор. Салқин шабода аста елар. Икки дар'ё—Қора ва Нурин дар'ёлари ораларидаги Холмат балиқчининг «оролида» жим-житлик

хукм суради. Одамлар ҳуфтон номозини ўқиб чиқишди. Ҳаммаёқ сутдек ойдин. Узоқ-узоқларда увиллаган итларнинг тавушлари ва пишқириб оқмоқда бўлган дар'ё шовқинларигина бу жим-житликни бузар. Ҳаммаёққа нур таратган тўлуи ойнинг ёруғида чаман бўлиб гуллаган хилма-хил олма-ларнинг шохлари ажойиб манзаралар яратиб барралла кўриниб турибди. Дар'ёнинг авжи тошқин палласи. Пишқириб оқмоқда бўлган сув тошқини гўё қишлоқни кўтариб кетаётгандек... Қишлоқ маҷитининг олдидаги катта майдонга тўпланган чоллар ўзаро нималарнидир гаплашардилар. Юсуф ака ғамгин ҳолда нималарнидир эслаб узоқ бир уҳ тортиди-да.

— Эҳ, оқпошшонинг мардикор олган йиллари... Хўп замонлар эканда. Айтингчи ўшанда қайси бойнинг ўғли кетди... Менинг қариган чоғимда белимга қувват бўлуи катта ўғлим Муродулла... — деди-да ғамгин ерга боқди, — Ҳайдарали полвоннинг девдек девдек етти ўғлидан бирортаси ҳам олингани йўқ. Зўр айланиб бева-бечораларга келди. Катталардан буйруқ бўлдики, «Ҳоҳлаган киши ўз ўрнига бошқа бировни яллаб юборса бўлади» деб, қишлоқда отнинг қашқасидек сиз-бизга ўхшаш камбағалларнинг ўғилларига кучлари етди. Бизнинг заиф; «дадаси, ўғлимиз ҳам катта бўлиб мана ёнингизга кириб қолди, ота-бола деҳқончилик қилсаларинг, бировга зориқмай, қолган умримизни энди биров роҳатда ўтказармикинмиз» деб орзу қила-қила муродига етмай, бечорачиликда ўғилнинг ғами блан юраги эзилиб дун'ёдан ўтиб кетди... У бечора ҳали ёш эди... Мана унинг кетганига расо беш йил бўлди, ўликми, тирикми нома'лум. Уйдаги етимчаларим бўлса, ҳар қимларнинг қўлида кўзлари нигорон бўлиб сарғайиб юришибди. Онаси ўлганда, ўзларингга ма'лум, хўжайиндан яна қарз устига қарз бўлиб қолган эдим... Уни шу вақтгача узаолмайман. Мана янги ҳукуматимиз сиз-бизга ўхшаган бева-бечораларга бойларнинг ерини олиб бериш учун эрта-индин алоҳида кишилар юборармиш. Қани энди Муродулла тўсатдан келиб қолсаю, ота-бола деҳқончиликни кучайтириб юборсак.

— Эй, қўйинг, уларни эсга солиб, юрак яраларни янгиламасангизчи биродар, — деди Али ака ғамгин ҳолатда.

Шу пайтда бирдан қишлоқдан четроқда тасур-тусур отилган милтиқ овози эшитилди. Хира кўзлари бежо бўлган чоллар атрофга аланглаб қарар, дала томондан тўс-тўполонла чопиб келаётган отларнинг дукур-дукур товиши яқинлашди. Яна устма-уст отилган милтиқ овози. Босмачиларнинг зулмидан юрак олдириб қолган чоллар масжиднинг айвонига пана бўлишди. Ўттизга яқин отлиқ милтиқларни шарақлатганча дабдаба блан бир кўча бўлиб ўтиб кетишди. Шошиб ичкаридан чиққан Мамарасулхожи уларни хурсандчилик блан қарши олиб, меҳмонхонага таклиф этди. Хизматкорлар отларни отхонага боғлаб яна келгуси буйруқни кутиб турибдилар. Бир бўрдоқи қўй юмалатилди. Ана дош қозонда қовурдоқ қайнаётир. Пешоналари шоҳи қийнқчалар блан боғланган, оч бўридек ютаққан бу бад-башара йигитлар, шўрвани ўларман бўлиб ичканларидан сўнг гер-

дайишганларича мўйлабларини бураб қишлоқ уйларини изғиб кетдилар. Бу вақт икки ҳуфтон палласи эди. Бир пасда қишлоқнинг тўс-тўпалони чиқарилди. Атрофдан дод-дод овозлари кўтарилди. Ба'зан отилган милтиқ овозларидан сўнг дод деючиларнинг чинқириғи тўсатдан босилар, ба'зан ўқ овозлари кўтарилар. Масжид айвонида турган чолларнинг ғазаблари қайнаб кўзлари ола-кула бўлар эди.

— Нима учун Қамбарали, Султон, Охун ва Ғани каби йигитларимизни ёнимизга олиб, буларни уркалтак қилаолмаймиз? Улар жуда кўп эмас-ку. Токайгача бола-чақамизни уларга оёқ ости қиламиз — деди кўзи чаноғидан чиқаёзган Юсуф ака.

— Бўлади, илгари бўлмаса ҳам, энди бўлади. Ҳозир ҳимоячиларимиз бор. Тездан уларга хабар берамиз — деди Мирзаота.

— Улар ҳозир қишлоқни босиб бўлгач, яна хўжайиннинг меҳмонхонасига йиғиладилар-да, милтиқларини осиб қўйиб баҳузур машатга ўтирадилар. Хўжайиннинг тайёрланган бўзаларини ичиб маст бўладилар. Ана шу пайтда уркалтак қилиб тўсатдан босиб кирамиз. То ўринларидан тургунларича уриб ташлаймиз. Қуролларини ҳам тортиб оламиз. Бунинг учун албатта йигитларимизни ёнимизга олишимиз керак — деди қўлини пахса қилиб Юсуф ака.

— Йўқ, районга хабар берамиз, у ердан тезда қуроллилар етиб келади — деди биров.

— Улар келгунча, бу балохўрлар кетиб бўладилар-да, ахир! Яхшиси сиз бориб Қамбаралига бу гапни айтинг! У йигитларни йиғиб тезда етиб келсин, — деди Юсуф ака.

— У ҳозир уйда эмас-да, — деди Мирзаота.

— Қаерда?

— Билмайман. Беш-олти кундан бери дар'ёнинг у ёғига ўртоқлари билан ўтиб кетади-да кундузи келади... Нима учунлигини менга ҳам айтмайди.

Қишлоқда қий-чув яна авж олди. Ҳаммаёқда дод-фар'ёд. Хотин-халаж ва бола-чақаларнинг чинқириғи борган сари кучаймоқда. Уёқдан-буёққа югуриб тинимсиз вовилламоқда бўлган итларнинг товуши ҳаммаёқни тутди.

— Мен бўлмаса саройга бориб у ердаги аҳволларни билай. Шунга қараб иш қиламиз — деди Юсуф ака ва у шошиб жўнаб кетди.

Юсуф ака секин ичкарига кириб 4 боғ бедани олди-да, ташқарига чиқди. Меҳмонхонада Мамарасулхожи, Мулламираҳмад қори ва Мамажон қўрбоши 3—4 йигитлари блан кайф қилиб ўтиришмоқда. Эшикдан икки қўлини қовуштириб одоб блан кириб келган Юсуф акага қараб, кўза олайтирган Хожи семиз гавдасини қимирлатиб унга қарадида:

— Қаерда юрибсиз? — деди қорнини силаб.

— Шу ерда, томдан отларга беда ташлагани чиққан эдим.

— Боринг! Отларга беда солинг, ҳар томонга қараб туринг, дарвозадан буёққа ёт одам кирмасин.

— Хўп хўжайин — Юсуф ака қўлини қовуштирганича орқаси блан юриб чиқиб кетди. У шошиб отхонага кирди-да, шериги Йўлдош кўсанинг қўлидан секин ушлаб бир четга тортди ва унга:

— Мен бу ерда турай, сиз тез бориб айтинг. Қўрбоши уч-тўрт-та йигитлари блан ўтирибди дег. Улар қишлоқдаги бор одамни бир четга тўплаб кутиб турсин. Мен ҳам ҳозир етиб бораман. Тез жўнанг.

Йўлдош кўса шошиб чиқиб кетди. У етиб борса мачитнинг ёнида ихчамгина ағдарма этик кийган эски паранжили бир аёл блан Мирзаота секин-секин гаплашар эди.

— Хўш ундан кейин, — деди Мирза ота шошиб.

— ... Командирнинг бошчилигида алла қанча қуролилар ва Қамбар акам, Ғани, Охунга ўхшаш, қишлоғимиздан ва Чўжадан чиққан ўнга яқин кўнгиллилар тўдаси ҳозир қишлоқ четида шай бўлиб пойлаб туришибди — деди паранжили.

— Тўғри босиб келмоқчиларми? — сўради Мирзаота.

— Албатта ... Ҳозир улар қаерда? — деди шошиб паранжили.

— Қишлоққа тарқалган, хонадонларни таламоқдалар. Ҳали замон улар қўрбошининг олдига йиғилишади. Шунда мен ўзим хабар бераман, — деди жони оғзига тиқилиб Йўлдош кўса.

— Сен ёлғиз қайтма! Мен бирга борай — деди Мирзаота.

— Йўқ амаки, қўрқмайман. Менинг қуролим бор. Сиз кетабериңг... Ҳозир дадам қаерда? — деди паранжили.

— Шу ерда. Қуролинг?.. Муборак бўлсин, сенга ҳам қурол бердиларми?

— Қачонларди-ю.

— О... Яша шоввоз қизим.

— Қани тез, Йўлдошвой, сизлар отларга қараган бўлиб, ўша атрофда шайланиб кутиб туриңглар, мен ҳам тезда қайтиб келаман. Юсуф аканга бу гапларни секинлик блан айт. Қизингиз Дилбар ҳам улар блан бирга кёлаяпти дегин. Қани қизим жўнадик, — қўярда-қўймай Дилбар блан бирга Мирза ота ҳам жўнади.

Йигитлар дар'е бўйидан бир чақиримча берига—тўқай ичига келиб турдилар. Дилбар амакиси блан шошиб етиб борди. Командир Иванов чолнинг кимлигини сўради. Дилбар, Қамбарнинг отаси эканлигини айтиб, уердаги ҳамма аҳволини бирма-бир изҳор этди. Буларнинг кетидан бир зум ўтмай халлослаганича етиб келган Йўлдош кўса:

— Тез бориш керак. Ҳозир улар уйлардан таланган молларни араваларга ортмоқдалар — деди.

— Диққат! Қани отланингиз!

Дилбар ҳам Маруса ва Ҳадиялардек кўкрагига қатор ўқ терилган камарини тортиб боғлади-да, узун сочларини телпак тагига бостириб чаққонлик блан отга минди. Улар командирнинг орқасидан қатор бўлиб жўнашдилар. Етай деганда командир уларни тўхтатиб:

— Мен айтмагунча ҳеч ким ўқ чиқармасин! Уларни имконият борича тириклайин ўраб олишимиз керак. Топшириқ шу! Тушунарликми йигитлар? — деди.

— Ие, уларни отиб ўлдириб кайф қилмаймизми? — деди кимдир.

— Йўқ! Қанчайики тирик қўлга туширсак шунчалик мирра бизники.

— Нега ахир душманни тирик қолдириш...

— Йўқ! гап шу, унинг сабабини кейин айтаман. Иятизомни сақлангиз!

Меҳмонхонада қўш чилдирма қарс урилмоқда. Базм жуда қизган. Алла қаердан ушлаб келинган икки қишлоқ ўспиринини ўртага солиб ўйнатмоқдалар. Йигитлар бақаришиб баббаравар қарсак урар.

Жанговар отряд саройдан икки юз қадамча нарига келиб тўхтади. Пешонасини боғлаган икки қуроли дарвоза олдида атрофни кузатиб айланиб юрибди. Шу пайтда Юсуф ака ичкари томондан келиб тўсатдан катта дарвозани очиб юборди.

— Нега очдинг? Имонсиз! — деди бир қуроли.

— Бекит! Бўлмаса шу... — деди иккинчиси.

Худди шу пайтда улар ўқлаган милтиқларини қўлга ушлаганлари ҳолда, тасур-тусур отни қўйиб тўсатдан босиб келдилар. Ўқлар чақнаб кетди. «Бу имонсизнинг дарвозани очиб қўйиши ҳам бежиз мас экан» деган бир қоравул шошиб Юсуф аканинг кўкрагига қаратиб ўқ узди. У бир «Оҳ!» деди-да чалқанчасига йиқилди... Улар уни бузилган аридек бир-бирига ёпирилишиб ичкаридан чиқабошладилар. Ҳар икки томондан зўр отишма бошланиб кетди. Шошиб қолган кўрбоши йигитлар ўнг келган томонга қараб тўтовсиз ўқ узар. Бизникилар ура-ура қилиб даҳшат блан ичкарига босиб кирабошладилар. Қиличлар қинларидан суғурилди. Ҳозиргина меҳмонхонани бошларига кўтариб завқ блан базм-жамшит қилаётган йигитларнинг юраги ёрилиб давдираб қолишди. Мана кимларнинг жасади ўрта йўлга чўзилди, кимлар тоқатсизлик блан инграр. Улар қуршовда иложсиз қолди. Тўсатдан қуролиларини тескари ушлаб «Биз таслим!» дедилар. Босмачи йигитлари қуролсизлантирилди. Командир Иванов бошчилигида солдат Қамаров, Витков, Қамбар ва Дилбарлар чаққонлик блан таёқдек қотиб ғоз туриб қолган бу босқинчиларнинг қўлларини орқаларига боғлар эди.

— Энди нима дейсизлар! Ҳа, ахир қўлга тушар экансизларку... Қутирган итларнинг ювундихўрлари... Уятсиз сотқинлар! — деган Дилбар ғазаб блан уларга тикилди.

Хотин, бола-чақаси блан ҳаммаёқни ташлаб қаёққадир қочиб кетган Мамарасулхожининг ташқарисига уйлардан талаб келиниб ҳозиргина араваларга ортилган моллар бир ерга тўпланди. Ичкаридан қўллари орқасига боғланган икки ёш қизни олиб чиқдилар.

Дод деб томоқлари қирилган, калтакнинг зарбида баданлари шилиниб, юзлари юлинган қишлоқ аёллари ва чолларига бу хушхабар яшин тезлигида бориб етди. Мамарасулхожининг катта дарбозаси олдида одам сиғмайди. «Ёш қизимнинг номусини барбод қилдилар!» деб дод дегани учун отиб ташланган Шорвонхоланинг қўрғони азага айланди. «Унинг босмачилар томонидан зўрланган ўн уч ёшлик қизи Шаҳринисо кичик бостирмада ўзини билмай беҳуш ётибди» деб кимдир хабар топиб келди. Сестра Ҳадияопа шошиб сумкасини олдида, унга ёрдамга жўнади. Оғриқнинг азобига чидолмай тоқатсизланаётган ярадорларни тезда Хожининг меҳмонхонасига олиб кириб ётқизилди. Маруса уларга дори қўйиб, бинт блан авайлаб боғлар. Дилбар эса чаққонлик блан унга қарашар эди... Шу пайтда кексароқ бир кишини кўтариб ичкарига олиб кирдилар. Қони-қушига беланиб кетган бу киши ўзини билмас, беҳуш эди. Уни меҳмонхонанинг тўридаги устига шинель ёпилган икки солдат ўлигининг ёнига ётқизилди. Тўсатдан унга кўзи тушган Дилбар сапчиб ўрнидан турди-да, «Оҳ дада!» деб қичқирди ва бирдан ўзини унга отди. Ташқаридан чопиб Қаҳҳор кирди. У дам опасига, дам дадасига ёпишиб йиғлар эди. Юсуф аканинг кўкрагидан шариллаб қон оқар. Сестра Маруса эпчиллик блан аллақандай дорини ярага сурди-да, кўкраги аралаш кийимлари устидан авайлаб боғлади. Лекин қон тўхтовсиз сизгиб оқар эди. Маруса бир шишанинг оғзини шошиб очди-да уни Юсуф аканинг бурнига тутди. У бир зумдан сўнг аста кўзини очиб, тепасида ма'юсона тикилиб турган кишиларга кўзи тушди. Бир ёнида Дилбар, иккинчи ёнида эса Қаҳҳор йиғлашиб турар эди. Юсуф ака, Дилбарга боқиб хира кўзлари блан аста лабини қимиради.

— Мен... Мен... Хайир, укаларингга бош бўл! Оҳ, бу... Бу балоларни даф' қилинглар. Уруғидан сра қолмасин. Менга шу етади. Ҳаммадан розиман хайир...

Юсуф ака кўзини юмди.

Тонг ёришди. Қишлоқ сув сепгандек жимжит. Фақат қишлоқ четроғидаги Шорвон ҳоланинг қўрғонидан ўқтин-ўқтин ув тортишаётган аёлларнинг овози келар эди.

Қишлоқнинг катта-кичиклари ва Иванов бошлиқ йигирмага яқин солдатнинг иштироки блан шаҳид ўлган Панута, Абдуллин ва Юсуф акаларнинг ўлигини қабристонга олиб бориб дафн қилишгач, кун ёйилган маҳалда қишлоққа қайтишди. Катта тўп қайроғочнинг тагида қўллари орқасига чамбарчасть қилиб боғланган, икки кўзига қон қуйилгандек қип-қизариб кетган миқти гавдали Мамажон қўрбоши боғланган йигитлари орасида айиқдек боқиб, серрайиб турар эди.

— Дада, мен ҳозир булар блан кетаман — деди Қамбар, Мирзаотага тикилиб.

— Майли болам, қаерда бўлсанг ҳам омон бўл! Қачон келасан?

— Уч-тўрт кундан кейин бир келиб кетарман.

— Амаки мен ҳам энди қишлоқда туролмайман... Ҳадия опамлар блан бирга кетаман, — деди Дилбар.



- Йўқ... Сен бу ерда дадангни чироғини ёқиб ўтир қизим.
- Қачон мулла Мираҳмадга ўхшаган ярамаслар бу қишлоқдан бадарға бўлади, сўнг келаман — деди жиддий ҳолда Дилбар.
- Ҳай-ҳай ундай бежо сўзларни сўзлама қизим. Бу кишидай уламоларга тил тегизиб бўладими? Емон бўлади.
- Дилбар жим, одоб блан ерга қараб турар эди.
- Опа кетмайсан? деб йиғлаган Қаҳҳор Дилбарга ёпишди.
- Ҳозир кетаман-да, яна қайтиб келаман, сен амаким блан бирга юрасан опаси — деди у.
- Ҳай... бўлмаса Қамбар акангдан сра ажрама,—деди Мирзаота ва уларга фотиҳа берди.

Қишлоқ аҳолисининг қатнашуви блан ўтказилган бир паслик йиғиндан сўнг ярадорларни аравага, асирларни эса олдига солиб ҳайдаб қишлоқдан чиқиб кетдилар. Дилбар йигитлардек чаққонлик блан отига минди-да амакиси ва укаси блан хайирлашиб, Ҳадия опа блан ёнма-ён гаплашиб йўлга тушди. Мана бу воқиянинг бўлганига бу йил роппа-расо йигирма етти йил бўлди.

### III

Поезд кичик станцияга келиб тўхтади. Поезддан тушганлар ҳар томонга қараб йўл олдилар. Бир паснинг ичида станцияда ҳеч ким қолмади. Кўпчилик кун чиқиш томонга қараб кетган катта тош йўлдан юрабошлади. Лекин оқсариқ юзли, барвастандан келган, ҳарбийча кийинган йигит чемоданини ерга қўйди ва ўртада серрайганча қалин бароқ қошлари тагида жовдираб турган қора кўзларини атрофга тикиб аланглади.

Бирдамгина нафасини ростлаб олган поезд қисқа-қисқа қичқириб аста ўрнидан қўзғалди. Йигит ҳар икки чемоданни даст кўтарди-да, поезд йўлини кесиб тўғри нариёққа ўтди. У чўғдек қипқизил ипак гиламлар, унинг устига янги кўрпачалар тўшалган чойхонага борди. Чойхонада жуда одам кўп эди. Йигит ичкарига кириб оқ партуқли оқсоқроқ самоварчи блан сўрашди. Самоварчи ҳам анча шинаванда, улфати йигит экан, меҳмонни иссиқ қарши олди ва бир зум ўтмай устига седана сепилган иккита юмшоқ нонни патнусга қўйиб, конфет блан олиб келиб қўйди. Меҳмон йигит чойни қайтарар экан, самоварчига бир нарса демоқчи бўлгандек тикилди. Самоварчи унга яқинлашди.

- Ув анави катта тош йўл қаёққа олиб боради, — деди меҳмон.
- Тўғри кўприкка — деди.
- Ёзги тошқинларда кўприкни оқизиб кетмаганми?
- Бе, зўр тошқинлар маҳалида ҳам бир қозигини қимирлата-олмади.

Самоварчи илгарилари йилига эрта баҳордан бошлаб одамларни белидан сув кечиб, не-не машаққатлар блан кўприк қуришлари, баҳорда дарё тошқини бошланиши блан уни назар-писанд қилмай бир тўлқин урушдаёқ оқизиб кетиши, бирнеча йиллаб бир чети ҳам бузилмасдан сақланиб келаётган ҳозирги кўприк ҳақида сўзлар.

Айниқса дар'е сувларини темир-бетон дарвозалар орқали мароми блан каналларга тақсимлаб қўйишни завқ блан бирма-бир баён этар эди.

Йигит станциядаги янги қурилишлар, келишимлик чойхона, ранг-баранг чиройли буткалар, магазинлар ва у томондаги катта пахта пункти, унинг орқасидаги қатор-қатор оқ уйлар ҳамда шаҳарча тусини олган бу кичик станциядаги колхоз бозори ва у ердаги ажойиб кўринишларга завқ блан термулар-кан:

— Қишлоққа машина ҳам қатнаб турадими? — деди самоварчиға.

— Ҳа... Броқ ҳозир жуда кам, кечроқ пунктга машиналар кўп қатнайди — деди.

— Демак яна ўзимизнинг оёққа ялинар эканмиз-да.

— Дам олиб ўтиратуринг, кўнгилни очадиган аччиқ қовурма шўрва ё бўлмаса қўлбола палов қилиб бераман. Кўпдан бери палов ҳам емаган бўлсангиз керак. Ана магазинимизда яхши винолар ҳам бор гаплашиб ўтирамиз. Агар хоҳласангиз ана бу алоҳида хонага жой солиб берай, жуда салқин, бироз ухланг дўстим, чарчаган кўринасиз. Мен ҳам фронтдан яқинда келганман. Отамлашамиз брат — деди.

— Кўп раҳмат иним, сиз блан суҳбатлашгани алоҳида келаман.

Йигит кўз олдига нималарнидир келтириб, тўсатдан ирғиб ўрнидан турдида, гимнастеркасини тузатиб, камарини сиқиброқ боғлади. Самоварчи йигитнинг уввало қисташига ҳам қарамай, сабрсизлик блан, шошиб чемоданини кўтаргани ҳолда эшикка чиқди.

— Дўстим юкингиз оғир кўринади, боргунча анча қийналасиз-да? — деди ташқаригача бирга кузатиб чиққан самоварчи йигит ачиниб.

— Бе, булар бизнинг кўтарган юклар олдида нима бўпти.

Улар хайирлашдилар. Яна кўришишга, йигитнинг қайтиб келишини илтимос қилиб самоварчи қолди.

Катта тош йўлнинг икки томонига тартиби блан экилган қатор ёш дарахтларнинг шапалоқ барглари, кўзни қамаштиради. Ел блан аста-ўйнашиб, енгил силкинаётган бу ёш дарахтларнинг танга-танга бўлиб жимирлаётган сояси, машиналарнинг кўп юрганидан ялтираб кетган кулранг тошлар устига тушиб аллақандай чиройли манзарани ташкил этар эди. Табиат беҳад чиройли, шишадек тиниқ осмон блан оғиз ўпишган кўмкўк далалар баҳрингни ёзар. Ёлғиз ўзи атрофга термулиб кайф блан кетаётган бизнинг йигит сра хаёлга чўммас. У ҳаммаёқни завқ блан кузатар экан қандай қилиб қандам ташлаётганини ҳам сезмас эди. Кўмкўк далалар, ундаги кишиларнинг ашулани қўйиб мароқ блан кетман уришлари, хуш овоз қушларнинг ёқимли сайрашлари йигит юрагига чуқур из солар, унга аллақандай та'сир қилар эди.

Куёшнинг ҳарорати анча кучли бўлсада, хуш кайф далаларнинг ёқимли шабодасидан баҳро олиб кўкракларини кушод очиб юборган йигит мусаффо ҳавода эркин нафас олиб фақат олға ва олға

томон интилар. Эндигина биринчи чопикдан чиқиб, қарқара бўлиб шох ташлаб ўсган кўмкўк ғўзалар кўзни қамаштиради. Узоқ-узоқлардаги қуюқ дарахтлар орасидан чала-ярим ҳолда кўринган янгича типдаги келишимли бинолар ва уларнинг турли рангдаги туника томлари товланиб кўринар. Сада бўлиб ўсган ёш дарахтлар тагидан ўзига хос музика блан шалдираб оқаётган ўйноқи сувлар йигит қалбини қитиқлар. У қанчайики тез юрмасин, асло йўли кўпаймаётгандек сезилар эди: йигит алланималарнидир эслаб кўз олдига келтирар ва ўзидан-ўзи жилмайиб қўяр. Гўё унинг юраги ўрнидан чиқиб кетгудек даражада хурсанд бўлар ва кимлар бландир кўришиши ҳақида завқ блан ўйлар экан: «Ростданми? тушимми, ўнгим?» деб ўзига ишонгиси келмас эди...

Хув ана, узоқдан қуёш нурида ялтираб дар'е кўринар. Жимжи-ма бўлиб оқариб кўринган дар'ега кўзи тушган йигит гўё ўзини мазгилига яқинлашиб қолгандек сезар-да қадамини янада тезлатар. Жуда тез юрганидан унинг а'зойи баданидан чак-чак тер томар. Ички кўйлаклари шалаббо бўлиб ивиб, нам гимнастержкаларигача ўтиб кетди. Уч-тўртта рўмолчанинг ҳаммаси ҳўл бўлди. Пешонасидан оқиб тушаётган маржон-маржон терларни артиш учун йигитнинг қуруқ ҳечнарсаси ҳам қолмади. Шу пайтда орқа томондан гувиллаб келаётган юк машинасига қайрилиб қараган йигит кўча ўртасига ўтиб қўлини кўтарди. Машина келиб тўхтади.

— Каерга борасиз дўстим? — деди шошиб.

— Сизчи? — деди шофер.

— Оролга...

— Ҳа Янгиободгами? Чиқинг! Хўш қаёқдан дўстим?

— Отпускага келаяпман.

Йигит чаққонлик блан машинага ўзини отди, жўнадилар... Бир паснинг ичида дар'е кўпригига бориб етдилар. Машина кўприкдан ўтиб қишлоққа қараб кетган катта тош йўлга бурилди.

Бундан 10 — 15 йил бурун дар'еда ҳечқандай кўприк бўлмай, кишилар фақат қайиқлар, от-аравалар эса кемалар орқалигина ўтар эди. Дар'енинг у соҳили қишлоққа кириб боргунча 5 — 6 чақирим чамаси тўқайзорликдан иборат бўлиб, бу ерда ҳечқандай экин майдони бўлмаган, фақат терак бўйи қамиш ва савағичлар ўсиб ётар эди. Бугун ўша тўқайзорларда кўзни қамаштирадиган даражада қарқара бўлиб яшнаб турган ғўзалар. Қишлоққа кириб боргунча катта тош йўлнинг икки томони қатор кетган янгича типдаги шинам участкалар. Кўча четларида столбалар, радио карнайлари ва электр чироғлари... Қишлоқ таниб бўлмас даражада ўзгарган. Янгича бир дун'е. Дар'енинг ғипа бўтилган темир-бетон дарвозалари сувни янги қазилган каналларга мароми блан тақсимлаб қуймоқда. Каналдан ҳар тарафга қараб бўлиниб кетган кичик ариқларда шалдираб бир тегирмон сув оқар. Кўча четларидаги сада бўлиб ўсган акац дарахтлари тагидан тўлиб оқаётган сувларга термулиб завқи қайнаган йигит ўзидан-ўзи шу сўзларни дер эди:

— Ростданам мен ёшлигимда кўрган ўша Оролми?.. У Оролдан сра ҳам асорат қолмаган-а, кўзаларимга нишонмайман. Ажойиб ўзга-ришлар, ҳақиқатан Янгиобод, ўзгача бир дун'ё...

Машина катта тўп қайрағоч тагига келиб тўхтади. Қишлоқда қамишлари осилиб, бўғотлари нураб ётган бир вақтдаги паст-паст бурунги томлардан сра асорат қолмаган эди. Фақат Мамарасул хожининг Қашқар стилидаги ички-ташқи данғиллама гулдор иморатларигина таниш. Катта ҳовузнинг ўнг томони колхоз саройи. Унинг ёни магазин, қаршиси қизил чойхона ва сал нарироқда болалар ясласи ва шифохона... Узоқдан икки қаватли мактаб биносининг туғика томи кўриниб турар. Қишлоқ кўчаларида зот учмайди. Фақат икки тегирмон сув лиммо-лим бўлиб оқаётган катта анҳорнинг олдидаги шинам чойхона ёнида қанарага гўшт оingan 60 ёшлардаги бир мўйсафид пичоғини ўйнаб самоварчи блан суҳбатлашиб ўтирар эди. Машина уни туширгач колхоз саройи олдига келиб қисқа-қисқа дуд чалди. Дарвоза очилди, машина ичкарига кириб кетди. Чемоданини катта туп саданинг тагидаги супага қўйган йигит хўлрў-молчаси блан юз қўллари ва бўйинларини артди. Этигини чангдан тозаллади ва чемодонини кўтаргани ҳолда у мўйсафид олдига салом бериб борди. Иссиқдан юзлари қип-қизариб бўртиб кетган ҳарбий кийимидаги бу серсавлат йигитни улар танимадилар. Лекин иссиқ қарши олишди.

— Келинг болам, қани марҳамат! — қуюқ сўрашдилар ва унга юқоридан жой кўрсатдилар.

Диққат блан йигитга тикилган мўйсафид унга чой узатди. Йигит чойни олар экан, атрофга завқ блан қарар эди.

— Кимникига келдингиз ўғлим, — деди салмоқлаб чол.

Йигит чойни хўплаб бир табассум қилди-да, сўзсиз унга тикилди. У киши ҳам йигитдан жавоб кутиб бақрайиб турар эди.

— Амакижон мен ўзим шундай саёҳат қилиб келган эдим.

— Ҳа... Сиз ўзингиз асли қаерликсиз? — сўради чол.

— Чоржўйликман отажон, — деди мулойимлик блан йигит.

— Ҳа жуда соз, Чоржўй... Бу шаҳарнинг номини кам эшитганман.

— Шу ерда Абдуқаҳҳор деган киши борми? — сўради йигит.

— Қайси Абдуқаҳҳор экан? — Самоварчига ялт этиб қаради чол. — Бизда учта Қаҳҳор бор. Раисимизнинг оти ҳам Абдуқаҳҳор, Аливойнинг ўғли бригадиримизнинг оти ҳам Қаҳҳор... Қайси бири экан?..

— Юсупов Қаҳҳор? — деди йигит.

— Ҳа, у раисимиз.

— Уйи қаерда? — сўради йигит.

— Ана шу ерда яқин. Лекин ҳозир улар уйда эмас. Ҳамма далада. Эркагу-хотин, ясла, боқчалар ҳам далада. Гаплашиб ўтиратуринг, кечлатиб келиб қолишади. У раис-да болам. Ҳозир далада иш жуда қизғин, ҳа қариндошингизими?

— Ҳа, шунга ўхшаш... Таниш.

Чол тўладан келган, кенг елжаларига офицерлик погони жуда ҳам ярашган, оғир табиатли, гаплари ма'ноли, бу серсавлат йигитга суқланиб қайта-қайта тикилар. Йигит чемоданини очиб шакар, ҳар хил конфет ва печенийлардан олди-да отанинг олдига қўйиб:

— Қани марҳамат отажон! — деди.

— Эй, қўйинг ўғлим, овора бўлиб нима қиласиз.

— Бу мозор босиб келган, олинг отажон, савоб бўлади дейдилар-ку.

— Ҳа савоб бўлади, қани ўзингиз ҳам олинг. Бўлди кўп олманг болам, борадиган жойингизда болалар ҳам кўп.

— У ҳозир раис денг-а? — сўради йигит.

— Ҳа шундай. Барака топкур, у кўп лобар йигит-да. Сўзидан ма'но томади. Қолхозчилар ҳам уни жуда яхши кўрадилар. У раис бўлгандан бери колхознинг ҳам обрўйи кўтарилди. Ҳозир районда ўзининг ҳам обрўйи жуда яхши, Олий Совет депутаты. Ҳа, иш қилиб мартабаси бундан ҳам баланд бўлсин. Ундан ҳамма хурсанд.

— Болалари кўп дедингизми?

— Етти жон. Ўзи, хотини, бешта фарзанди... Бечоранинг катта ўғлидан ҳеч хат-хабар йўқ. Уни кўп гапиради. Ҳа, ишқилиб ўзидан кўпайсин. Бир опасини ҳисобламаганда, ҳеч кими ҳам йўқ. Бисотида фақат биргина опаси бор, холос. Ҳамидулла деган укаси бор эди, бир йилча бўлди ундан қора хат келган. Ота-онаси эса ёшлигида ўлиб кетган. Ибодат деган бир синглиси бор эди, у шу йил баҳорда ўлди. Ҳозир бисотида шу биргина опаси қолди, холос. У бир бўлса ҳам бирагай. Жуда ҳам ўткур доктор бўлган. У баҳорда синглиси ўлганда бир келиб ўн-ўнбеш кун туриб кетувди. Ўқимишли, сўзамол, кўп ма'юли жувон бўлибди...

— Унинг жойи қаерда экан? — сўради йигит.

— Хоразм томонда доктор бўлиб ишлар экан. У шу ерда турган кунлари ундан кўп кишилар шифо топди. Кўп ўткур доктор бўлган экан, ҳамма унга қойил қолди. Докторларнинг бунақа ўткурини ёшим шу ерга келиб кўрмаган эдим...

Чол бирзум сукунатдан сўнг яна сўзга киришди.

— У жувон ҳукуматимиз янги келган йиллари босмачиларга қарши курашда ҳам кўп иш кўрсатган... Шу Оролни Қамбарали деган йигит қизил аскарлар блан тил бириктириб қишлоқ йигитларига бош бўлган ва ороллилар бошига не-не жафоларни солган у золим қўрбоши ва унинг қанчаям лашкарларини усталик блан қўлга туширганлар. Босмачилар блан бўлган бу охирги урушларда раисимиз Абдуқаҳҳорнинг шу доктор опаси ҳам жуда кўп иш кўрсатган. Уша йилларда у қиз бу қишлоқда яшашдан қўрқиб амакисининг ўғли Қамбарали блан бирга бошқа юртга кетиб қолган. Улар шу кетганича узоқ вақт қишлоққа қайтиб келмаганлар. Фақат хат келиб турган. Тошкентда ўқиб, илм олиб у доктор, Қамбарали эса агроном бўлган ва ҳар иккиси Хоразм деган жойга ишга тайинланиб кетганлар. Охири ҳар иккисининг тўйи бўлган. Улар бирга умр кечиришган...

Йигит чол ҳикоясини завқ блан тингларкан:

— Ҳа, кейин нима бўлган? — деди йигит кулимсираб.

— Кейин нима бўларди... Нима ҳам деяётган эдим. Ҳа, Қамбарали блан ўша юртда бирнеча йил бирга ишлаб, ўша ерлик бўлиб қолиб кетишган. Эри-хотин аҳл умр кечириб, турмушларини, уй-жойларини жуда ҳам яхшилаб олган, дун'ё ортдирган, фарзанд кўрган, ўзларига анча тўқ яшашган. Бир йили улар қишлоққа ҳам бир келиб кетишган эди. Ўшанда катта ўғли тўққиз-ўн ёшларда эди. Немислар блан бўлган бу война бошланган кунлариёқ Қамбарали армияга кетади, орадан кўп вақт ўтмай доктор бўлгани учун ярадорларни даволашга хотини ҳам кетади, кейинроқ ёши тўлиб ўғли ҳам жўнайди. Буёғи жуда қизиқ.. Эри ҳам катта командир бўлган. Бир куни эри ўша юртга отпускага келганда хотинидан узоқ вақт хат-хабар бўлмаганини айтадилар. У йигирма кунча туриб болаларини кўргач яна фронтга жўнайди. Кўп жойга хат ёзиб суриштиради. Лекин ҳеч дарагини топаолмайди. Бултур хотини тамом бўшаб бизнинг районга докторларнинг бошлиғи бўлиб тайинланиб келганда ўғлидан хат олади, лекин эридан ҳеч хат келмай кетади. У кўп жойларни суриштиради. Аммо, сра дарагини топмайди. Охири эридан қора хат келади. Шу йил баҳорда у уч боласини олиб қишлоққа келганда тўсатдан эридан хат келиб қолади. Лекин ўғли уруш тугагандан сўнг ҳарбий ўқишда талабгор бўлиб қолиб кетади, буларни кеча Абдуқаҳҳор айтаётган эди...

Чолнинг ҳикоясини диққат блан тинглаган йигит кечкириб қолганини ҳам сезмай қолди. Колхозчилар ярқираган кетманларини елкаларига қўйиб, бирин-кетин даладан қайтмоқда. Самоварда борган сари ёш-яланглар кўпаяр эди. Самоварчи икки самоварни бирдан қўйиб юборди-да, бориб радиони бураб кўрди, «оҳ концерти» экан деди-да, завқ блан приёмникни қўйиб юборди. Дилларни қитиқловчи ёқимли музика қишлоқ кўчаларини янгратар. Даладан қайтган колхозчилар уйига ҳам бормай чойхонада завқ блан ашулани тинглар эдилар. Қип-қизил юзларига қора мўйлаблари жуда ҳам ярашган, тўладан келган оқсоқроқ киши салом бериб келди-да, ҳарбий кийимдаги йигитга бир назар ташлаб ичида «бу ким экан?» деб ўйлади.

— Бу киши сизникига келган меҳмон бўладилар, танишинг, — деди ҳалиги чол.

Раис унга яқин келиб тикилди-да қуюқ сўрашди.

— Абдуқаҳҳор Юсуповми? — сўради йигит.

— Шундай!..

— Оҳ тоға! — қучоқ очди йигит тўсатдан.

— Оҳ жияним, бормисан дун'ёда, — деб бирдан унга ўзини отди, юзига тикилиб — ростдан жияниммисан, — дея қайта қучоқлади.

Тоға, жиян бир-бирдан узоқ ажраша олмай қайта-қайта кўриша кетди. Бу ҳолдан таажжубланган колхозчилар уларга тикилиб қараб қолдилар.

— Бу бизнинг жиянимиз бўлади. Мен буни саккиз ёки тўққиз ёшида кўрган эдим. Мана тоғдай йигит бўлиб кетибди, танимапман, ў жияней...

— Доктор опангизни ўғлими? — шошиб сураган чол ирғиб ўридан туриб кетди.

— Ҳа шундай, ўша ёзда келиб кетган Дилбар опамизнинг тўнғичиси Жаҳонгир шу бўлади.

Жаҳонгир мийғида кулиб, одаб блан уларга қараб, қаддини кўтаргани ҳолда ғоз турар эди.

— Сен келишинг ҳақида опамга телеграмма юборганмидинг? — сўради тоғаси.

— Йўқ, тўсатдан жўнадим.

— Эртага опам ҳам келади, бугун бировдан айтиб юборибди. У келгач тўсатдан сени кўриб, эси чиқиб кетади десангчи?

— Опам энг сўнгги хатида «мен ўзимизнинг районга шу ой ичида кўчиб бораман. Ўша ерга ишга тайинландим» деган эди. Шунинг учун ҳам мен тўғри шу ерга келавердим.

— Жуда яхши қилибсан-да. Ҳай-ҳай... Яқинда даданг ҳам келиб қолади, хат келди... Урушдан сўнг ўқишда қолиб кетибсан, эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Ўқи ука, ҳали ёшсан ўқи.

Анграйиб қолган чол гапга аралашди.

— Ҳа, иш қилиб барака топинг ўғлим. Аммо лекин сизга тасанно бўлдим болам. Кечгача ҳамсуҳбат бўлиб, ўзингизни ҳеч танитмапсизам. Бизлар эски одамлар-да, бирор мартаба суриштириб ҳам кўрмапман, Абдуқаҳҳордан эшитганларимни сизни зериктирмаслик учун билар-билмас сўзлаб бердим, янглиши бўлса афв этасиз жонидан отаси.

Жаҳонгир кетма-кет келиб кираётган колхозчилар блан бирма-бир сўрашиб бўлгач, беш-олти киши бўлишиб тоғасиникига жўнашди.

Тошкент, 1947 йил.



# Қорақалпоқ Совет адабиётидан

АСАН БЕГИМОВ

## ГУЛИСТОН

Бир замонлар ўлкам менинг бўлган эди чўлистоя,  
Баҳор каби гул-гул ёниб, бўлди бу кун гулистоя.  
Халқим озод,  
Юртим обод;

Хур ўлкага айланди,  
Энди, мана, Қорақалпоғни таниди эл олисдан.

Ҳар томонда яшнаб ётар хирмон-хирмон оқ олтин,  
Гўзал фасл кенг далага ёзипти ўз бисотин.  
Ҳар'ён яшнар,  
Кўнгул яйрар,

Халқим бахти балқиган,  
Қорақалпоққа бу турмушни берган улуғ Сталин.

Заводларнинг трубаси осмон блан туташган,  
Тутунлари бураланиб булутларга улашган,  
Бураланиб,  
Кўк товланиб,

Янги-янги шаҳарлар,  
Қорақалпоғнинг тупроғида гуркираган, ярашган.

Совет даври обод қилди Қорақалпоқ овулин,  
Қаранг, бугун тракторлар ағдаради ер бағрин,  
Меҳнаткаш эл,  
Боғлаган бел,

Ешу қари шод-хуррам;  
Эрта поезд кесиб ўтар Қоратоғнинг тош бағрин.



Кўнғиротнинг поездига тушсанг, уйда ётгандай,  
Ва беозор йўл оласан-худди қушдай учгандай,  
Кўзинг юмиб  
Ва очгунча

Манзилингга етасан,  
Ойлик йўлни тез олади, кўкдан юлдуз кўчгандай.

Қанча ҳамки узоқ юрсанг, қора айғир толмайди,  
Узоғингни яқинлатиб, оғир ишинг қолмайди,  
Яшнайдн эл,  
Яйрайди дил,

Келиб поезд орага,  
Халқ бундан сўнг арабала узоқ йўлга бормайди.

Поезд келиб, ерларимиз яна бўлар чаманзор,  
Уфуқларга қулоч ёзиб, кенгаяди пахтазор,  
Тўлиб тошиб,  
Давон ошиб,

Коммунизм йўлида  
Усажакдир қувват олиб, яна яшнаб гул диёр.

Қара, қандай кўркам бўлган колхозларнинг даласи,  
Электрдан нурлар эмиб, яшнар Аму ёқаси.  
Ватанга нур,  
Халққа ғурур

берди доҳи Сталин!  
Ана шундай юксалмоқда Қорақалпоқ ўлкаси.

Нукус



С. ЖҮЛДАС

## ОЙ ЖАМОЛ

Бизнинг юртга ёприлиб ёв, қилмоқ истади қамол,  
Оламан—деб,—зўрлик блан,—ер-сув, одам, дун'ё—мол,  
Эли учун туғилган эр, келтирарми ор, номус!  
Ғазабимдан отга миндим ёвга қарши, Ойжамол.

Ботир эдим азал-бошдан—курашларда туғилган,  
Халқ паноҳим, Ватан онам, таним шундан юғрилган.  
Қонли жангда ёвлар блан мардонавор курашдим,  
Ватан учун, халқим учун, сенинг учун, Ойжамол.

Душман ўқи, оқ июндай, қўлим ялаб ўтганда,  
Ҳамшира қиз, жони ачиб, суяб мени тутганда,  
Ёвга қирғин солдинг, яша, азамат!—деб кулганда,  
Қартинадай кўз олдимга келиб турдинг, Ойжамол.

«Ёвни йўқ қил!» — деган сўзинг қувват берди жонимга,  
Муҳаббатинг мадад берди ва шон қўшди шонимга,  
Чекилмадим, олға юрдим, ўқ текса-да сонимга,  
Топпиригинг ўринладим чин юракдан, Ойжамол.

Ёвни енгдик!

Қора қайғи узоқларга қочганда,  
Ой, кун, юлдуз ёғду сочиб, бизга кулиб боқганда,  
Она Батан, меҳнатга, деб кенг қучоғин очганда,  
Зафар блан келдим етиб эсон-омон, Ойжамол.

Келсам меҳнат қизиб кетган, дедим ғайрат қилайик,  
Ҳарбир ишни кечиктирмай, белни маҳкам боғлайик,

Кел, вафодор, қўлни-қўлга бериб толмай ишлайик.  
Халқимизнинг ва'дасига биз ҳам шерик, Ойжамол.

Энди бекор ўтказмайик вақтимизнинг ҳар онин,  
Япнатайик халқимизнинг янги-янги армонин,  
Йилдан-йилга оширайик оқ олтиннинг планин,  
Сўзимизни ўринлайик, инобатли Ойжамол.

Нукус

Т. НАЖИМОВ

### *ОКТЯБРЬ СЕВИНЧИ*

Дилларда мардона ғайратлар тошкан,  
Сув ва нур куйлари кўклардан ошкан,  
Очилган чаноқдай тонгимиз ёруқ,  
Хирмоннинг бўйлари тоққа улашкан.

Янги каналлардан келган сувларни  
Чаноқлар ичида ўлжаси оқдир.  
Бизнинг Сирдар'ёнинг тўлқинларида  
Фарҳодда ясалган қуёш порлоқдир.

Сирдар'ё бўйлари кўп гўзал ердир,  
Хусусан шу тўқун октябрь ойи.  
Колхознинг илғори бир қизни кўрдим,  
Та'рифлаб дostonлар айтсанг киройи.

Октябрь кунлари юракларимда,  
Янги, тоза ҳислар тўлиб қўзғолиб,  
Ўттиз ёш тўлганим шу азиз чоғлар  
Байрамга чиқаман завқда, мард, голиб!

Н. ДОВКАРАЕВ

## БОТИРЛИК

Ҳикоя

Мен уни тасодифан учратиб, «у ҳали-бери келмайди» деб ўйлаб юрганам учунми, ҳайрон бўлиб қолдим.

Устига шинель кийган, бинт блан бойланган чап қўлини бўйнига осиб олган, елкасида қопчаси блан забардаст бир йигит менга қараб бурилди. У, кўзимга ўтдек кўринди, шошиб қолганимдан:

— Ие, сенмисан — депман.

— Ҳа, мен фронтдан келаяпман, — деди Собирбой кулиб.

Бирон қалин дўстингни узоқ вақт кўрмай юриб тасодифан учратиб қолганингда, жуда қизиқ вазиятга тушасан киши...

Бу уйдаги болалар уёқда турсин, қўни-қўшниларнинг болалари ҳам типирлашиб қолди.

— Бас энди, боринглар, ўйнанглар — дейишимга қарамай, бирови Собирбойнинг шинелини, бирови телпагини ушлаб кўрар, яна қайси бири унинг бўйинини қучоқлаб ажралгиси келмас эди.

— Амаки, қанча немисни ўлдирдинг?

— Минамёт блан отдингми?

— Немисни санчиб ташлаганингда бақиргандир-а?—болалар шу каби саволларни ёғдириб юборишди...

Ватан урушда қатнашган, азиз ватанимизни душмандан озод этган ҳарбир жангчини халқимиз нақадар ҳурматлайди ва у блан фахрланади. Мана шундай ҳурматга сазовар бўлганлардан бири Собирбой эди.

Мен Собирбойнинг барча ҳислатларини яхши биламан. Биз ёшлик чоғимизни бирга ўтказдик. У оғир табиатли бола эди. У ўзича бировга тегмас, агар биров унга тегса эътибор бермас эди. Бизлар овулда ҳар ярим ойда ўзаро кураш уюштириб турар эдик. Собирбой шунда ҳам курашга иштирок этмай, бир четда ўтирар эди. Гоҳида бизлар унинг гашига тегиб:

— Собирбой қўрқоқ. — десақ, ўрнидан сапчиб турарди-да:

— Қани чиқ, яккама-якка олишаман — дерди ва «оғир экансан,

кўтараолганимда ерга бир урар эдим» дегандак ҳаммамизни бир-бир кўтариб қўяр эди.

У ёшлигидан етим қолган, улғайиб кенг елжалик, бир ўзи икки кишининг юмишини қиладиган нордай йигит бўлиб етишди. Кейинги йилларда Хўжаалидаги пахта заводида ишлади. У пахталарни пресслаб, той-той қилиб байлар ва тегишли жойга итариб юборганда, тойлар тўрт-беш марта ағанаб кетар эди.

Собирбой заводда стахановчасига ишлаб, бирнеча бор мукофотлар олди.

Ватан уруши бошланди. Собирбой армия сафига чақирилди. У, фронтда муқаддас бурчини адо этиб, мана бугун уйига қайтиб келди.

Собирбой овқатланиб, дам олганидан сўнг, унинг саргузаштига қизиқиб гапга солгим келди. Берган саволларимга дона-дона жавоб қилиб, дастлаб Олмаотада қандай қисмда хизмат қилгани ҳақида, Олмаотанинг саратон кунларида ҳам бошига оқ қалпоғ кийган тоғлари, кўк духобого уртинган боғлари ва салобатли қал'алари тўғрисида сўзлаб берди.

— Мен Олмаотада ўқидим, кўп қийинчиликлар бошимдан ўтди.— деди у ва бироз тўхтаб қолди. Мен саволим блан уни, кўрган кунларини ёдига тушириб қийнаб қўйдим шекилли, дея хижолат тортабошладим.

— Урушга биринчи марта борганингни айтибберақол, — дедим мен.

Собирбой чуқур хаёл суриб олгач, яна сўзга тутунди:

— Сталинград қаттиқ ҳавф остида қолганда, бизнинг қисм ҳам ўшаёққа кўчиб ўтди, немислар Сталин шаҳрини тамоман ўраб олган эди. Биз учун фақат Волга орқалигина ўтиб боришга имкон бор ва ўшанда ҳам немисларнинг ҳаводан ёғдираётган бомбалари остида минг машаққат блан силжишга тўғри келар эди.

Бизнинг қисм тунларнинг бирида Волгадан ўтадиган бўлди, бизлар бўлиниб-бўлиниб, катта-катта кемаларга тушиб сузиб кетдик. Тепамизда немис аэропланлари аридек гўнғиллаб юрар ва бизларга тинчлик бермас эди...

Бизлар Сталинграднинг орқа томонига — олдинги линияга ўтиб олдик. Немислар шаҳарни эгаллаш учун неча бор уриниб кўрдилар. Броқ, Сталинградни ўз жонимиздай сақлаб турдик...

Тўғри, мен урушга борган дастлабки кунимда ҳақиқатан ҳам ўрганаолмай юрдим. Снаряд, миналарнинг гувуллаб учиши, бомбаларнинг гумбурлаб ёрилиши юрагимни ёриб юбораёзар эди. Бунинг устига немислар ваҳимани янада кучайтириш учун аэропландан ўлиб, челақ ва турли темир-терсақларни ҳам ташларди. Бирнеча кундан кейин ўрганиб кетдик. Улим нима — хаёлимизга ҳам келтирмай қўйдик.

Бир кун ярим кечада артиллерия отишмаси бошланди. Бизнинг замбаракларимиз чамаси 3 соатча тинмай отди. Мен немисларнинг уялари, аллақачон остин-устин бўлди деб қувонар эдим. Ноябрьнинг шу кунги олтин тонги снаряд, бомбаларнинг гумбурлаши

блан ёришди. Шопирилган қора тупроқ ер юзидаги оппоқ қорларни ола-чипор қилиб ташлади.

Бизнинг қисм оқ халат блан ниқобланган ҳолда атакага ҳозирланди. Атакадан мақсад, бундан бир-икки кун илгари немислар эгаллаб олган, стратегик жиҳатдан аҳамиятли пунктни қўлга киритиш эди. Бу иш албатта осонлик блан бўлмади. Бизлар қорга шўнғиб, ер бағирлаб олға силжир эканмиз, немислар сезиб қолмасин учун, қорни қўлимиз блан кураб, қазиб йўлимизни чуқурлаштирар эдик. Бир вақт жуда яқин жойда тўсатдан милтиқ овози эшитилди.

— Тўхта, ёт!—деган команда берилди. Кейин англасак, немислар биз жойлашган пунктни ҳам эгаллашга қарор қилган бўлса керак, бизларга қараб сурилиб келаётган экан. Бизлар немисларнинг яқин келишини жимлик блан кутиб ётдик. Ниҳоят душман шундай яқинлашиб қолдики, сўзлашган товушлари ҳам эшитилиб турар эди.

— Гранатлар тайёрлансин! — деган команда оғиздан-оғизга ўтиб, бир пасда бутун сафга тарқалди. Биз гранатларни шайлаб, ҳужумга тайёр ҳолда, команда кутиб қолдик.

— Ут!

Душман устига гранаталар ёғилиб кетди. Оллдаги окоплар остин-устин бўлди, шу пайт немислар ортдаги окоплардан чиқа бизга қараб интилди.

— Ватан учун, Сталин учун атакага, олға! — дея лейтенант Коваленконинг овози жаранглаб кетди. Ҳамма жангчиларимиз ўринларидан учиб туришди.

— Ура-а.

Бизнинг олдиндаги жангчиларимиз бир зумда немислар блан аралашиб кетди. Найзалар санчилар, одамлар ҳайқирар, ўлим эса ёдинга ҳам кирмас эди.

Тўпалоннинг айна қизғин пайтида мен, олдимда бир немис блан олишаётган Ботирбекни кўриб қолдим. Агар унга сал кўзим тушмаганда, ёнидаги немис ўқталган найзасини унинг бетига санчиб юборар эди. Мен гўё чақнаб кетдим, ўша немисга ўзимни отдим ва милтиғимнинг қўндоғи блан бошига бир уриб қулатдим. Шу орада Ботирбек ҳам ўзи блан олишаётган немисни юмалатиб ташлади. . . Бизлар шу тарзда немисларни тобора тислантириб, олға силжир ёдик. Бирдан менга учта немис дуч келди. Олдиндагисини ҳадемай санчиб ташладим. Лекин иккинчиси блан олишар эканман, чап қўлимнинг билагини жиз этди-ю, енгимга худди иссиқ сув қуйилгандай бўлди. Мен ғазаб блан немиснинг қўлидаги милтиғини силтаб, учириб юбордим. Найзамни кўтариб унга ташланмоқчи бўлганимда у, товушининг борича ўкириб қўлини кўтарди. Менинг кўз олдимга Сталинграднинг вайрона этилган уйлари, кўчада қонига бўялиб ётган қариялар, хотин-қизлар, бола-чақалар келди-ю, ғазабим баттар ошиб, уни санчиб ташладим. Шу пайт сўл ёғимда найзаларнинг шарақлаётганини эшитиб қолдим. Қарасам, бизнинг Иванов бир немис блан олишмоқда экан, мен кўмакка улгирганимча йўқ эди, у

душманни кўтариб ерга урди. Кейин билсам, мен иккинчи немис блан олишаётганимда, бу — учинчиси, менинг билгимни яралаган, лекин шу зоҳотиёқ Иванов у блан олишиб кетган экан...

Шу тарзда найзабозлик узоққа чўзилмади, орқамиздан яна ёрдам кучи келиб қолди. Немислар найзага бардош беролмай чекинди. Бизлар пунктни эгаллаб, мустаҳкам жойлашиб олдик...

Мен госпитальда узоқ ётмадим. Билгимнинг яраси энгил бўлгани учун ўнуч кун деганда тузалиб яна ўз қисимга қайтиб келдим.

Бизнинг жангчиларимиз душманни Сталинграддан анча нарига суриб ташлаган, лекин улар қайтадан интилаётган экан. Тинимсиз отилаётган замбараклар ерни зириллатар эди. Немисларнинг ҳар ёққа юборган танк десантлари пулемёт ҳамда милтиқларнинг шиддатли ўти блан тўхтатилди. Танклар қочиб кетди. Немис пиёда қўшинлари чакалакзорнинг ўнқир-чўнқир жойларига пусиб олишди. Орага жимлик чўкди.

— Улар бирон нарсага тайёргарлик қилишяпти, — деди отделения командири.

Бу тинчлик узоққа чўзилмади. Душман ўқни устимизга ёмғирдай ёғдирди. Броқ қайси жойдан отилаётгани маълум эмас эди. Старший лейтенант Коваленко бизнинг отделения командири — Козловни чақириб, тўрт одам блан разведкага боришга буйруқ берди. Қаторга мен ҳам қўшилдим. Сержант вазифани бизларга тушунтириб берди. Демак, чакалакзорга бориб душманнинг қаерларга яширинганини, ҳусусан қайси жойлардан ўқ отилаётганини аниқлаш керак. Сержант қуролларимизни текшириб чиққач, ўзимизни яхшилаб ниқобладик ва чуқурлик ҳамда буталар ичида эмаклаб душман томонга силжиб кетдик.

Жангчиларимиз бизларга қулайлик туғдириш учун бошқа томондан ўт очиб, душманни алақситиб турди. Немислар бирозгача нафаси ўчиб тургач, яна ўқ ёғдирабошлади.

Бизлар ниҳоят чакалакзор олдидаги тепаликка етиб олдик, даров бир ҳарсанг орқасига беркиниб ётдик. Бизга яқин жойларда — снаряд уйиб ташлаган варонкаларга ўрнашиб олган солдатларнинг пулемётдан ўқ сочаётгани кўриниб турибди. Уларга бир-икки граната улоқтирсак ҳам бўлади. Лекин вазифа бу эмас эди.

Биз душманнинг ўт очиш нуқталарини, ўрнашган жойларини аниқлаб олгач, жойимизга қайтаётган эдик, немислар сезиб қолди шекилли, бошимиз устидан ўқлар ғувиллаб уча бошлади. Қараб туришга ўрин йўқ, бизлар ҳам ўт очдик, вазият оғирлашди, ҳатто эмаклаб, сурилишга ҳам имкон йўққа ўхшаб қолди. Шу орада қизғин отишувда икки йигитимиз ҳалок бўлди. Фақат сержант ва мен қолдик, зўр-базур четроққа чиқдик-да, баланд бир жойнинг орқасига беркиниб, отишни давом этдирдик. Душманнинг разведкачилари бизни ўраб яқинлашаберди. Жуда яқин келган учта немиснинг бирини сержант битта ўқ блан қатириб қўйди. Иккинчисини мен жойладим. Учинчиси эса эмгаклаганича қочиб кетар экан, сержант уни ҳам мерганлик блан ер тишлатди. Сўнг немисларнинг овози бошқаёқдан эшитилиб қолди. Рус тилида чала-чулпа:

— Таслим бўл! — деб қичқирар эди.

— Таслим бўлишни кўрсатиб қўямиз. — жавоб берди сержант ва икки гранатни улоқтирди. Уларнинг овози бир пас ўчди, сержант фурсатдан фойдаланиб, яна бир гранат улоқтирди ва тезлик билан ўз қисмимиз томон интилдик. Шу топда менинг сонимга ўқ тегди. Ушлаб кўрсам, ҳарқалай суягига тегмаган экан, бойлаб ўтиришга вақт ҳам йўқ, яранинг оғришига ва қоннинг шимимга, ундан этигим ичига оқаётганига қарамай, ҳамон эмаклаб сурилар эдим.

Тўртта немис олдимиздан чиқиб бизни ўраб олди.

— Яранг қалай? — деб сўради сержант.

— Ҳеч нарса эмас, ўртоқ сержант, — дедим мен.

— Ҳозир булар блан олишамиз.

— Албатта.

Немислар бизнинг иккитагина эканимизни кўриши блан тура интилишди. Сержант қўлига илинган ҳамон, бирини қулатиб ташлади ва қолгани блан олишиб кетди. Мени санчмоқчи бўлган биттасини милтиқ кўндоғи блан уриб ағдардим. Энди иккитасига яккама-якка қолдик. Мен блан найзабозлик қилаётган узун бўйли немис, менинг ярадор эканимни билдими, яна ғайратланиб кетди. Кетма-кет силтаб милтиғимни юлиб ташлади ва бирдан мени қучоқлаб олди. Ғайрат блан олишар эканмиз, гоҳ у мени остига босиб олар, гоҳ уни мен. Кўп ўтмай мен ҳақиқатан ҳолсизланиб қолдим. Немис ёнидан пичоқни оласолиб менга урмоқчи бўлди, пичоқ ушлаган қўлининг билагидан маҳкам ушлаб олдим. «Аттанг, ярадор бўлмаганимда тойланган пахтадай улоқтириб ташлар эдим, барибир тиреклайин қўлингга тушмайман...» дер эдим.

Шу онда сержант етиб келди-да, немиснинг пичоқ ушлаган қўлини оёғи блан босиб олди ва кўкрагига найзасини тираб турди. Немис тақдири ҳал бўлганини кўриб, ўрнидан турди. Уни қуролсизлантириб, олдимизга солиб ҳайдаб кетдик. Мен оқсоқланиб борар эканман, қисмга яқин қолганда дармоним бутунлай қуриди. Неча марталаб ўзимни туттишга, чидаш беришга уриниб кўрдим. Сра бўлмади, сержант мени аввал қўлтиқлаб, сўнгра елкасига ортиб олди. Кўп ўтмай қисмимизга етиб келдик. Асирни тегишли жойга топширдик.

— Уртоқ лейтенант, буйруғингизни адо этдик — деди сержант.

— Офарин, ўртоқ сержант...

Лейтенант аввал сержантнинг қўлини қисди, сўнг менга қараб қўлини чўзганини биламан, ундан кейин нима бўлди, билмайман, деб у ҳикоясини тамом қилди.

Нукус.

*Қорақалпоқчадан К. Муҳаммедов таржимаси.*



# Социалистик меҳнат қаҳрамонлари

ЮСУФЖОН ҲАМДАМ

## ЯНГИ ҚИШЛОҚ

очерк

Бу воқиага 13 йил бўлди. 1935 йил ноябрь ойининг охири. Қиш. Енгил машинанинг филдираклари Шўралисойнинг паст-баланд йўлларида қийинлик блан айланарди. Шофер Петровга унинг ёнида ўтирган Йўлдош ота:

— Петров, қани шу ерда тўхтайлик-чи, ким бор экан, — деди.

— Хуб бўлади ўртоқ Охунбобоев, — жавоб берди, йўлдан кўзини олмай, қип-қизил юзли, зийрак кўзли, ўрта бўйли Петров.

Чойхона олдида тўхталган машинадан Йўлдош ота блан ўзи каби баланд бўйли бир одам тушди. Бу одам унинг босмачилар блан курашдаги жанговар ҳамроҳи, милтиқдоши Ҳамроқул Турсунқулов эди.

Йўлдош ота чойхона эшиги олдида тўхтати-да, табассум блан Ҳамроқул акага:

— Бу „Бирлашув“ колхозининг чойхонаси. Қишлоқнинг эски номини „Қуйруқ“ деб атардилар, — деди зийрак кузлари блан узоқларга назар ташлаб. Уларни чойхона олдида колхоз райси ва бир бригадир кутиб олди.

Саломлашдилар.

„Бу киши колхоз райси, — деб Ҳамроқул акага чойхонадан чиққан кишини танитди. Йўлдош ота ва райсга қараб:

— Бу йил гектаридан қанчадан ҳосил олдингиз? — салмоқлаб сўради.

— Олти центнердан, бундай паст-баланд ёнтоқзор ерларда юқори ҳосил олиб бўлмайди, фақат чорва ҳайдаб қўйса бўлади, бунинг устига сувсизлик, — деди райс.

— Йўқ, ундай эмас, гап меҳнатда, одамнинг қўли гул. Чул-га сув чиқариб обод қилганларни эшитмаганмисиз, улар ҳам одам болалари, — жиддий гапирди Йўлдош ота.

Ҳамроқул ака уларнинг сўзига диққат блан қулоқ солиб турарди. Йўлдош ота раис блан озгина гаплашиб олгач, чойхона ичига кўз ташлади, чойхона ҳам ифлос, тўғриси қаровсиз эди. Яна раисга мурожаат қилиб Йўлдош ота:

— Шу ерга кириб чой ичиб ўтирибсиз, табиатингиз бор одамсиз-ку, озода, маданий жой қилиб қўйсаларинг бўлмайдими, — деб раисга қаттиқ тегди ва давом этди: — айб ерда деганингиздай, чойхонани ҳам ўзи ифлос деб айбларсиз, қишлоқда кўзга кўринарли биронта дарахт йўқ, бунга сув йўқ деб баҳона қиларсиз, ёнингизда Бўзсув блан Жўнариқ бор-а?

Раис, жумҳурият оқсоқолининг ўринли танбиҳларидан уялганидан жим қолди.

Улар колхоз ерларини кўздан кечирдилар. Ҳамроқул ака бу ерларни ҳам водийдай обод қилиш мумкинлиги фикрларини очиқ айтмаса ҳам дилидан ўтказиб кўярди.

— Бу ерлар Қозоғистонга чегарадош, — деди. Бўзсувнинг нариги томонини қўли блан кўрсатиб Йўлдош ота, — анави қирлар буғдойзор.

Йўлдош ота Ҳамроқул акага колхоз ерларини батафсил кўрсатар экан, бу ерларнинг келажаги ҳақида амалий таклифлар қиларди.

Шўралисойдан Йўлдош ота блан Ҳамроқул ака кечаси қайдилар.

Машинада:

— Ҳамроқул, гарчанд қийин бўлса ҳам сенга катта иш топширмақчимиз, — деди ота, ҳамроҳига.

— Қийинчиликлар блан ўсдик, ҳарқандай қийинчиликлардан ҳам бош тортмаймиз Йўлдошвой ака, — деди у.

— Сен шу ерга келасан, обод қиласан, нима десанг ёрдам берамиз. Бирқанча фарғоналиларни кўчириб ҳам олиб келамиз.

— Ҳўб бўлади Йўлдошвой ака, — аниқ, дадил жавоб берди Ҳамроқул ака.

Орадан икки ой ўтмасданоқ фарғонадан Шўралисойга кўчириб келинган юз хўжаликнинг кўпчилиги „Бирлашув“ кохозига жойлаштирилди. Ҳамроқул акани колхозга раис қилиб сайладилар, колхозни Каганович номига қўйдилар.

Кўчиб келган деҳқонларнинг ва Ҳамроқул аканинг олдида тоғдай қийинчиликлар турарди. Лекин улар жумҳурият оқсоқолининг:

— Шўралисой ерларига ҳам фарғона ерлариядай пахта ўстирянгиз. Кучингизни кўрсатингиз, — деган сўзларини қалбларига жо қилиб олган эдилар. Чунки улар қийинчиликларни осон қилган софдил, меҳнатсевар одамлар эди.

Янги йилнинг баҳоридан Каганович колхозига давлат катта ёрдам кўрсатди. Машина, пул, озиқ-овқат ёрдами колхознинг тамоман янгичасига ишлашига имкониятлар туғдирди.

Навбахор кунлари. Ҳамроқул ака одамларга бош бўлиб биринчи ишни колхозга сув келтириш, колхоз сердарахг бўлсин учун кўчат ўтқазишдан бошладилар. Бўз сув бўйларидаги колхоз ерлари сув бўлса истаганча ҳосил берарди. Бири 60 метрли, иккинчиси 30 метрли нов қуриб 3 ярим чақирим жарликни тупроқ блан тўлдириб сув келтирдилар. Сув келдию, колхоз ерларига қон кирди, қишлоқ кўчаларига экилган янги кўчатлар яна авж олиб кетди.

Шу 1936 йил кўклам экиш даврида колхозда янги иш — чигитларни машиналар воситаси блан экиш ўтказилди.

Меҳнат дўстлик, қон-қариндошлик яратди. Каганович номли колхознинг шу ерли а'золари фарғонадан келган пахтакорлар блан бутун куч-қувватларини гектаридан 6 центнердан эмас, 13 центнердан ҳосил олмоққа бағишладилар.

— Колхозчиларимиз тракторни, сеялкани ва культиваторнинг қимматига тушундилар, Агротехника уларнинг меҳнатини енгил қилиш блан бирга ҳосилни ҳам оширди. Кўчиб келганимизнинг биринчи йилиёқ ҳар гектаридан 13 центнердан ҳосил топширдик, — деб ҳикоя қилади Ҳамроқул ака.

Ҳамма янги раиснинг, фарғонали устоз пахтакорларнинг ишидан миннатдор.

Бир йилнинг ичидаёқ Шўралисойнинг қиёфаси ўзгариб кетди. Энди ўнқур-чўнқур эмас, тўғри-текис йўлдан, бир йилдан сўнг, куз кунларининг бирида, Йўлдош ота яна кохозга келди.

— Эшитдим, баракалла Ҳамроқул. Иш бундай бўлибди. Ўзинг ҳам меҳнат блан семириб кетибсан, — ҳазиллашди Йўлдош ота.

Икки қадрдон колхоз далаларига чиқдилар. Йўлдош ота одамлар блан гаплашди, Ўз қўли блан эгатлар орасида юриб пахта ҳам терди.

Ҳамроқул ака ўзбек ҳалқининг севимли оқсоқоли, қадрдон дўсти Йўлдош отани меҳрибонларча қўлтигидан ушлаб янги дарахтзорлар олдига олиб келар экан:

— Йўлдошвой ака, буларни қаранг, икки-уч йилдан сўнг дарахтларимиз қурадиган уйларимизга устун бўлади. Ҳаммасини ўзимиздан чиқарамиз, — деди.

Йўлдош ота шу куни Ҳамроқул аканикида меҳмон бўлди. Колхознинг келажак ишлари ҳақида яна қимматли маслаҳатлар берди.

\* \* \*

Астайидил меҳнат блан йилдан-йилга пахта ҳосили оша борди. Колхознинг шўхрати ёйилиб кетди. Кўплар қатори биз ҳам колхознинг ўсиш йўлига назар ташлаб бордик. Қадрдон бўлиб қолган колхозчиларнинг пахта, ободончилик, деҳқончиликнинг бошқа турларини кксалтиришдаги ишларига шоҳид бўлдик.

1940 йилнинг 26 октябрида ҳам шу колхозда бўлганмиз. Узоқларга чўзилиб кетган даланинг сўқмоқ йўлларида Ҳамроқул ака блан гаплашиб бораётирмиз. Ширин туйғу блан кенг пахта-

зорларда юрарканмиз, осмон блан туташиб кетган бу поёни йўқ дала нақадар гўзал кўриниб турибди.

Кўринишдан гўё эгатларда ҳечким йўққа ўхшайди. Синчиклаб қарасангиз бўлиқ ўсган гўзалар орасида пахта тераётган колхозчиларни кўрасиз. Теримчиларга:

— Ҳорманглар, ҳорманглар, — деб ишларидан мамнун бўласиз.

Ҳамроқул ака бу йилги мўл ҳосилдан кўнгли тўқ гапиради.

— Бу йил мўлжал 40 центнер, ундан кам бўлмайди. Ўтган йил ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил олган ерларимиз мана шу. Бу йил ҳам механизация йўли блан экиш ишларини яна уюшқоқлик блан ўтказдик. Кеча 7-нчи бригаданинг ерида очилиб турган 215 кўсакли бир туп гўзани учратдик. Колхознинг лабораториясига олиб бориб текширганимизда, ҳарбир кўсақда беш-олти грамм пахта борлигини аниқладик.

Биз Ҳамроқул ака блан юлдуздай чарақлаб очилган пахтазор ичидамиз. Ҳамроқул ака ушлаб турган бир туп гўзасининг очилган-очилмаган кўсақларини санай кетди. Ҳосил мўл.

8-нчи бригаданинг хирмон жойига келганимизда колхозчилар тушки овқатга чиққан эдилар.

Лекин бугун қайнатма шўрвани ҳам қиём қилиб юбордик, икки косадан ичмасангиз ҳисобмас, — деб ошпаз ўлтирганларга сергўшт шўрва улашарди.

— Мадраим ака қаёқда қолди, — сўради раис.

Колхозчилардан бири:

— Ҳў анави эгат орасида, пахта териб юришипдилар, — деди.

Хирмандан 20 қадамча нарида, Мадраим ака пахта тераётган жойга бордик.

— Ҳорманг азамат! — деди раис ва бизга қараб: — Мен ҳали сизга айтган донгдор бригадиримиз шу киши бўладиялар, — та-ништирди Ҳамроқул ака.

— Жуда соз. Бригадирлар ҳам пахта терадимиз? — Мадраим акага тегишдик.

— Бўлмаса-чи, ҳозир уста теримчилардан қолишмаётимиз, — деб Мадраим ака яна пахта теришда давом этди.

35 ёшлар чамасидаги Мадраим ака Фарғонали. У қомати келишган одам. Бошида чуст нусха дўпписи, энгида қавилган пахталик нимча, оёғида иш этиги, белига уч хоналик этак боғлаб олган.

— Шинаванда шўрва пишипти, ичиб олинг, — деб Ҳамроқул ака бригадирнинг елкасига қоқди.

Мадраим аканинг бригадаси колхоз ва ҳатто районда ном чиқарган. Бу йил пахта ўтган йилга қараганда яна бўлиқ бўлди.

Деярлик ҳамма бригаданинг ерларини кўрдик. Уста теримчи Элос опа Қаршибоева пахта тераётган жойга келдик. Раис Элос опани кўрсатиб:

— Элос опа пахта терими бошлангандан бери ўн минг кяло пахта тердиялар. 15 мингчилар ҳаракатига қўшилганлардан бири. Ўзлари жуда активимиз, маҳтаб ёзсангиз арзийди, — деди Ҳамроқул ака.

— Элос опа, ишга қачон тушдингиз?

— Ҳў қоронғида.

— Қачон чиқасиз?

— Қоронғи тушиб, кўз, очилган пахтани кўрмай қолгунча.

Яна сўқмоқ йўллар блан айланиб колхознинг катта пахта хир-монига келдик. Пахта ташиётган машиналар пахта пунктига бориб-келиб турган эканлар,

— Машинада бугун неча мартаба олиб бординглар, сўради Ҳамроқул ака.

— Тўрт мартаба топшириб келишди,— жавоб берди пахта жўнатилишига бош бўлиб турган ҳосилот советининг раиси ўртоқ Еқубов.

Бу жойда пахталарнинг пеш терилиб келтирилгани пеш пунктига жўнатишмоқда. Машиналару-машиналар, от-араваларнинг ҳам оёғи ерга тегмайди.

Қоронғи туша бошлади. Раис блан правления томонга жўнадик.

Кечқурун дала яна наш'али бўлади. Қоронғи тушиб қолса ҳам колхозчилар очилган пахтани қўйгилари келмайди. Ҳарбир колхозчида меҳнат—терим завқи. Колхоз идорасига кириб келганимизда бош табельчи букунги ишнинг натижасини якунлашмоқда эди.

— Бугун ҳаммаси бўлиб қанча пахта терилипти,— сўради Ҳамроқул ака.

— 17 минг 544 кило.

— Жуда яхши, кечагига қараганда анча кўп,— деб қувонди раис.

— Ҳамроқул ака мавсумда ҳаммаси бўлиб қанча тонна пахта топширилиши керак?— сўрадик биз ундан.

— 150 минг тонна.

— Шу бугунгача қанча топширипти?

— 400 тонна. Бизнинг пахтамыз кеч очилади, асосан энди очилаётир. Планни албатта бажарамиз. 350 гектар еримизнинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга қўзимиз етади. Ноябрь ойининг охиригача қўшимча 500 тонна ҳосил топширмақчимиз.

Биз колхоз идорасида II-чи бригаданинг биринчи звено бошлиғи ўртоқ Сунқора Бойматовни, 22 октябргача 6 гектар ерининг ҳарбир гектаридан 30 центнердан ҳосил топширганини билдик.

Сунқора ака звеноси яна 30 центнердан ҳосил топширишга ва'да бериб, правленияга рапорт ёзиб келипти,— деди бош табельчи.

Колхоздаги пахта учун кураш кунларининг ҳарбири завқли, унитилмас ўтади. Ҳар колхозчи колхоз раисидай пахтага парвона.

\* \* \*

Каганович колхози жойлашган қишлоқ кўркем ва баҳаво. Илгари зоғ учмаган мана бу ерлар энди обод социалистик қишлоққа айланди. Янги бўстон, ҳаётбахш боғлар темир қўллар

меҳнати блан бун'ёд бўлди. Бу боғлар ҳақида колхозчи қизларнинг шўх ашулалари эшитилиб туради:

Янги йўлнинг боғларин боғбони колхозчилар,  
Пахтазор даласининг полвони колхозчилар.  
Коллективнинг меваси тотли, шириндир бирам,  
Ўтлоқдаги чорвасин, чўпони колхозчилар.

Ишдан қайтиб колхозчилар ўзларининг европача қурилган оқ уйларига кириб ҳордик оладилар. Биз Ҳамроқул ака блан идорадан чиқиб, стахановчи колхозчи Араббой Абишевнинг янги уйини кириб кўрдик.

Ҳозиргина даладан қайтган Араббой ака бизни хуш қабул қилиб олди. Хотини Ўразгул опа овқат пиширмақда, болалари сердарахт ҳовлисида ўйнаб юришибди.

— Янги уйлар муборак Араббой ака!

Куллуқ.

Араббой аканинг уйи уч хона, ҳаммаси яхши жиҳозланган. Ҳархил маданий асбоблар уйга ҳусн қушган.

Ҳамма колхозчининг уйи мана шундай жиҳозланган, — деди Ҳамроқул ака.

Ҳалол меҳнат қилган колхозчи бадавлат бўлади. Мана ҳозир Араббой ака мана шу ёруғ уйларда бемалол яшайди, болалари яйрайди.

Арабий аканинг уйдан кенг, янги кўчага чиқамиз. Бу, шаҳар кўчаларини эслатади.

— Бизнинг шаҳардагилардан қаеримиз кам? Мана бу уйларни қаранг, Тошкентнинг Пушкин кўчасидаги уйларидан нимаси қолишади.

— Бу теракларнинг экилганига қанча бўлди? Олдин келганимизда йўқ эди-ку?

— Биз шунақамиз. Пахтани парвариш қилгандек, ҳамма нарсани ўстириб қўяверамиз, — деди Ҳамроқул ака.

Атрофга қарасангиз, ўзингизда йўқ шод бўлиб кетасиз. Кўзга кўриниб турган борлиқни қайси бирини ёзиб улгириб бўлади. Кишига талай илҳом бағишлаган янги қишлоқ Октябрь революциясининг нурлари блан кулган қишлоқдир.

— Колхозчиларимиз уй соламиз деб кўлига лой ҳам ушламайди. Битказиб кўлига калитини берамиз. Бир-икки йил ичида 80 хўжаликка уч-тўрт хоналик уй қуриб бердик. Яна 30 хўжаликнинг уйи, кўриб турибсиз битиш олдида.

Кечқурун Ҳамроқул аканинг уйида бирнеча колхозчилар суҳбатлашиб утирадилар.

Баланд шийпон. Шийпондан қарасангиз узоқлар, чиройли манзаралар баралла кўриниб туради.

Биз шийпонга чиқиб бригадир Мадраим ака, қувноқ колхозчи Мўмин ота Ёқубов блан суҳбатлаша кетдик. Шу чоқ машина гудоги эшитилиб қолди.

— Ўртоқ Исмоилов келаёғир шекилли, — деди Ҳамроқул ака.

Райком партиянинг секретари ўртоқ Исмоилов келди. У келиши бланок бугун қанча пахта терилганини сўради. Ҳамроқул аканинг жавобини эшитганидан сўнг қониқди.

Шийпонда Мўмин ота блан ҳаммамиз суҳбат қилиб ўтиримбиз. Мўмин ота қариса ҳам худди ёшлардай қувноқ. У халқ афсоналарини яхши билади. Колхозчилар уни жуда севар эканлар.

— Бу киши бизнинг шоиримиз бўлади,— деб Мўмин отани кўрсатди Ҳамроқул ака.

— Шоирингиз бўлмасак ҳам дилкашмиз, нима дедингиз Мадраим полвон!— деди Мўмин ота.

— Отам жуда қувноқ одам, ўзлари ҳам стахановчи,— деди Мадраим ака.

Суҳбат узоқ давом этди, ширин тугади.

\* \* \*

1941 йил мўл ҳосили учун яна астейдидил бел боғлаб ғўзани иккинчи-учинчи чопиқдан чиқарганларида даҳшатли уруш бошланди. Колхознинг 200 дан ортиқ ватанпарвар, азамат йигитлари ўз муқаддас бурчларини адо этиш учун Совет жангчилари қаторида жой олдилар. Оналар урушга йўл олган фарзандларига оқ йўл тиласалар, хотинлари, сингиллари меҳнат фронтида уларнинг ҳам иш нормаларини бажармоққа ва'да бериб қолдилар.

Уруш йилларида колхознинг 200 полвони фронтда бўлса ҳам меҳнат галабаларини яна мустаҳкамлади. Улар уруш йилларида давлат мудофаа фондига 740 тонна ғалла, 115 сигир, 600 минг сўм нақд пул бердилар ва 1 миллион 400 минг сўмлик мудофаа заемларига ёзилдилар. Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига мурожаат ёзиб, жангчиларни озиқ-овқат блан та'минлаш, пахта мўл ҳосилини ошириш, азаматларни кийинтириш, яраларига мал-ҳам бўлиш ва уларнинг оилалари ҳақида ғамхўрлик кўрсатиб туришга чақирдилар.

1941 йил пахта ерларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил топширдилар. Меҳнат блан немис-фашист аблахларни тезроқ тор-мор бўлишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Уруш йилларида кўп колхозлар ободончилик, қурилиш ишларини тўхтатиб қўйдилар. Лекин Каганович номли колхоз экинларнинг ҳамма турларидан мўл ҳосил олиш блан, қурилиш ишларини тўхтатмади. Яна 206 хўжалик, айниқса Қизил Армия оилалари янги типда қурилган уйларга кўчиб ўтдилар, янги мактаб биноси, аптека, нонвойхона, ҳаммом, электр абжувоз, 3 отхона, 3 омбор, 20 номерли телефон станция, 500 точкали радио-узели қурилди. Ҳамроқул ака ва унинг дўстлари уруш бизнинг ғалаба блан тамом бўлиб асл фарзандлари ғолиб қайтканларида колхозни яшнатиб юборган ота-она; опа сингилларидан миннатдор бўлсинлар деб ишладилар. Ильич чироғлари колхоз қишлоғини ёритиб турар экан, кечқурунлари ишдан қайтиб меҳнаткаш колхозчилар радио орқали ҳатто фронтдаги жанговар фарзандларининг таниш овозларини эшитиб турдилар.

Уруш йилларининг ўзидаёқ инвалид бўлиб колхозга қайтган-йигитлар колхонзи кўриб кўзларига ишонмас эдилар. Уруш йилларида колхознинг шунчалик обод бўлиб кетиши хаёлларига ҳам келмаган эди. Ватан йўлида ногирон бўлиб қайтган ўғлонларга колхоз катта ғамхўрлик қилди.

Каганович номли колхоз айниқса уруш йилларида бутун Иттифоққа танилиб кетди. Уруш вақтининг қийинчиликларига бардош бериб пахта ҳосилини йилдан-йил сари оширдилар. 1944 йилга келиб ҳар гектар пахта еридан 40,2, 1945 йилда 46,3; 1946 йилда эса энди 300 эмас 526 гектар ернинг ҳар гектаридан 44,3 центнердан ҳосил топширдилар,

Ҳамроқул ака юқори ҳосил ҳақида гапирар экан: „бизнинг одамларимиз аввало: „Ва’да бердингми — бажар!“деб қат’ий иш олиб борадилар. Социалистик мусобақа илгор агротехника уларнинг иш йўлланмасидир“ дейди

Мусобақа ишда руҳ туғдиради. Каганович номли колхоз дала-ларига Озорбайжон ССР Карягин райони пахтакорлари келиб тажрибалар блан ўртоқлашиб мусобақа шартномаси тузиб кетганларидан сўнг меҳнат аҳллари яна ҳам астайидил ишлай бошлайди.

1947 йили 526 гектар пахта еридан давлатга ҳар гектаридан топширилиши лозим бўлган 27 центнердан ҳосил ўрнига 42 центнердан ҳосил топширдилар. Юқори ҳосил усталарининг қувонарли ишлари рақамларда кўзга ташланди. Абдувоҳоб Асанбоев звеноси гектаридан 93,2 центнердан, Охунбой Жалолов 88,1, Раҳимберди Йўлдошев 88, Қулмон Мирзаев 87, Яхшигул Отабаева 86,1 центнердан звенolari бўйича ҳосил топшириб катта ҳурматга сазовар бўлдилар.

— Юқори ҳосил учун меҳнат ва ҳаваснинг ўзи кифоя қилмайди. Тажриба ва билим, ўқув керак.

Беда экиш пахтакор колхозлар учун алмашлаб экиш ўрнида жуда-жуда фойдалидир. Беда чорва учун ем бўлса, пахта учун ўғит, ерни кучайтиради. Бунинг мисол қилиб Абдуваҳоб Асанбоев звеноси олинса бўлади. Унинг звеноси 3 йил беда экилган ерга тўртинчи йил, я’ни 1947 йилда пахта экиб, 93,2 центнердан ҳосил олди, шуниси қизиқки звено бир грамм азот ўғити олмасдан шундай юқори ҳосилга эга бўлди. Одам меҳнатга қанча дўст бўлса — беда ҳам пахтага шунча дўст экан. Агрономларимиз шунинг учун ҳам алмашлаб экиш кераклиги ҳақида қимматли маслаҳатлар берадилар, дейди Ҳамроқул ака.

Колхоз бундан 13 йил бурунгидай сувсиз эмас. Тўрт ярим минг метр узунликда ариқ ва кичик каналлар қазилди. Сув деҳқончилигининг қонидир, Пахтани суғориш блан колхознинг 30 гектар еридаги мевали дарахтлари сувдан баҳраманд бўлдилар.

Колхоз юқори ҳосил блан давлатманд бўлди. 1947 йилда колхознинг умумий даромади 8 миллион 174 минг сўмга етди. Шундан 2 миллион 136 минг сўм давлатга қўшимча топширилган пахта учун берилган устама мукофот пулидир. Колхозчиларнинг меҳнат кунларига ўтган йили 4 миллион 189 минг сўм тўланди.



Ўрта ҳисоб блан ҳар колхозчининг бир меҳнат кўнига 22 сўмдан пул, 1 кило 800 грамдан галла ва газмол, совун, чой, ёғ берилди. Звено бошлиғи Абдуваҳоб Асанбоевнинг 4 кишидан иборат оиласи ўтган йилги меҳнат кунлари учун 63 минг 629 сўм пул олди. Шундан 40 минг 865 сўми ҳосилни ошириб топширганлари учун устама мукофот эди. Бундан ташқари Асанбоевлар оиласи ҳар юз меҳнат кунига 20 метрдан газмол, 4 килодан ёғ, 1 кило 400 грамдан чой олдилар. Асанбоевлар оиласи меҳнат раҳотида яшамоқда.

Пахтадан ташқари колхозга даромад бошқа томонлама ҳам келиб туради. Колхоз фермаларида 5 мингга яқин қўй, 355 сиғир, 358 от, 72 зотли чўчқа, 28 туя, 80 эшак бор.

Боқчачилик, ипакчилик, сабзавотчиликка катта аҳамият берилади.

Даромад пуллари колхозчиларнинг тўқ ҳаёти блан бирга колхозчининг ободончилиги учун ҳам сарф қилинади.

1942 йилдан буён 33 уй қурилиб колхозчилар жойлаштирилган бўлса, бундай янги уйлар ҳали ҳам қурилмоқда. 1948 йили меҳмонхова, янги бино, ҳосилотхона учун алоҳида кенг жой фонтан ҳовузли дам олиш боғи қурилмоқда.

1946 йил февраль ойи бошида СССР Олий Советига ўлказилган сайловлар олдидан Лозарь Мойисеевич Каганович ўз номига қўйилган ва шуҳрат топган бу колхозда бўлди. У Сталинча колхоз уставининг тўла амалга оширилганини кўриб колхознинг мустаҳкам хўжаликка айланганидан миннатдор бўлди. Ҳамроқул акани ва унинг янги қишлоқ яратган дўстларини табриклади ва қўлларини қисди.

\* \* \*

Юқорида ҳикоя қилганимиз, шуҳрат топган колхознинг раиси коммунист Ҳамроқул ака Турсунқуловнинг ота бобоси, ўзи ким, буни ҳурматли ўқучиларимиз учун қизиқарли деб биламиз.

Фарғонада гўзал Водил қишлоғи бор, Шоҳимардонга саёҳатга ўтиб кетаётган одам бу шифобахш, серсув, мевазор қишлоқда дам олиб ўтади. Шинавандалар йиғилишиб қолсалар сув йўлларига дарров ўчоқ ҳам қуриб, қозон топишиб ош ҳам қилишиб еб кетадилар. Ҳамроқул ака мана шу Водил қишлоғидан бўлади. У 1892 йилда Водилда қашшоқ оилада — Тегирмончи Турсунқул ака оиласида туғилди. Ўғил ўсди, лекин муҳтожликда, бойлар эшигида чорикор юрди. Зийрак, ақлли йигит, 25 ёшга тўлганида Октябрь революцияси бўлди. Совет тузуми тегирмончининг ўғли Ҳамроқул Турсунқуловни миллионлар каби ўз қучоғига олди.

1917 йилдан то 1928 йилгача Ҳамроқул ака Водил қишлоқ советида раис, сўнг Туркистон Революцион Комитетининг қисмларида ишлади, ер ислоҳотида актив қатнашди, Фарғона босмачиларини битиришда қўлига қурол олиб курашди. Ўша йиллариёқ СССР Марказий Ижроия Комитети томонидан фахрий

ёрлиқ блан мукофотланди. У совет ташкилотларида, айниқса қишлоқ хўжалиги соҳасида катта ишлар кўрсатди.

Мана 13 йилки, Ҳамроқул ака узлуқсиз Каганович номли колхознинг раисидир. Раис бўлганда ҳам шундай раис бўлдики, унга Ўзбекистоннинг ва қардош республикаларнинг колхоз раислари та'сиб қилиб иш олиб борадиган бўлиб қолдилар.

Ҳамроқул ака қадрдон дўсти марҳум Йўлдош ота каби халқни севади. Халқнинг қимматли маслаҳатлари блан иш олиб боради.

— Колхозда кўпчилик маслаҳати, тажрибаси катта аҳамиятга эгадир, дейди Ҳамроқул ака. Айниқса кўпни кўрган оталар яхши маслаҳатлар берадилар. Бир кун қизиқ бўлди. Бизнинг Каганович номли колхозда ўғит етишмай қолди. Қаердан олиш керак? Колхознинг кекса а'золаридан Асанбой Довулбоев, Файзи ота Исаевлар бундан 100 йиллар олдин бойларнинг қора моллари турадиган бир жойни кўздан кечиришни таклиф қилдилар. Текшириб кўрдик. Мана неча йиллардирки ўша ердан маҳаллий ўғит олмоқдамиз.

Яна бошқа бир мисол, баҳорда энди чигит униб чиқа бошлаган эди. Тўсатдан қор ёғиб қолди. Экинлар хавф остида қолди, агрономлар қайтадан экишга тайёргарлик кўришга маслаҳат бердилар. Тажрибакор деҳқон Туранбек Дўсанбеков эса бошқа колхозчилар блан экинни дарров суғоришни маслаҳат кўрдилар; шунда қор тез эрийди, тупроқ илинди ва экинлар совуқдан сақланиб қолади, тажрибада ҳам шундай бўлиб чиқди.

Халқ ўз фарзанди Ҳамроқул Турсунқуловни кафтига кўтарди. 1946 йилда СССР Олий Советига ўтказилган сайловлар вақтида уни депутат қилиб сайладилар. Бу блан Ҳамроқул ака халқнинг катта ишончига сазовор бўлди. СССР Министрлар Совети қошидаги колхоз кенгашининг а'зоси қилиб тайинланди. Совет деҳқончилигининг катта маслаҳатгўйларидан бири бўлди. Катта хизматлари учун СССР ҳукумати уни уч марга Ленин ордени блан мукофотлади.

1947 йилда Ўзбекистон давлат пахта тайёрлаш планини бажараолмади. Аммо Ҳамроқул ака Турсунқуловдек пахтакор устозларнинг меҳнатлари ўз колхозларида зойи' кетмади. Улар мўл ҳосил етиштирдилар.

СССР Олий Советининг 1918 йил 27 апрель Фармони блан Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик илғорларидан 23 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Шу фармон блан фақат Каганович колхозидан Ҳамроқул ака Турсунқуловдай: Абдуваҳоб Асанбоев, Яхшигул Отабоева, Охунбой Жалолов, Федор Федорович Кроков, Қулмон Мирзаев, Раҳимберди Йўлдошев ўртоқлар юксак унвонга сазовор бўдилар. Энди улар Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари.

Совет мамлакатимизда меҳнатга шунчалар шарафшон бағишланади. Пахтакорларга 1948 йилда берилган ордени ва медалларнинг юздан ортиги яна Каганович номли колхоз а'золарининг ҳиссасига тушди.

Ҳамроқул ака колхоз далаларида айланиб юрар экан, марҳум-дўсти Йўлдош отани хотирига олади ва унинг:

— Шўралисойерларида Фарғона пахтасидай мўл ҳосил ўстиринг, ҳақиқий одамлик кучингизни кўрсатинг, обод қилинг, — деган сўзларини дилида қайтариб қўяди, гуё унинг ёнида Йўлдош ота юриб: Баракала Ҳамроқул, иш бундай бўлибди, қани энди бир кўк чой ичайликчи, — деяётгандай туюлади. Ҳамроқул ака Йўлдош отанинг истакларини меҳнаткаш дўстлари билан барқарор қилди.

Каганович номли колхоз 1948 йили 526 гектар ерининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун яна астейдил ишлаётир. Колхоз ерларида кўм-кўк ғўзалар мўл ҳосилдан дарак бериб силкиниб турибди.

Азиз Ватанимизнинг ҳар бурчакларидан Каганович номли колхозга, Социалистик меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул ака номига кўплаб хатлар келиб туради. Хат ёзучилар ўз хатларида колхознинг ишидан ғойибона миннатдор эканликларини ёзиб, колхозчиларнинг қандай ҳаёт кечираётганликларига қизиқадилар. Ҳамроқул ака жавоб хатларида:

— Сизларга ҳам қалбимиздан ассалом. Отпускаи вақтларингизда бизга келинг, меҳмон бўлинг. Бадавлат ҳаётимиз ҳарқанча меҳмонларни ўз қучоғига чорлаб олади. Пахтакор колхозчиларимизнинг ишларини кўринг, хурсанд бўлиб қайтасиз, — деб жавоб беради.

Ҳамроқул ака ва унинг дўстлари яратган янги қишлоқ тепасида Ўзбекистон партия ва ҳукуматнинг кўчма қизил байроғи бирнеча йиллардан буён ҳилпираб турибди.

## БЕЛИНСКИЙ ВА БИЗНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН

СССР СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ БОШ СЕКРЕТАРИ А. А. ФАЧЕЕВ  
НИНГ 1948 ЙИЛ 7 ИЮНЬДА БОЛЬШОЙ ТЕАТРДАГИ ТАНТАНАЛИ МАЖ-  
ЛИСДА КИЛГАН ДОКЛАДИ

### 1. Белинскийнинг тарихий аҳамияти

Виссарион Григорьевич Белинский 1811 йилда тўғилди ва 1848 йилда вафот қилди. Унинг онгли ҳаёти 1825 йилда декабристлар қўзғолони тор-мор қилингандан кейин бошланган энг ёмон ва ваҳшиёна реакция даврига тўғри келди. Уша вақтда Русияда Николай I ҳукмрон эди, Русия саводсиз, қолоқ, крепостник—помешчик томонидан эзилган бир мамлакат эди.

Лекин, шу блан бирликда Русия 1812 йилги зафарли Ватан урушидан кейин янги давр бошлаган Русия эди. Русия гўё турғун бир мамлакат бўлиб кўринса ҳам, лекин ундаги кўп нарсалар ўрнидан қўзғалиб қолган эди. Крепостной деҳқон энди аввалги деҳқон эмас эди.

„Қирқинчи йилларда мужикни биринчи ўринга чиқарган нарса нима бўлди, нима сабабдан у эллигинчи йилларда адабиётдаги биринчи шахс бўлиб қолди? Тарихчилар бу фактни ғарб социализмининг таъсири ва асосан Жорж Занд романларининг таъсири туфайли рўй берган факт деб изоҳламоқдалар...—Горький „Рус адабиёти тарихи“ деган асарида заҳарханда қилиб шундай деб ёзган эди. — Лекин — бу тўғри бўлмаса керак! башарти тўғри бўлган тақдирда ҳам, фақат қисман тўғри бўлса керак... Мужикка бўлган қизиқиш ва диққатнинг кучайишига унинг ўзи сабабчи бўлди, у жуда қўпол равишда, яъни ис'ёнлар ва ғалаёнлар кўтариш йўли блан ўзига шундай диққат ва эътиборни жалб қилди. У бу иш блан жуда астейдидил ва тобора кўпроқ ғайратланиб шуғулланди“.

Горький 1826 йилдан бошлаб деҳқонларнинг ис'ёнлари тобора кўпайиб бораётганини кўрсатучи рақамларни келтиради ва 1845 йил блан 1849 йиллар ўртасида 172 та ис'ён бўлганлигини кўрсатучи рақамга тўхталиб, қуйидаги ҳаққоний хулосани чиқа-



ВИССАРИОН ГРИГОРЬЕВИЧ БЕЛИНСКИЙ

ради: „Модомики мужик 1460 кун ичида 172 марта ис'ён қилган экан, демак у ҳар 9 кунда албатта бир марта ис'ён қилиб турган бўлади — бас, шундай бўлгандан кейин... Жорж Занд ва бошқа четда туручилар қатнашмаса ҳам,... унга беихтиёр э'тибор беришга мажбур бўлиб қоласан!“

Наполеонни тор-мор келтириб, у қул қилиб олган мамлакатларни озод этган 1812 йилдаги зафарли Ватан уруши рус ҳалқининг ғурурини ва миллий ҳиссиётларини кўтарди ва бу нарса энг ма'рифатли пешқадам кишиларнинг фаолиятларида акс этди. Декабризм тор-мор келтирилган бўлса ҳам, лекин Герцен, Белинский вужудга келдилар. У замон улуғ рус маданиятининг зўр куч блан тараққий қилаётган даври эди.

Полякларнинг 1830 йилда подшо томонидан бостирилган миллий озодлик қўзғолони ҳам, Ўша йили Францияда бўлган буржуа революцияси ҳам, Фарбий Оврупода 1848 йил революциясининг рўй беришига сабабчи бўлган барча жараёнлар ҳам рус пешқадам кишиларининг онгига та'сир қилмасдан қолиши мумкин эмас эди.

Русиянинг пешқадам кишилари, Наполеонни енгган рус миллатининг улуғворлиги, рус миллатининг ўз кўзлари олдида яратётган ма'навий маданияти блан бутун ҳаётдаги крепостнойлик уклади, техника ва маданий жиҳатдан қолоқлик, чоризмнинг мамлакат ичида ва ташқарисида ўйнаётган қабих тескаричилик роли ўртасида дангал зиддиятлар борлигини кўрмасдан қолишлари мумкин эмас эди.

Пешқадам кишиларнинг назарларида ва аввало, Белинский назарларида чуқур ватанпарвалик ғурури ва хисларининг Русиядаги аҳволни ўзгартириш истаги блан узилмас равишда боғланганлигига сабаб ҳам Русия ҳаётида бўлган мазкур зиддиятлар сабабчидир.

Белинский Русия тараққиётининг шу давридаги энг пешқадам ва энг онгли намояндаси эди.

Ленин, Белинскийни рус озодлик ҳаракатида различинецлар томонидан дворянларни бутунлай сиқиб чиқариш бошланган даврда яшаган бир киши деб та'рифлаб берди. Белинскийнинг қарашлари крепостной деҳқонларнинг кайфиятларини, халқнинг энг элементар ҳуқуқлари учун, крепостнойлик зулмига қарши курашда Русия аҳолиси орасидаги энг кенг омманинг манфаатларини акс этдирди.

Белинский инқилобий демократик ҳаракатни бошлаб берди, бу ҳаракат Белинский вафот этгандан кейин, ўтган асрнинг эллингинчи йилларининг иккинчи ярмида ва олтмишинчи йилларда айниқса авж олиб кетди.

Бу ҳаракатнинг характерли хусусияти шундан иборат эдики, унда социализм блан демократизм бир бутун бўлиб қўшилган эди. Бу социализм утопик социализм эди, чунки ишчилар синфининг раҳбарлик роли бўлмаса, деҳқонлар ҳаракати асосида ҳечқандай социализмни қўлга кирғизиб бўлмади. Лекин бу утопик социализм Фарбий Оврупо андозаси блан тузилган социализм

бўлмай, балки русларнинг ўз андозаси билан тузилган утопик-социализм эди: бу утопик социализм деҳқонлар революциясининг программаси билан, я'ни самодержавияни емириб ташлаш, помещикларнинг ерга эгаллигини тугатиш, ерни деҳқонлар ўртасида тақсимлаш программаси билан мустаҳкамланган эди.

Белинский шу ҳаракатда бйринчи бўлди. Белинский шу программага яқинлашиб келди - ю, лекин уни ривожлантиришга улгираолмади. Кейинроқ, бу программани Герцен ўз йўли билан тузиб чиқабошлади. Аммо, бу программани Чернишевский деҳқонларнинг 1861 йилги подшо реформасидан ер учун бошлаган ҳаракатлари асосида энг тўлиқ ва изчиллик билан ривожлантирди.

Бу программа, ўзининг утопик жиҳатларига қарамай, марксизмга қадар бўлган барча программалар орасида буржуа демократик революциясининг энг революцион ва илмий жиҳатдан жуда асосланган программаси эди. Назарий жиҳатдан қараганда, бу программанинг моҳияти шундан иборат эдики, инқилобий демократлар энг юксак чўққига кўтарилган эдилар, Маркс билан Энгельснинг тарихий материализм назарияси бунёдга келмасдан олдин, бундан кўра юқориноқ чўққига кўтарилиш мумкин эмас эди. Инқилобий демократларнинг энг биринчиларидан бўлган Белинский уқубатли излашлар, адашишлар, хатолар йўли билан борди, лекин у, Русиянинг тараққиётини Овруподаги бошқа мамлакатлар билан таққослаш йўлида, фалсафа, тарих, адабиёт соҳасида Русия ва Ғарбий Оврупо мамлакатларида бўлган бутун меросни назарий жиҳатдан қайтадан кўриб чиқиб, бу тажрибани Русия хусусиятларига татбиқ қилиш йўлида шу қадар катта иш қилдики, бунинг натижасида Белинский асарларининг кўпгина томонлари ҳозиргача ҳам ўзининг амалий аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Шунинг учун ҳам Ленин Герцен, Белинский, Чернишевскийларни рус социал-демократларига йўл қўрсатиб берган кишилар деб атади. Ленин партиямизнинг илғор, чинакам инқилобий марксизм назарияси учун кураш вазибалари қўйилиши муносабати билан уларга мана шундай ном берди.

Ленин, большевиклар партиясининг салафлари томонидан ўйналган роль тўғрисида неча қайталаб гапирган эди. Ленин бундай деб ёзди: „Русия қулоқ эшитмаган уқубатлар ва қурбонлар, мисли кўрилмаган инқилобий қаҳрамонлик, Оврупо тажрибасини бениҳоя ғайрат билан ва фиддокорона излаш, ўрганиш, амалда синаб кўриш, умидсизланиш, текшириб, таққослаб кўришдан иборат ўзининг ярим асрлик тарихида ҳақиқатан машаққатлар чекиб, бирдан-бир тўғри инқилобий назария бўлган марксизмга эришди.“

Бу гаплардан инқилобий демократларнинг қарашларини большевикларнинг қарашлари билан аралаштириш мумкин ёки, ба'зи кишилар қилганидек, бу қарашларни бир-бирига яқинлаштириб юбориш мумкин, деган ма'но чиқмайди, албатта. Ба'зан инқилобий демократларнинг қарашлари билан большевикларнинг қарашларини бир-бирига шу қадар яқинлаштириб юборадиларки, жамият, тарихий материализм тўғрисидаги Маркс — Энгельс — Ленин — Сталин та'лимоти билан инқилобий демократларнинг жамиятга

қарашлари, уларнинг материализми ўртасидаги принципиаль тафовут йўқолиб кетади, чунки уларнинг материализми илмий — илмий ва инқилобий материализм эмас эди ва ҳечқачон ундай бўлмас эди.

Лекин Лениннинг инқилобий демократларга Русиядаги большевикларнинг салафлари деб берган баҳосининг аҳамияти яна шу билан ҳам ортадики, Русия большевиклар раҳбарлиги остида бутун дунёга йўл кўрсатучи энг илғор инқилобий ҳаракатнинг ватани бўлиб қолганлиги, капитализмни энг биринчи бўлиб ағдариб ташлаганлиги учун ниҳоят даражада катта миллий ғурурланиш туйғулари мазкур баҳода ифодаланган.

Ҳозир бизнинг совет Ватанимиз бутун дунёда катта роль ўйнаб турган бир пайтда шу нуқтаи назардан қараб ўз салафларимизнинг фаолиятларига нақадар юқори баҳо беришимиз керак!

Улуғ Ватан уруши кунларида ўртоқ Сталин томонидан Белинский ва Чернишевскийни рус миллатининг улуғворлигини ифодаловчи энг яхши кишилар қаторида тилга олганлигининг чуқур ватанпарварлик аҳамияти ҳам мана шундадир.

Белинскийнинг ўз замони учун энг илғор бўлган инқилобий-демократик қарашлари туфайли унинг қизиқиш доираси ҳам ниҳоят даражада кенгроқ бўлди, инқилобий фикрлари ҳам дадиллик билан баён қилинди. Инқилобий демократ ва буюк рус ватанпарвари бўлган Белинский рус материалистик фалсафасининг мард намояндаларидан бири бўлиб, ўз замонидаги мутафаккирлардан бир бош юқори туради. У, материалистик эстетикани яратди, унинг яратган материалистик эстетикаси бу соҳада Маркс — Энгельс — Ленин — Сталин эстетика назарияси вужудга келмасдан бурун мавжуд бўлган деярлик бутун эстетикадан ҳам мукамаллироқ бўлди. Унинг қарашлари рус адабиётининг бутун тараққиётига ўз таъсирини ўтказиб келди. Шунинг учун ҳам рус адабиётининг бутун дунё миқёсида тарихий аҳамиятга эга бўлиб қолишига кўп жиҳатдан унинг қарашлари сабабчи бўлдими, бу тўғрида Ленин фахрланиб гапирган эди.

Белинскийнинг тарихий аҳамияти мана шундан иборат.

## 2. Белинскийнинг адабий мероси теварагидаги кураш

Белинскийнинг гоёлапи теварагида унинг ўзи томонидан бошланган кураш у вафот этгандан кейин янада кўпроқ қизиб кетди. Русиядаги „янги блан эскининг“ курашига қатнашган ҳамма кучлар Белинскийнинг меросига қандай қараганликларига қараб, уларнинг юз йил давомида ва шу кунгача бу курашнинг ҳамма босқичларида қандай роль ўйнаганликларини айтиб бериш мумкин. Унинг душманлари орасида ҳамма тоифаларнинг намояндалари бор эди.

Унинг ошқора душманлари орасида: подшо бош бўлгани ҳолда катта крепостниклар ва уларнинг барча тарафдорлари — юқори мансабдаги поплар, Гоголь тасвирлаган амалдорлар, шу жумла-



дан адабиёт соҳасидаги подшо чақимчилари бўлган амалдорлар ҳам бор эди; шунингдек „славянофиллар“ деб аталган лагерьга мансуб бўлмиш „ма'рифатли“ крепостниклар ҳам бор эди. Белинский шу „ма'рифатли“ крепостникларнинг қалбаки „халқпарастликлари“ ўша крепостнойлик тартибларини мунофиқларча химоя қилишдан иборат бўлганлигини очиб ташлаб, Герценнинг сўзи билан айтганда уларнинг „жуда ҳам астар-аврасини ағдариб ташлаган“ эди.

Белинскийга ошкора қарши бўлган мана шу икки хил душманлар, деҳқонлар озод қилингандан кейин ҳақиқатда битта лагерьга бирлашиб, помещикларнинг ер эгалигини, самодержавияни, диний бид'ат ва хурфотларни ошкора химоя қиладиган бўлиб қолдилар. Бу душманларнинг ма'навий ифодачилари бўлмиш дангалчи князь Вяземский сингари ёки зимдан ишловчи Достоевский сингари кишилар (иккинчи даражадаги шахслар тўғрисида гапириб ҳам ўлтирмаймиз), Белинский номини то улгуларича ерга уриб келдилар.

Белинскийнинг махфий душманлари, буржуа-либераллар ўзларининг помещиклар ҳокимиятига аста-секин уйғунлашаётганликларини пардаловчи ўз назариялари руҳида Белинский меросини бузиб кўрсатишга урундилар; бу душманларнинг ба'зилари эса Белинскийни Русияда капиталистлар ҳукмронлигига сал бўлмаса тарафдор қилиб кўрсатишдан ҳам қайтмайдилар.

Бу соҳада унинг собиқ дўстлари анчагина роль ўйнади. Булар „ғарбчилар“ деб оталган лагерьдаги кишилар бўлиб, ёшлик чоғларида Белинский билан бир тўгаракда бўлган эдилар, Белинский ҳаёт вақтидаёқ улар билан бир гоё учун курашган эди.

Гуё Белинский „ғарбчи“ деган сохта афсонани ўша собиқ дўстлари, Белинскийнинг муваққат йўлдошлари тарқатган эдилар. Белинский немис идеалистик фалсафасининг синфидан — синфига умрбод кўчиб юрган шогирд эди, деган сохта афсона ўша собиқ дўстлар томонидан тарқатилган эди. Шу афсонага кўра, Белинский „камбағаллардан чиққан“, яна бунинг устига „сўкоғон“ ва тажаниг бир шогирд бўлганлиги сабабли, немис фанини ўша бой, „ўқимишли“ дўстлардан, я'ни „устозлардан“ ўрганган бўлса ҳам, аммо саботли бўлмаган эмиш, унинг „ҳаддан ташқари“ чиқиб кетганига ҳам сабаб ҳақиқатда шу эмиш.

Буржуа — либераллар ва асрнинг охирида уларга қўшилиб кетган народниклар „буюк шахс“, „ҳақиқат излаган буюк риёзатчи“ деган сохта-сентементаь гаплар пардаси остида Белинскийнинг меросидан унинг моҳиятини — инқилобий мазмунини қоқиб ташлашга, Белинский меросининг мустақил назарий аҳамиятини йуқотишга, рус халқидаги илғор ватанпарварлик фикрларининг мана шу гўзал мевасини рус халқидан тортиб олишга шу тариқа уруниб келдилар.

Буржуа-либераллар 1905 йил революциясидан чўчиб, халққа қарши помещиклар билан ошкора иттифоқ туздилар ва правордида дин байроғи остига кириб Белинскийга қарши ошкора хуруж қилдилар.

Уларнинг эстетлашучи жўрчилари, буржуа декадентлар ўтмишда Белинскийни ҳатто „соф сан'ат“ тарафдорига айлантириб юборишга ва уни Исо блан муроса қилдиришга уруниб келдилар. Белинский сан'атнинг ижтимоий аҳамиятини оташин тарғиб қилганлиги учун ва правордида жанговар атеизм йўлига тушиб олганлиги учун ҳам буржуа декадентлар унга қарши шовқун кўтардилар.

Ленин ўзининг „Вехи тўғрисида“, „Демократияга қарши яна бир юриш“ деган мақолаларида ва бошқа кўпгина мақолаларида мазкур жанобларнинг абадий шармандасини чиқарди.

Белинский ғояларига қарши чиққан кучлар на қадар катта бўлмасин, унинг ғоялари эски вақтда ҳам ўзига тобора кўпроқ тарафдорлар тўпламоқда эди.

Белинскийнинг байрогини олтмишинчи йиллардаги унинг ўзи каби инқилобий различинецлар қўлдан-қўлга олиб кўтариб бордилар. Улар Белинскийни „устоз“ деб атадилар. „...Бизнинг энг яхши идеалларимиз Белинскийдадир, ижтимоий тараққиётимизнинг тарихи ҳам Белинскийдадир“, — деб ёзди Добролюбов. Чернишевский Белинскийнинг Оврупо мутафаккирларининг шогирдлари қаторида эмас, балки шу мутафаккирларнинг ўзлари блан бир қаторда борган арбоб эканлигини тушуниб, Белинский асарларининг ватанпарварлик аҳамиятини янада юқори кўтарди.

Рус миллатининг энг яхши фарзандларидан ва биринчи рус марксистларининг энг йириги бўлган Плеханов Белинскийнинг душманларига қарши Белинский учун назарий курашни кучайтириб юборди. Плеханов уни гениаль социолог ва бизнинг адабиёт майдонимизда вужудга келган энг олий фалсафий ташкилотларнинг бири деб атади.

Лекин, фақат большевикларгина Белинскийнинг тарихий аҳамиятини батамом тушунаолдилар, Белинский томонидан ўзимиздаги ва умумжаҳон миқ'ёсидаги назарий меросга қўшган янгиликни изоҳлаб бераолдилар, унинг меросини ҳамма душманларидан сақлаб қолиб, бу меросни совет халқининг кенг оммасига топширдилар.

### 3. Рус фалсафасининг мард намояндаси

Аmmo бундан, Белинский мероси теварагидаги кураш энди тугади, деган ма'но чиқмайди. Бу кураш давом қилмоқда, ammo совет фани Белинский рақибларига ҳамавақт ҳам тегишли зарбани бериб келди, деб айтиб бўлмайди.

Бу соҳадаги бизнинг камчиликларимизга сабаб шуки, Белинскийга ўлган нотўғри қарашларнинг та'сирини йўқотганимиз йўқ. Бу нотўғри та'сирнинг қолдиқлари Г. В. Плеханов асарларида ҳам акс этди, чунки Плеханов Белинскийга нисбатан бўлган ба'зибир буржуа-либерал қарашларни енгаолмади.

Чунончи, Плехановнинг айтишига қараганда, Белинский фалсафа соҳасида қуйидаги тараққиёт босқичларини ўтган. Биринчи, — „Фихте босқичи“, бу вақтда Белинский гўё немис идеалисти

Фихтенинг та'сири остида бўлиб, „абстракт идеал“ учун „воқи'лик“ блан кўрашган. Иккинчи босқич,—„Гегель босқичи“ бўлиб (бу ҳам идеалистик босқич эди), бу вақтда Белинский Гегель фалсафасининг „абсолют“ реакцион хулосалари та'сири остида „воқи'лик“ блан келишган. Учинчи босқич,—бу ҳам „Гегель босқичи“ бўлиб, бу вақтда Белинский аввалгидек идеалистик позицияда туриб, „воқи'ликка“ қарши қўзғолон кўтарган ва Гегель диалектикасига ўтган. Ниҳоят, тўртинчи босқич,—„Фейербах босқичи“ бўлиб, (буни Плеханов „драманинг тўртинчи кўриниши“ деб атайди), бу вақтда Белинский идеализм блан бўлган алоқасини бутунлай узиб ташлаб, Фейербахнинг материалистик нуқтаи назарига ўтади, гўё диалектикани анчагина йўқотиб қўяди.

Бу мулоҳазаларнинг тўғри жойи фақат шуки, Белинский ўзининг фалсафий тараққиётида ҳақиқатан идеализмдан материализмга томон борди.

Лекин бу мулоҳазаларнинг асосий моҳияти нотўғри. Шу мулоҳазаларга кўра, биринчидан, Белинский ўзича мустақил мавҳум бир мактаб та'лимини кўрган бўлиб чиқади, помешчикларга қарши курашучи крепостной деҳқонлар мамлакати бўлмиш, ҳозирги вақтдагидек расмийлашган бўлмасдан ҳарҳолда синфлар ёки табақаларнинг курашларини акс этдиручи турли партиялари бўлмиш Русиядаги ижтимоий курашнинг ўша вақтдаги буюк тарихий мактабида та'лим олмай, балки четёл муаллимларидан та'лим олган бўлиб чиқади. Иккинчидан, Плехановнинг ўзи „гениаль социолог“ ва „энг олий фалсафий ташкилот“ деб отаган Белинский рус халқининг манфаатлари йўлида мавжуд эхтиёжларни бартараф қилишга ёрдам бераоладиган назарияни ишлабчиқиш блан шуғулланмай, балки бир немис файласуфидан иккинчи немис файласуфига оддий равишда кўр - кўрона кўчиб юрган бир киши бўлиб чиқади. Учинчидан, немислар назариядаги мавҳум фалсафа блан мутлақо шуғулланмасдан, балки Русиядаги ижтимоий курашнинг конкрет масалалари блан боғлаган ҳолда ўз фалсафий қарашларини ифодалаб берган, ўзининг бутун умрини рус адабиётига бағишлаган бир киши, я'ни Белинский ўз назариясини камолатга етказишда нима учундир барча рус файласуфларини, тарихчиларини ва адибларини четга қолдириб кетган бўлиб чиқади.

Бу мулоҳазаларда Плехановнинг оппортунистик қарашлари яққол акс этди, чунки Плехановнинг оппортунистик қарашларига кўра, гўё Русия ҳамма соҳада — иқтисодий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам, ўзининг инқилобий назариясини камолатга етказиш соҳасида ҳам Ғарбий Оврупо орқасидан, унинг думида борган ва ҳамавақт шундай бориши лозим эди.

Плеханов томонидан Чернишевскийнинг назарий қарашларига берилган баҳо тўғрисида Ленин айтган фикрларни кўрсатиб ўтаман:

„Плех[анов] тар[ихга] ид[еалистик] қараш блан мат[ериалистик] қараш орасидаги назарий фарқ туфайли либерал блан демократ ўртасидаги ама[лвий] — сиё[сий] ва синфий фарқни кўрмай қолган“.

Масалан, Плеханов, ёш Белинский университетдан чиқарил-

ганидан кейин „ғарбчилик“ тўғарагига кирган вақтда, шу тўғарақда у, Белинский, „энг сўл“ фикрдаги киши бўлган, деб ҳисоблайди.

Бу нотўғри. Белинский дворянлар тўғарагида бутунлай янги, бошқа ҳечкимникига, ўхшамайдиган фикрларни ифодалаган эди. Белинский биринчи разночинец, ис'ёнчи „партиясига“ асос солган киши эди. Аммо унинг теварагидаги кишилар ўша вақтда ҳам ва келажакда ҳам либераллардан иборат бўлган кишилар бўлиб, уларнинг ба'зилари келажакда самодержавиянинг ҳимоячилари бўлиб чиқдилар.

Немис идеалистик фалсафаси Белинский теварагидаги йигитларнинг ҳақиқатан дини бўлиб қолган эди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Революцияга ва материализмга қарши вужудга келган немис идеалистик фалсафасининг вазифаси ҳам эскиликни сақлаб қолишни ёки эскиликка қарши инқилобий йўл блан эмас, балки „соф руҳ“ доирасига кириб курашишни йстаганларнинг ҳаммасини ма'навий жиҳатдан қуроолантиришдан иборат эди. Декабристлар кўзголови тор-мор келтирилгандан кейин крепостнойлик чор Русиясида ҳудди шу немис идеалистик фалсафасига берилиб кетиш табиий бир нарсa эди. Рус деҳқонлари бу фалсафага қизиқмас эдилар, албатта. Крепостникларнинг энг катталаридан ва юқори мансабдаги поплардан иборат бўлиб, подшо раҳбарлигида бўлган ва „муқаддас китоб“ дан булак ҳечқандай фалсафани тан олмайдиган энг нодон ва қолоқ крепостниклар партиясидан ташқари „славянофильчилик“ ва либераллик маслагадаги ўқимишли дворянларнинг кўплари шу фалсафага берилган эдилар ва уларнинг кўнгиллари шу фалсафа блан таскин топар эди. Немис идеалистик фалсафаси гўё уларга „кўрасизми, подшо блан ва крепостнойлик ҳуқуқи блан курашиш жуда ёмон нарсa! Яхшиси соф руҳга бориб сиғининг“ дер эди.

Белинский крепостнойликка қарши „Дмитрий Калинин“ драмасини ёзганидан кейин, шу тўғарақка кирган эди. Чембар шаҳарчасидаги уезд табибининг гениаль ўғли бўлмиш Белинский Ломоносов, Радищев, Пушкин асарларини ўқиган, декабристлар, француз файласуфлари-маорифчилари ва бутун рус адабиёти блан танишиб, ўзининг ғоявий фикрини бойитган киши эди.

Белинский Русиянинг реалъ шароитида вужудга келган ва шунинг учун ҳам на немис фалсафасининг, на француз фалсафасининг ва на бошқа фалсафанинг йўлига асло ўхшамайдиган мустақил фалсафий тараққиёт йўлини ўтди.

Бу йўл рус ҳаётининг маш'ум зиддиятларини изоҳлаб бераоладиган ва шу зиддиятларни бартараф қилишга ёрдам берадиган прогрессив назарияни излаш йўли эди. Бу йўл идеализмдан материализмга ва ҳодисаларга метафизик қарашдан диалектик қарашга ўтиш йўли эди.

Бу ўтиш бирданига бўлгани йўқ. „Уятчанг“ ёки „стихияли“ деб оталган, қирқинчи йиллардан бошлаб эса, ўзини тобора кўпроқ англайдиган бўлиб қолган материалист Белинский энг аввал бошданок тобора ўжарроқ бўлиб ис'ён кўтаради, ва ниҳоят,

Белинский ўзининг материалист эканини аниқ англаб, ўзидаги идеалистик фикрларни енгади.

Плехановнинг таърифича, Белинский иккинчи, „Гегельча“ идеалистик, хатто „абсолют“ хулосалар даврида турган вақтда Белинский қўйидагиларни ёзган эди:

„Гап сан’ат устида борган вақтда... мен дангал ва дадил гапираман, менинг дадиллигим ва дангаллигим ҳам, бу жиҳатдан шу даражага бориб етадики, Гегельнинг ўзи ҳам менга писанд бўлмай қолади... Мен ўзимни шогирд деб хисобламаганим сабабли... Сени ролини ўйнамайман“.

Белинский мана шу хатида „Фауст“нинг гегельчиларга жуда мақбул бўлган иккинчи қисмини қаттиқ танқид қилиб, гегельчиларнинг мулоҳазаларини „мантиқий қўзиш“ деб атайди, Гётени символлар ва аллегориялари учун қойиди.

„Мен фикрни хурматлайман ва ўнинг қадрини биламан, лекин мавхум фикр менинг назаримда эмприк тажрибага қараганда паст, фойдасиз, разил бир нарсасир...“ деб ёзади у.

„... Вақт ва арқондан ўзини халос қилиш учун фойдаланиш ўрнига, чуқурликда ётиб вақт ва арқон тўғрисида мулоҳаза юргизучи Хемниц метафизикдан кўра кулгилироқ бир нарса йўқ“.

„Мен (қурбим етганча) фикр қиламан, аммо менинг фикрам, менинг кўрганларимга мос келмаса ёки фактларга тақалиб қолса, у вақтда мен болага бу фикрни ахлат блан бирликда супуртириб ташлайман“.

„Ҳаётдаги — ҳам тарихдаги, ҳам воқе’ликдаги ҳарқандай ходиса мени аввалгидек қизиқтираберади...“ „Менинг назаримда бор ҳамавақт билзмандан юқори туради“.

Белинский 1838 йилда шундай деб ёзди. Бу уятчанг материалист Белинскийнинг ўзига — идеалист Белинскийга қарши ис’ён қилиши эди.

Агар Белинскийнинг тараққиётида шу нарса бўлмаганда эди, унинг узил-кесил материалист бўлиш даражасига етмасдан олдин ёзган асарларининг кўпчилиги қандай қилиб чуқур ҳаётий асар бўлиб қолган бўлур эди?! Шунинг учун ҳам бу асарлар ҳозирги вақтда ҳам кўп жиҳатдан ўз кучини йўқотгани йўқ.

Қирқинчи йиллардан бошлаб Белинский хатто Аплотун гапларини далил қилиб келтирган тақдирда ҳам, бу далиллар унинг „тирик буюмларни“ (Чернишевскийнинг ифодаси) материалистик тарзда талқин қилишига тўсқин бўлолмайди. Материалист Белинский ўзидаги идеалистик фикрларини сиқиб, бутунлай чиқариб ташлайди. Белинский Пушкин тўғрисида ёзган мақолаларида (1843 — 46 йилларда), айниқса кейинги мақолаларида онгли равишда материализм позициясига ўтади.

Бу давр Белинскийнинг адабий ва инқилобий демократик фаолиятидаги энг яхши, энг ёрқин ва энг изчил давр бўлди.

Шундай қилиб, Белинский уятчанг материализм орқали, материалистик тарзда талқин қилинучи позитивизм орқали идеализмдан материализмга ўтди, бу йул Белинскийнинг ўз ақли блан мустақил ва чинакам дохиёна йул тутганлигини кўрсатади.

Диалектика масаласига келганда, [Плехановнинг да'восига қарамай, Белинский ўзининг охириги даврида диалектикани чиқариб ташлаш уёқда турсин, аксинча, ижтимоий кураш ва адабиёт соҳасидаги ўзининг энг яхши хулосаларини мукаммал ифодалаб беришда диалектика унга ёрдам берди. Буни Белинскийнинг Гогольга ёзган хатида ва „1847 йили рус адабиётига қараш“ деган мақоласида яққол кўриш мумкин.

Белинскийнинг материализми, айниқса кейинги йилларда, Конт типигаги буржуа позитивистларни анча орқада қолдириб кетди. Белинский, дин блан муроса қилиш йўлига тушиб қолган ва, Маркснинг айтишича, табиатга кўпроқ э'тибор бериб, сиёсатга камроқ э'тибор берган Фейербахга қараганда ҳам анчагина юқориқ позицияда турди.

Белинский ҳақиқатан ҳам жанговар атеист бўлиб, бутун вужуди блан сиёсатга берилган эди. Белинскийни Шеллинг ёки Фихте каби разил ва тескаричи поплар блан таққослаш, яна уни шу разилларнинг шогирдига айлантириш — фирромликдан бошқа нарса эмас.

Белинский жаҳон фалсафа фани учун буюк бир ҳодисадир, рус классик материалистик фалсафасини Марксга қадар бўлган фалсафанинг энг юксак чўққисига кўтарган мард файласуфдир.

#### 4. Революционер-демократ

Ҳозирги совет фани Белинскийнинг ижтимоий — адабий фаолиятини кўпинча икки даврга бўлади: бу даврлар тахминан 1839 йилга қадар чўзилган демократик-маорифчилик даври ва, тахминан, қирқинчи йиллардан тортиб то Белинский умрининг охиригача бўлган инқилобий-демократик даврдан иборат.

Биринчи даврда Белинский крепостнойлик тузумини куч блан ўзгартиришни гўё э'тироф қилмай, балки ўзининг демократик фикрларини тарғиб қилиш йўли блан ҳаммага, шу жумладан крепостникларга ҳам та'сир ўтказишга уруниб юриб, ниҳоят, „Русиядаги қабих воқи'лик блан келишиш“ даражасига бориб етган. Иккинчи даврда, у ўзининг мана шундай келишиш фикрларидан бутунлай қайтиб, крепостнойликни, самодержавияни тугатиш ва ўзи тушунган даражадаги социализмни вужудга чиқариш учун халқнинг инқилобий кураш олиб бориши зарурлигини э'тироф қилиш тўғрисидаги социалистик фикрларни ҳам ўзининг демократик фикрларига қўшиб тарғиб қилишга киришган.

Бу — унчалик тўғри эмас. Белинский ҳаммавақт крепостнойликка қарши бўлиб келди. „Русиядаги қабих воқи'ликни“ куч блан ўзгартириш мумкинлигини ўз онгли ҳаётининг иккинчи ярмида эмас, балки энг ёшлик чоғидан бошлаб, крепостнойликка қарши „Дмитрий Калинин“ драмасыни ёзган вақтидан бошлаб э'тироф қилиб келди. Бу асарда Брутга нисбатан кўп ма'ноли пичинглар бор эди. Белинский 1836 йилда Прямухино қишлоғида М. А. Бокуниннинг отаси блан бахслашиб қолиб, Робеспьер томонини олган вақтда ҳам, шу фикрда бўлган ва, унинг ўзи айтишига

қараганда, „фихтеонизмнинг янги назариясида қон ҳиди борлигини пайқаган“ (бу нарса, „Фихтечи“ Белинский ҳақиқатда қандай фикрда бўлганлигини яққол кўрсатади).

Бу фикрлар аввало декабризмнинг Белинский онгидаги ин'икоси бўлган эди, 1836 йилда эса у Людовик каби Николай I ни ҳам қатл этиш қонуний ва зарур бир нарса деган фикрга келди. Лекин унинг фикрларидаги камчилик шу эдики, у, биринчидан, бу ишларни қандай „идеал“ учун, ёки, ҳозирги замон тили блан айтганда, қандай сиёсий тузум учун қилиш керак эканлигини аниқ тасаввур қилмас эди,— Белинскийнинг ўзи кейинги вақтда ёзганидек, ундаги идеал „абстракт“ бир нарса эди. Иккинчидан, у бу ишларни мана шундай зўрлик блан кимлар қилаолиши мумкинлигини мутлақо билмас эди, чунки декабризм шу нарсани кўрсатдики, декабризм йўли ғалабага олиб келучи халқ революцияси, деҳқонлар революцияси йўлини ҳали билмас эди.

„Адабий орзулар“ мақоласида эса Белинскийдаги демократизм ва ватанпарварлик нотўғри фалсафий қарашлар қобигидан худди — лава каби зўр куч блан ёриб чиқади. Белинский рус халқи блан „жамият“ я'ни ҳукмрон помещиклар синфи ўртасида ажралиш борлигини кўрсатиб ўтади.

Лекин курашга чақириш халққа эмас, балки шахсларга қаратилган бўлиб, абстракт характердаги чақириш эди, я'ни Белинский ҳали синфий кураш заминига ўтмаган эди.

Белинский ўзи ўйлаган адолатнинг абстракт идеалини қолақ крепостнойлик Русиясида вужудга чиқараоладиган реалъ кучни кўрмасди, шунинг учун ҳам Белинский Русиядаги воқи'лик блан, кейин ўзи айтганидек, „зўрлик“ ишлатиб муроса қилиш, келишиш керак деган фикрга келди.

Белинский крепостнойлик ҳуқуқининг тарихий жиҳатдан ақлга мувофиқ эканлигини ва зарурлигини „абсолют руҳ“ тараққиётининг босқичларидан бири деб э'тироф қилиш блан ўз умрида жуда жиддий хато қилди. Бу жиҳатдан унга, ҳақиқатан ҳам Гегель фалсафаси сабабчи бўлди, чунки Гегель ўз фалсафасини худди шундай ишлар учун яратган эди. Броқ, бу гаплардан, Гегель Пруссия монархиясини ма'қуллагани каби Белинский ҳам крепостнойлик ҳуқуқини ва самодержавияни сақлаб қолиш фойдала бўлади, деган фикрга келди, деган хулоса чиқмайди. Белинский „Москва Императорлик университетининг тантанали мажлисида сўзланган нутқлар“ ҳақида ёзган тақризиде „эски идеядан“ инкор қилиш йўли блан кейин „янги идея“ келиб чиқишини исботлаб берган эди. ❧

Лекин крепостной деҳқонларга бундан ҳечқандай энгилик туғилмас эди. Белинский ҳам буни тез фурсатда тушуниб олди, шунинг учун ҳам унинг „ўтиш касали“ (Герцен бу даврни шундай деб атаган эди) тамом бўлди.

Белинский золимларга қарши — халқ кураши заминига мана шу тариқа ўтди. Унинг жуда катта аҳамиятга эга бўлган назарий бурулиши ҳам шу тариқа рўй берди. Шундан кейин Белинский

Ўз идеяларини жамият тараққиётига татбиқ қилишдан қайтиб бу идеяларни жамият тараққиётидан хулоса қилиб чиқаришга интиладиган бўлиб қолди. Биз тавсифлаб ўтган унинг фикрлари мана шу тариқа камолатга етди.

Белинский Русия тажрибасини Фарбий Оврупо мамлакатларининг тажрибалари билан таққослаб кўриш натижасида Русия капиталистик тараққиёт йўлидан бориши лозим, деган фикрга келди.

Лекин ўша Фарбий Оврупо мамлакатлари ва Америка Кўшма Штатларининг тажрибаларини текшириб кўриш натижасида Белинский, унинг ўз ифодаси билан айтганда, „курашдаги буржуазия“ билан „тантана килаётган буржуазия“ ўртасида катта фарқ борлигини кўрди. У ўзининг мақолаларида ва хатларида буржуазия ҳокимиятининг халқни эзишдан иборат эканлигини жуда яхши очиб берди. У капиталистларнинг ўз шахсий синфий манфаатларини тақоза қилганида ўз ватанларини сотишдан ҳам қайтмасликларини ўша вақтдаёқ айтиб берган эди. Белинский 1847 йилда қуйидагиларни ёзди: „капиталистларнинг ҳукмронлиги ҳозирги Францияни абадий шарманда қилиб қўйди, Францияни Англияга сотган регентлик даврини, Дюбуа идора қилиб турган даврни эслатади... Ҳамма нарса... разил, паст, бир-бирига зид; миллий номус, миллий ифтихор ҳислари йўқ...“ Белинский Франциянинг ҳозирги аҳволини кўрганмикин деб ўйлаш мумкин.

Белинский жамият тараққиётини ҳаракатлантиручи куч синфий кураш эканлигини ва пролетариатнинг ролини тушуниш даражасига кўтарилаолмаганлиги сабабли унинг жамият тараққиёти тўғрисидаги тасаввури ҳам узил-кесил камолатга етган тасаввур бўлаолмас эди.

Аммо, қирқинчи йилларнинг охирида деҳқонларнинг исёнлари таъсири остида ҳукуматда бироз ҳаракат бошланган вақтда Белинский масаланинг асл моҳиятини тушуниб қолди: „Ҳукумат пролетариатдан кўрқиб, деҳқонларга ерсиз озодлик беришни истамайди, ва айни вақтда дворянларнинг, гарчи пуллари ўз қўлларида бўлган тақдирда ҳам, ерсиз қолишларини истамайди“.

Белинский либералларга жавобан уларга зарба бўлиб тушучи қуйидаги фикрларни баён қилади: „...Ҳечнарсадан қайтмайдиган маҳмадана, сўзда либерал ва амалда ҳечнима. Унинг айтишига қараганда, уни губернада Вашингтон деб ҳисоблайдилар (унинг фикрича, бу либерализмда радикал бўлиш демакдир), аммо биз, ёш авлод, уни консерватор сифатида дорга осишни истар эдик, аммо тўғриси уни айтсак, биз уни бундай қаттиқ жазога муносиб кўрмаймиз ва уни отларга конституция ёзиб бермоқ учун отхонага ҳайдаб киргизиш кифоя қилур эди, деб ўйлаймиз. Унинг чинакам жойи мана шу отхона бўлиши керак...“

Бу фикрлар Белинскийнинг ҳақиқатан кимлигини яққол кўрсатади!



## 5. Улуғ рус ватанпарвари

Белинскийнинг инқилобий демократизмини унинг ватанпарварлигидан ажратиб бўлмайди, чунки ундаги революцион демократизм блан ватанпарварлик бир бутун бўлиб қўшилган ва бир-бирини озиқлантириб турали.

Белинский ўтмишдаги шундай ватанпарвар кишилардандирки, улардаги ватанпарварлик характери бизнинг тушунчамизга ва бизнинг кўнглимизга энг кўп мувофиқ келади, дейиш мумкин.

„Ўз ватанини севиш — бу ватанда инсоният идеалининг рўёбга чиқишини сидқидил блан иташ ва куч-қувват борича бунга кўмаклашиш демакдир“.

Белинскийнинг фикрича, ҳарбир халқ фақат ўзининг миллий шаклидагина инсоният тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Рус миллий характерининг кўпгина ажойиб хислатлари Белинскийга „рус ҳаётининг маҳсулдор донларига“ — руҳбардамлиги ва дадиллиги, жасорат, топқирлик, зийраклик, қобилият, ақл ўткирлиги, зиҳнининг кучли бўлиши, ҳаёт ва фаолиятдаги ҳиммат ва укувга нисбатан оташин муҳаббат кашф этишга ёрдам берди. Белинский ўзининг дастлабки идеалистик интилишлари даврида халқда „ақл ва фаросатнинг амалий фаолияти“ борлигини ва, энг шоён диққат нарса бўлган, — „мистицизм ва диний термулишнинг йўқлигини“ кўрсатиб ўтди (мана шу нарса ҳам Белинскийнинг кимлигини яққол кўрсатади!). У ўн тўрт йил ўтгандан кейин, ўзининг материалистик эътиқодлари барқ уриб турган бир вақтда, рус халқи тўғрисидаги мана шу ўзгармаган аммо янада кўпроқ камолатга етган фикрини самодержавияни ва диний мутаассибликни мақташ даражасига бориб тубанлашиб кетган Гогольга ғазаб ва эҳтирос блан айтиб, уни уялтирган эди!

Белинский тарихий арбоб, адиб, артистга баҳо бермоқчи бўлганида, уни халқчи деб атар эди, бу Белинскийнинг тушунчасида энг юқори баҳо бўлар эди. Белинский назарида халқ деган сўзнинг ўзи айни вақтда миллий бир нарса бўлиб туюлар эди. Белинский халқни миллатнинг энг яхши хислатларини гавдалантиручи деб тушинар эди; у ажнайилар олдида қулларча тиз чўкишни қаттиқ қоралаб, бундай хислат халқ елкасига ўтириб олган кишиларга хос хусусиятдир, деб айтар эди.

Белинскийнинг халқ ва миллатга нисбатан бўлган қарашларининг прогрессивлиги шундаки, бу илғор маорифни (ва унинг бутун дунё миқёсидаги тажрибасини) ўз ичига олар эди, бу қарашнинг „славянофильлар“ мунофиқлигидан чуқур принципиаль фарқи ҳам шундадир.

Еш Белинский томонидан ёзилган „Адабий орзулар“ хукмрон синфга хос бўлган қилиқларга, яъни чет мамлакатлар олдида маймун каби таклид қилишларга, қул бўлиб таъзим қилишларга, тиз чўкиб ер ўпишларга берилган қақшатғич зарба эди. Бу мақола халқ номидан гапириш ҳуқуқини ўз зиммасига олган бирин-

чи разночиңеднинг биринчи манифести бўлди. У ҳақиқатан ҳам шундай дейишга ҳақли эди!

... Э'тироф қиламанки, лобар скептиклар, абстракт кишилар, инсониятдаги паспортсиз саёқлар менга аянчли ва ёқимсиз шахслардир... — деб ёзди у ўз умрининг охирги йилларида. «Шу масалага нисбатан, — деди у, — мен гуманист космополитлар томонида қолишдан кўра, славянофильлар томонига ўтишни афзалроқ кўраман, чунки гарчи славянофильлар янглишсалар ҳам, одамлар каби, тирик мавжудотлар каби янглишадилар, аммо гуманист космополитлар ҳақиқатни гапирганларида ҳам уни фалон нашр, фалон мантиқ ҳақиқати деб гапирадилар... Лекин мен ҳечкимнинг томонига ҳам ўтмай, ўз жойимда қолишни умид қилиш блан ўзимни бахтли ҳисоблайман...»

Ба'зилар мана шундай кишини ҳали ҳам „ғарбчи“ либераллар қаторига ўтказишга урунмоқдалар!

Белинскийнинг рус миллати тўғрисида айтган гапларида бўлган бутун чуқур мазмунни унинг давлат тўғрисидаги фикрлари блан боғламасдан туриб тушуниб бўлмайди.

... Ювошлик рус миллатининг ифодаси дейдилар, — деб ёзди у. —... Бу қараш, эҳтимолки назарий жиҳатдан жуда яхши бўлса ҳам лекин тарихий фактларга унчалик тўғри келмайди. Бизнинг уделлик давримиз гурур ва урушқоқликнинг ювошликка қараганда кўпроқ бўлиши блан фарқ қилади. Биз тоторларга асло ювошлигимиз учун қўлга тушиб қолганимиз йўқ эди (бу бошқа ҳарқандай халқ учун бўлгани каби, биз учун ҳам шараф эмас, балки номуссизлик бўлур эди), балки.. ўша вақтдаги ҳукумат системасига асос бўлган... кучларимизнинг бўлиниб кетиши орқасида тоторлар қўлига тушиб қолдик. Иоанн Калита ювош эмас, балки ҳийлагар эди; Симеон ҳатто „мағрур“ деб ном чиқарган эди, бу князьлар эса Москва подшолиги кучларининг биринчи бошлиқлари эди. Дмитрий Донской тоторларга уларнинг Русь устидаги ҳукмронлиги тамом бўлганлигини ўзининг ювошлиги блан эмас, балки қиличини яланроқлаб туриб дангал айтган эди. Иоанн III ва Иоанн IV „даҳшатли“ деган ном олган эдилар, лекин буларнинг ҳар иккови асло ўзларининг ювошликлари блан ном чиқарган эмаслар.. Ва умуман кичкина Москва князьлиги кейинроқ бориб аввал Москва подшолиги, сўнгра эса Русия империяси бўлиб қолишига сабаб ювошлик эди, дейишнинг ўзи жуда ғалати бир нарса...»

Рус миллати миллий давлатни шунчалик эрта яратганлигини, бу нарса рус миллатининг кучини кўрсатучи факт эканлигини ва бу фактнинг бутун прогрессивлигини Белинский ўтмишда ҳаммадан олдинроқ, ҳаммадан яхшироқ тушинди. Бунга ҳечқандай шак-шубҳа йўқ.

Немисларнинг реакцион қолақлигига сабаб булган кўп хислатлар уларда феодал тарқоқликнинг чўзилиб кетганлиги туфайли келиб чиққанлигини ҳам Белинский биринчи бўлиб изоҳлаб берган эди. Германиядаги бундай тарқоқлик Белинский вақтида ҳам бор эди, шунинг учун ҳам у Германияни „қолдиқлар ва

қийқимлардан тузилган" деб айтди. Белинский давлатнинг ролин мана шундай тушунганлиги учун ҳам у рус миллатининг улуғворлиги блан унинг халққа қарши ва тескариси хукумати ўртасидаги зиддиятларни кесиб ташлаш зарур деб ҳисоблар эди. Белинский „Адабий орзулар“ деган мақоласида ўша вақтда адолат ва маориф тўғрисидаги мавҳум ўз идеалини Пётр I сингари подшо руёбга чиқариши мумкин деб ўйлар эди, шунинг учун ҳам подшо Николайга бутунлай қарама-қарши бўлган Пётрдаги хислатнинг ҳаммасини курсив блан ёзганлиги ҳам тасодифий бир нарса эмас эди. Аммо, Белинский қирқинчи йилларда бу нарсанинг нажотга олиб чиқмаслигини тушуниб, демократик ижтимоий тўнтаришлар позициясига ўтди.

Мана шу нуқтаи назар Русия тарихидаги унинг бутун прогрессив жиҳатларини: тевтон рицарьлари устидан қозонилган габаланинг аҳамиятини, тотор асоратидан ва поляк интервенциясидан қутулишнинг аҳамиятини ва айниқса 1812 йилги Ватан урушининг аҳамиятини Белинскийнинг ҳаммадан кўра кўпроқ ва чуқур тушиниб олишига ва шу сабабли Русиянинг ўтмишидаги Александр Невский, Дмитрий Донской, Минин ва Пожарский, Кутузов каби арбобларни мақтаб ёзишига имкон берди.

У рус давлатини бун'ёдга келтиришда Иван Грознининг, хусусан Буюк Пётрнинг прогрессив ролини тушунди. Лекин Белинскийнинг шоён диққат демократизми Пётр ислохотларининг салбий томонларини кўрсатиб ўтишга ҳам имкон берди: Белинскийнинг фикрича, ислохот чет мамлакатларга маймун каби тақлид қилиш хусусиятини ҳам туғдирди ва бунга ҳам сабаб шуки, ислохот фақат „юқоридан“ бўлган буйруқ блан ўтказилди. Йигирма уч яшар Белинский халқ фикрига қулоқ солиб, пастдан бошлаб ислохот қилинганда, Русияни бошқача қандай қилиб ислох қилиш мумкинлигини худди аниқ кўрганга ўхшайди!

„Телескоп“ журналида Курскдан чиққан ва ўзи ўқиб астрономлик даражасига етишган кишининг таржимаиҳоли босилган вақтда, шу муносабат блан Белинский томонидан Пётрнинг соқолларни қирқиб ташлаганлиги тўғрисида айтилган пичинг я'ни „соқол юлдузларни санашга халақит бермайди: Курскдаги кишиларга бу нарса ма'лум“ деган гаплар оддий ҳазилга қараганда каттароқ ва чуқурроқ ма'нога эга.

Белинскийнинг Русия ижтимоий масалани Фарбий Оврупога қараганда яхшироқ ҳал қилаолади ва фан ҳамда сан'атга йўллар кўрсатиб, „бутун ма'рифатли инсониятнинг самимий ҳурматига сазовор бўлади“ деб айтган айрим фикрлари оддий кароматгина бўлиб қолмади, бу фикрларни Белинский тарихий далилларга асосланиб туриб айтган эди.

Крепостнойлик Русияси шароитида Белинскийнинг йўқ қилиниши янги демократик типдаги энг йирик давлат арбобининг йўқ қилиниши эди.

Белинскийнинг азоблаб келган зидиятлар фақат бизнинг совет ватанпарварлигимиздагина бутунлай йўқ бўлиб кетди. Чунки халқ блан унинг социалистик давлати бир бутун бўлиб қўшилди,

улулг большевиклар партияси раҳбарлигидаги халқнинг бутун фаолияти, социалистик давлатни мустақкамлашга қаратилган фаолият, инсониятни озод қилиш йўлидаги жаҳоншумул тарихий вазифанинг ифодаси бўлиб қолди.

## 6. Гениаль адабий танқидчи

Белинский классик реализм эстетикасига асос солган киши, деб бемалол айтиш мумкин. Адабиёт тўғрисидаги марксча — ленинча фан бу эстетиканинг энг муҳим томонларини ўзига сингдириб олиб, унга янги, таққослаб бўлмас даражада юксак асосда ривожлантирди.

Белинский энг аввал бошдан бошлаб то ўз адабий фаолиятининг охирига қадар, адабиёт — жамиятнинг маҳсули бўлиб, жамият тараққиётини акс этдиради ва ифодалайди деган нуқтаи назари тобора онглироқ равишда тарғиб қилиб келди.

Бу Белинский эстетикасининг биринчи қондаси эди.

Белинский ўзининг дастлабки даврида бу қондани қанчалик идеалистик тарзда талқин қилмасин, сан'атни „илоҳий илҳомланишнинг“ ёки ривожланаётган „абадий ғоянинг“ маҳсули деб гапирмасин, лекин шу фикрларни айтгандан кейин асарни конкрет анализ қилиб чиққач, бу асарнинг ўз замонидаги жамиятда бўлган нималарни акс этдирганлигини реалистик равишда аниқлаб берар эди. Ҳатто у „Адабий орзулар“ деган мақоласида сан'аткорнинг асарларида аср ҳам, халқ ҳам акс этади“ деб ёзди. Шунинг учун ҳам Белинский мана шу асарларининг халқ ёки „жамият туғдирганлигига қараб, уларнинг тутган ўрни ва аҳамиятига баҳо беради. У, Пушкин тўғрисидаги мақолаларида, Пушкин ижодиятининг чуқур ижтимоий характеристикасини чизиб беради.

Адабиёт ҳодисаларига мана шундэй қараш, масалан, хатто ёш Белинскийга Лермонтов ижодиятининг характерини ҳам мутлақо тўғри изоҳлашга ёрдам берди. У бу ижодиятни декабристлар қўзғолони тор-мор келтирилгандан кейин янги ижтимоий юксалиш ҳали бошланмаган ўтиш даврига боғлаб изоҳлайди. Бу даврда декабристларнинг авлодлари кучга тулган бўлсалар ҳам, лекин ижтимоий идеаллари бўлмаганлиги сабабли Николай ҳукмронлик қилиб турган шароитда индивидуализм қатқолоғида ҳалол ҳалок бўлдилар. Лермонтовнинг гражданлик поэзиясини соғинганлигини ҳам Белинский мана шу факт блан тўғри изоҳлайди.

Белинский энг аввал бошдан тортиб то ўз фаолиятининг охирига қадар, адабиётнинг ижтимоий аҳамияти бор, у жамиятга та'сир қилади, унинг тарбиявий роли бор деган нуқтаи назарни тарғиб қилиб қелди, ўз ижодий йўлининг иккинчи, энг маҳсулдор ярмида эса, адабиётни ижтимоий курашнинг қуроли деб ошкора э'тироф қилди. Бу Белинский эстетикасининг иккинчи қондаси эди.

Белинский идеалистик мавҳумотларга берилиб кетиб, ўзининг дастлабки дврида, сан'ат „онгсиз“, „мақсадсиздир“, сан'атнинг „мақсад ўзид“ деб, сан'ат хаёдан каттароқ“ деб ҳарқанча ёз-

масин, лекия шу фикрларни айтганидан кейин, сан'атнинг ҳаётдаги ижтимоий, ўзгартиручи ролини жуда муфассал кўрсатиб берди.

Белинский „соф“ сан'ат йўқлигига кейинроқ қаноат ҳосил қилганидан сўнг шу зидиятларнинг ҳаммаси чиқариб ташланади.

Бу жиҳатдан унинг „Фауст“ тўғрисида айтган фикрлари айниқса диққатга сазовордир.

Белинский қуйидагиларни ёзди: „Уни фақат бир ўзигагина хос бўлган қонунлардан бошқа ҳечнимага буйсунмайдиган соф сан'атнинг намунаси деб кўрсатишни жуда ҳам яхши кўрадилар. Аммо, соф сан'атнинг муҳтарам рицаръларини қоралаш тариқасида бўлмаса-да, шуни айтиш керакки, „Фауст“ ўз замонидаги немис жамиятида бўлган бутун ҳаётни тўла равишда акс этдилади. Унда ўтган асрнинг охиридаги (ва ҳозирги асрнинг бошидаги) Германияда бўлган бутун фалсафий ҳаракат ифодаланган. Гегель маслагини тадқиқ қилучиларнинг ўз лекцияларида ва фалсафий асарларида Фаустдан олинган шеърларни ҳардоим такрорлаб келганликлари бежиз эмас. Фаустнинг иккинчи қисмида Гётенинг, идеялар мавҳум бўлганлиги сабабли, кўпинча қоронғу ва тушанилмас аллегорияга нуқул берилиб кетганлиги ҳам бежиз эмас. Бунда қандай соф сан'ат бор дейсиз?“

Материалист Белинский бундан ўн йил бурун идеялист бўлган чоғидаёқ „Фауст“ тўғрисида пийпаслаб топган ўша тўғри фикрнинг ўзини аниқлаб явожлантирди.

Сан'атнинг ижтимоий роли масаласида Белинский бизга Плехановдан кўра кўпроқ яқинлашди.

Плеханов бундай деб ёзган эди:

„Белинский: чин эстетиканинг вазифаси сан'атнинг нимадан иборат бўлиши лозимлигини ҳал қилиб беришдан иборат бўлмай, балки сан'ат нималигини ҳал қилиб беришдан иборатдир, деб ёзган вақтда, диалектик эди. У, сан'атдан воқи'ликни тўғри тасвирлашни талаб қилиб, яна бундан ташқари, сан'ат ўқучининг ҳаётининг ма'лум томонларига қарашига ма'лум йўл кўрсатиб бериши лозим, деб айтган вақтда, маорифчи эди.

Ма'лумки, Плеханов ҳам сан'атнинг ижтимоий аҳамияти бор деган нуқтаи назарда турар эди. Лекин Плехановнинг шу сўзларида сан'атга нодеалектик китобий қараш деалектик қараш деб айтилади-ю, аммо Белинскийнинг диалектикани жуда яхши ва жонли тадбиқ қилишини „маорифчилик“ дейилади, — худди (кези келганда шуни айтиш керакки) маорифчиларнинг нарсаларга диалектик тарзда қарамасликлари мутлақо шарт экандек бўлиб чиқади!

Плеханов адабиётнинг партиявийлиги принципини ҳечқачон тушунган эмас. Ҳолбуки, адабиётнинг партиявийлиги принципини ўртоқ Жданов Лениннинг адабиёт тўғрисидаги фанга қўшган энг катта бойлиги деб отаган эди.

Белинский айтган эдики, талант „бутун жамият кўнгли ва руҳининг органи“ бўлиши лозим. Ўртоқ Жданов бундай дейди: „Белинскийдан бошлаб барча инқилобий демократик рус зиёлилари-

нинг энг яхши намояндалари „соф сан’ат“, „сана’т сан’ат учун“ деб оталган фикрларни тан олмайдиган бўлиб қолдилар ва сан’ат халқ учун, сан’ат юксак ғоявий бўлиши ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши лозим деган фикрларни тарғиб қиладиган бўлиб қолдилар.

Белинскийнинг сан’атга мана шу тариқа қараши, унинг ёзучи, ҳатто айрим асар ҳам, турмушда қандай роль ўйнашини — прогрессив роль ўйнайдими, ёки реакцион роль ўйнайдими, у ким учун ва кимга қарши ишлайди, деган масалани аниқлаб олишга ёрдам берди.

У Гогольни танқидий реалист бўлган пайтида кўкларга кўтариб мақтади, аммо унинг ўзи Гогольнинг касал фантастлиги ва мистиклиги акс этган повестьларини қаттиқ қоралади. У Достоевскийнинг „Камбагал кишилар“ асаридан кейин чиқарган биринчи асарлариданоқ бу асарларнинг ғоявий сохталигини пайқаб, уларни шафқатсизлик билан танқид қилди.

Бу танқиднинг хусусияти шундан иборат эдики, Белинский Гоголь ва Достоевскийнинг асарларини турмушга таққослаб текширар ва аввало асарларнинг турмушга мос келмаганлигини, ҳақиқатни бузиб берганлигини очиб ташлар эди.

Тасвирланган нарса турмушга мувофиқ бўлиши, тасвир ҳаққоний бўлиши керак—Белинский реалистик эстетикасининг учинчи принципи мана шу.

Белинский кўринган нарсани кўчириб қўйишнинг ўзини реализм деб ҳисобламасдан, балки муҳим, типик нарсаларни, шу типик нарсалар ифодалашини лозим бўлган ғоялар нуқтан назаридан акс этдиришни, „энг оддий турмуш муносабатларини ғоя билан ёритишни“ реализм деб ҳисоблар эди.

Белинский бундай деб ёзди: „Азоб бериш, қатл қилиш, мас ҳолида ахлат чуқурига йиқилиб кетган кишининг ўлишини жуда табиий қилиб тасвирлаб бериш мумкин, лекин мана шу тасвирларнинг ҳаммаси кўнгилни ғазаблантиради, хунук ва ма’носиз бўлади, чунки бу тасвирларда ақлга тўғри келадиган ҳечқандай мақсад бўлмайди. Аммо сураткаш сизга ҳақиқат учун азобланаётган кишини ва унинг қиёфасида кўнгил қаттиқлигининг жисмоний азобланиши устидан ғалаба қилганлигини табиий равишда тасвирлаб кўрсатса,—бу суратда табиийлик қанча кўп бўлса, сурат бадий жиҳатдан ҳам шунчалик нафис бўлади, чунки унда ақлга мувофиқ мақсад ва ақлга мувофиқ фикр кўриниб туради...“

Белинский бундан, сан’атдаги мазмун—асосий нарса деган тўртинчи хулосани чиқаради.

Белинский сан’атнинг мазмуни масаласида замонга мувофиқ бўлишга айниқса катта аҳамият берди. Унинг битта ҳам танқидий асари йўқки, бу тўғрида гапирмаган бўлсин. „Вольтер, поэзиянинг зериктирарли туридан бошқа, ҳамма турлари... яхши деб ҳақли гап айтади... Биз бунга қўшимча қилиб замонга тўғри келмаган турларидан бошқа ҳамма турлари ҳам яхши деб айтишимиз керак“. Замонга мувофиқ бўлмаслик, Белинский назарида, қолюқликнинг ифодасидир, бу нарса янгиликни сезишнинг йўқлигини

гана эмас, ҳатто, эскилик блан курашиш истагининг йўқлигини ҳам кўрсатади.

У „Фикрлари сўзларни эмас, балки сўзлари фикрларни бошқаручи“ ёзучиларни жуда кўп калака қилди. Сан'атнинг мақсади „буюмларни қандайдир ақлга тўғри келмайдиган айланишда тасвириллаш, ёқимсиз узун жумлалар, ғайри табиий гаплар блан ифодалаш оддий сўзларга зўрма-зўраки ма'но бериш“дан иборат деб-тушунуви ҳарқандай сохта мастерларни ҳам Белинский ана шундай калака қилар эди.

... Унинг ёзувларида қандайдир оригинальлик, қандайдир ялтироқ иборалар бор, лекин бу оригинальлик сун'ийдир, бу шишанинг ялтирашидир... Ундаги жумлаларнинг ҳаммаси шу қадар жингалак-жингалак бўлиб кетган, эпитетлар, амплификациялар шу қадар кўпки, тажрибасиз китобхон... мана шундай рангба-ранг ва ялтироқ ибораларни кўриб, ҳайрон бўлиб қолади,— китобхон буларнинг нуқул бўртиб ётган ман-манлик ва бўртиб ётган сўзлар ва жумлалардан бошқа нарса эмас эканлигини кўриб тажжублангандан кейингина... ундаги мана шу жозиба йўқ бўлиб кетади. Бу нарса Ғарбда, айниқса Ғарб чирий бошлагандан бери кўринмоқда...”

Белинский ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунга назар солган экан, деб ўйлаш мумкин!

Шаклнинг мазмунга мувофиқ бўлиши, Белинский реалистик эстетикасининг бешинчи қондаси эди. Белинский асарни бир бутун организм деб ҳисоблаб; унда „фикр бирлиги“ туфайли „бўлакларнинг бутунга мувофиқ ва уйғун бўлиши“ лозим, шу сабабли „ҳамма шахслар учун рольлар ўзига яраша ўлчаниб тақсимланиши лозим“, бунинг натижасида, бутун асарнинг тугаллиги, тўлаллиги ва тўлиқлиги вужудга келади деб айтар эди.

Белинскийнинг фикрича шаклни мазмун белгилаганлиги сабабли, у ҳарбир сан'аткор томонидан тақдим қилинган шаклларнинг жуда кўп хилма-хил бўлишини тушунар, шунинг учун ҳам асарни анализ қилган вақтда ҳамавақт шаклни—шу асарни яратган сан'аткорнинг ўзига хос булган хусусиятлар ва янгиликларни ифодаловчи, ҳатто энг майда шаклларни ҳам, шу асар шаклининг хусусиятларини, шаклнинг қай ўринда мазмунга мувофиқ келмаганлигини, ҳатто услуб, ибораларнинг айрим нуқсонларини ҳам текшириб чиқар эди.

Белинский адабиётни ипидан-ниясигача билар эди. У қўйган талабларнинг қаттиқлиги, унинг адабиётнинг катта оқим эканлигини, ундаги одамлар ҳархил миқ'ёсдаги, таланти ҳархил бўлган, талантининг даражаси ҳам ҳархил бўлган кишилар эканлигини тушунмаганлигини кўрсатмайди. Ҳатто Белинский ўзининг дастлабки даврида, поэзия,илохий илҳомланиш мақсули деб ва поэзия блан фақат „илохий илҳоми бўлган кишиларгина шуғулланаолади“ деб идеалистик эстетика руҳида да'во қилган вақтда ҳам, у ҳақиқатда ҳарбир сан'аткорга хизматига яраша баҳо берар эди.

Адабиётнинг катта ҳодисалари ҳам, ўрта ҳодисалари ҳам, кичик ҳодисалари ҳам Белинскийнинг назар ва этиборидан четда

қолмади. Белянский, бизнинг ҳозирги сермахсул танқидчиларимизга кўпинча одат бўлиб қолгани каби, ўзи ҳоҳлаган нарсаси тўғрисидагина ёза бермасдан, балки адабиётнинг чинакам хўжайини каби унинг ҳамма асарлари тўғрисида ёзиб, халқнинг энг яхши келажаги учун бўлган йўлни, халқнинг барча душманларидан адабиёт ёрдами блан тозаламоқда эди.

Ўтмишдаги барча адабий танқидчилардан Белинский бизнинг адабий танқидчи қандай бўлиши керак, деган тушунчамизга кўпроқ тўғри келади, шунинг учун ҳам у ҳанузгача бизга намуна бўлиши мумкин.

Душманлар блан жанг қилишда Белинскийнинг тенги йўқ эди. „Гап кўнгилдаги э’тиқодлар устига келганда, мен дарҳол ўзимни унутиб қўяман... ана шунда менга кафедра блан халқ тўдаси керак бўлиб қолади...“, дер эди у.

Белинский ўзининг адабий ишида чалаликни ва ҳамма нарса тўғрисида жиндак-жиндак сўзлаб, тўлиқ бир хулоса чиқармасликни ниҳоят даражада ёмон кўрар эди.

Ҳақиқатни айтиб беришдан „бош тортиш“ усулини. „...Агар шундай деб ўйлашга жур’ат қилсак, агар шундай деб айтиш жоиз бўлса, агар янглишмасак“ деган сўзлар блан тавсифлар эди.— „Ҳақиқатни айтиб беришнинг бошқа — тўғри ва кескин усули бор; бу ҳолда киши ҳақиқатни дангал айтиб беради, ўзини унутиб қўйиб, қўрқа-писа айтиладиган гапларга ва ҳартомон ўз фойдасига талқин қиладиган дудмал имоларга ниҳоят даражада нафрат блан қарайди, бундай дудмалликлар эса бизнинг ҳам, сизнинг ҳам фойдамизга пастарингларча ҳизмат қилиш истаги борлигини кўрсатиб туради“.

Белинский ўз хатларидан бирида бундай деб ёзган эди: „Грановский ўзининг“ „Москвитянин“да босилган мақоласини менинг ўқиган-ўқимаганлигимни билмоқчи экан („Москвитянин“ славянофильларнинг журнали). — Ўқиганим йўқ ва асло ўқимайман, унга айтиб қўйингки, мен дўстлар блан хунук жойда учрашишни ҳам, учрашмоқ учун шундай жойларга чақиришни ҳам ёмон кўраман“.

Ўтмишнинг, революционер-марксистларга қадар бўлган ар-бобларидан Чернышевский каби Белинский ҳам, ўзларининг принциплари жиҳатидан ва ўзларининг характерлари жиҳатидан бизнинг замонимизга, Ленин ва Сталин замонига айвиқса кўпроқ мос келдилар.

Белинский Ватанимизга, халққа, шу қадар кўп меҳр қўйдикки, ўзининг улуғ асарларига ўз кўнглининг шу қадар кўп кучини ва қалбининг шу қадар кўп қонини кўшдики, бу асарлар, ҳеч шубҳасиз, коммунизм вақтида ҳам ўлмас асар бўлиб яшайди, биз коммунизмни қурмоқдамиз ва доҳимиз ҳамда устозимиз Сталин етакчилигида коммунизмни қуриб битказамиз.



## ШАЙХЗОДА

# ВИССАРИОН ГРИГОРЬЕВИЧ БЕЛИНСКИЙ

(Вафотига юз йил тўлиши муносабати блан)

Улуғ ватан урушунинг оғир кунларида ўртоқ Сталин рус халқининг буюклиги ва шарофати ҳақида гапириб, рус халқи жаҳон тарихига етиштириб берган 16 гениал киши қаторида Белинскийнинг ҳам эслаб ўтган эди. Чунки Белинскийнинг номи рус халқининг шараф ва шони, рус халқининг ифтихори ва бутун Советлар мамлакатидаги барча халқлар учун энг азиз ва унутилмас, буюк ва ҳамиша тирик аждодлардан биридир.

Совет кишиларининг коммунизмга қараб мардона юришида ҳам „жўшқун Виссарион“ бақувват бур иттифоқдош сифатида бизларни олға, яна ҳам нуруний уфуқларга, юксак ахлоқий — ижтимоий принципларга ундаб турмоқда.

Белинскийнинг ҳаёт ва фаолияти, унинг ижод ва шахсий хислатлари, унинг мард, тўғри ва покиза виждони кўп пешқадам насларга намуна бўлиб келганидай биз совет авлодлари учун ҳам ибрат бўларлик бир аҳамиятга эгадир. Чунки, эркин мамлакатнинг ҳур граждани бўларининг улуғ ота-боболаридаги энг яхши хислатларни қимматбаҳо инжулардай олиб коммунизмнинг хашаматли хазиналарига қўшмоқдалар. Бундай улуғ аждодлар ўртасида эса Белинский биринчи ўринлардан бирини эгаллаб турмоқдадир.

Мана шунинг учун Улуғ Совет Ватани бугун Белинскийнинг оташин умрини ва қилган ишларини ташаккур блан эсга олиб, унинг ўлмас ҳайкали олдида ихтиром блан та'зим қилади.

Белинский 1811 йилда, 1 июнда, Свеаборг шаҳрида туғилди. Унинг отаси флот докторларидан эди. Кичик Виссарионнинг болалик чоғлари жуда оғир ва аламли ўткан. Унинг отаси қайсар, қўпол ва мустабид бир киши бўлиб, ўғлига кўп азоблар берганидан болалик чоғларидан бошлаб ҳаётнинг даҳшат ва сафолатларига дучор бўлган эди.

1816-йилда Белинскийнинг отаси флотдаги хизматидан исти-

фога чиқиб Пенза губернасидаги Чембар шаҳрига кўчиб келди. Виссарион бу ерда, аввало, Чембар уезд мактабида, сўнгра эса Пензадаги Гимназияда ўқиди. Мактабдалиги вақтида-ёқ у адабиётга кўп қизиқиб, бўш вақтларида XVIII—XIX асрлардаги рус ёзучиларининг асарларини мутолиа қилар эди. Гимназияни битирмасдан у, 1829 йилда Москвага жўнаб кетди ва кўп машаққатлардан сўнг Москва Университетининг адабиёт факультетига ўқишга kiraолди. Гарчи университетнинг берадиган малумотлари савия жиҳатидан қолоқ бўлса ҳам, мухофазакор ва оддий профессорлар ўртасида бирнеча илғор фикрли ёш ўқитучилар ҳам пайдо бўлган эди. Лекин университетда ижтимоий ва фикрий ҳаётнинг ўчоқлари ёш талабаларнинг хусусий тўгараклари, мажлислари, музокара ва муҳокамалари атрофида пайдо бўлар эди. Чунки Русиянинг ҳамма томонларидан энг яхши ёш кучлар бу университетга оқиб келардилар. Булар ўртасида Герцен, Огарев, Лермонтов, Сатин, Аксахов, Станкевич каби кишилар ҳам бор эдики, булар кейинча Русия адабиёт тарихига кирган машҳур арбоблардир.

Университетда ўқиб юрганида Белинский ўзининг биринчи, жиддий асари бўлмиш „Дмитрий Калинин“ пьесасини ёзди (1831 йилда). Автор ўзи ота-оналарига ёзган хатида бу асарнинг қаҳрамонини истибдод ва адолатсизликка қарши курашаётган киши сифатида таърифлайди. Ҳақиқатан ҳам пьесанинг марказий сиймоси бўлмиш Дмитрий деҳқонларни ҳимоя қилиб крепостной тартибга қарши курашувчи оташин революционер образидир. Ёш автор пьесани театрға бериш умиди билан уни цензурға топширади. Асардаги исёнкор руҳни кўрган цензур (университетнинг профессорлари) пьесани „ахлоққа, шарафға қарши асар“ деб манъ этдилар. Қўч ўтмай Белинскийнинг ўзини ҳам университетдан ҳайдашди. Уни студентлар рўйхатидан ўчиришга берилган буйруқда „касалманд бўлганлиги“ блан бир қаторда „қобилиятлари чала“ бўлганлиги сабаб деб кўрсатилди. Гениал қобилиятларға эга бўлган бу йигитға берилган шу баҳода чор системасининг мунофиқ „ахлоқи“ ўз-ўзидан фош қилинади.

Университетдан ҳайдалгандан кейин Белинский ўз тирикчилигини ўтказиш учун хусусий дарслар берар, журнал ва газеталарға ҳархил тақриз ва хабарлар ёзишға мажбур эди. Лекин шу блан бирға у жон-дил блан мутолиаға берилиб рус ва жаҳон адабиётларини, фалсафа ва тарихни муттасил ўқир эди.

1833 йилдан бошлаб Белинский профессор Надеждин раҳбарлигида чиқадиған „Телескоп“ ва „Молва“ журналларида қатнашиб кўп мақолалар ёзади ва бу журналларнинг танқид бўлимини бошқаради. Лекин шу чоғларда ёш Белинскийнинг зиҳниятида идеалистик тушунчалар ҳукмформадир. У, маориф ва маданиятнинг кенг тарқалиши албатта бир кун рус халқини эрк ва саодатға олиб келади, деб хаёл қилади. У немис идеалист философларининг (Фихте, Шеллинг ва кейинча Гегельнинг) асарларини ўқиб улардан кўп таъсирланади. Бу асарлардаги диалектик материализм уни айниқса ўзига жалб этар эди. Лекин кўп ўтмай Белинский

(1839 йилда) Гегельнинг „воқилик блан мураса“ теориясини узил-кесил фох ва рад этиб, ижтимоий турмушни инқилобий равишда узгартиришга ундайди. У, жамиятни инқилобий усуллар блан қайтадан қуриш керак, деган хулосага келади. Белинский энди том ма'носи блан рус революцион демократиясининг йўл-бошчисига айланади. У, материализмни ўзининг фалсафий қарашларига асос қилиб қабул этди ва социализмни „Менинг ғояларимнинг ғояси, ҳаётимнинг жоня, масалаларнинг масалася, э'тиқод ва билимнинг „алиф“ ҳам „ё“ ҳарфларидир.“ (Я'ни аляф-бенинг биринчи ва сўнгги ҳарфлари кабидир — М. Ш.) дейди.

Адабий мунаққид сифатида Белинский жамиятга хизмат қилу-чи сан'ат ва адабиёт учун кураш очиб материалистик демокра-тик эстетиканинг пойдеворини қуради.

1846 йилда Белинский, Некрасов чиқариб турган „Современ-ник“ журнаliga рус адабиётининг ўсиши ҳақида ўзининг машҳур обзорларини (1846 ва 1847 йилларга доир) шу журналда нашр этдира-ди. У, Русия шароитида ижтимоий, сиёсий фикрнинг фақат адабиёт орқали ифода қилиниши мумкин бўлганлигини кўради: „Ҳар қалай, бутун фикрий ҳаётимиз ва турмушимизнинг ҳамма поэзияси адабиётимизда бўлиб келмоқда“ деб ёзади у (1846 йил). Шунинг учун ҳам Белинский адабиётга ва адибга, ше'риятга ва шоирга жиддий, чуқур талаблар қўйиб бу соҳанинг арбобларига улуг ҳам олижаноб ғояларни талқин қилиб шундай ёзади: „Қофиялик кў-ғурчоқлар замонаси қайтмайдиган бўлиб абадий ўтиб кетди. Сез-гичалар ва туйғучалар ҳозир ҳеч нарсага арзимайдилар. Булар ўрнига, бадий шаклда ифодаланган чуқур ҳислар ва ғоялар лозимлиги кўриниб турибди... Энди шоир хаёлат оламида яшайол-майди: у ортиқ, замонанинг воқи'лик салтанатига граждандир“.

Белинскийнинг ижтимоий, фалсафий ва адабий фаолияти рус жамиятининг энг пешқадам тенденциялари блан, рус халқининг озодлик йўлидаги кураши блан, эзилган табақаларнинг адолатга интилиш ҳаракатлари блан ажралмайдиган даражага зич боғлиқ-дир. Зотан, бу кучлар Белинскийнинг доҳосини парварияш қилган баракали сарчашмалар бўлди.

Ўзининг ижтимоий, адабий ролини ана шу прогрессив ғоялар-га риоя қилдиргани учун Белинский адабиётда аниқ сиёсий вазифаларнинг қўйилишини, ижодда яхши ма'нодаги тенденциянинг мавжуд бўлишлигини талаб қилади. Бу принцип уни тўғридан тўғри адабиётда партиявилик ғоясига олиб келади: „Фақат доҳий партияга мансуб бўлмаслиги мумкин, у ҳам бўлса шу нажданки, доҳийнинг ўзи, уз соясига зўр партия тўплашга қодир бўлган бай-роқдир.“ Ленин сан'атда партиявилик адабий асардаги бадий тўлақонликни рад этмайди, балки, аксинча ҳаётнинг типик ва реал лавҳаларини ҳаққони равишда ва юксак балвий шаклларда акс этдиришни талаб қилади, — деган.

Белинскийнинг адабий ва ғоявий фаолиятини яқунлайдиган нарса унинг „Гоголга мактуб“ деган машҳур асаридир. Малумки, В. И. Ленин бу мактубни жуда юксак баҳолаб „цензурасиз демокра-тик матбуотнинг энг яхши асарларидан бири“ деб ҳисоблар эди.

Бу мактубида улуғ мунаққид, Гогольнинг реакцион руҳда ёзилган „дўстлар блан хатлашувдан териб олинган парчалар“ деган асарига каттиқ ҳужум қилиб, Гогольнинг рус адабиётидаги катта хизматларидан кат’ий назар, бу асари ҳақиқатдан айнишдир дейлади. Бу танқидида, Белянский Гогольнинг крепостнойчиликни ҳимоя қилишидан хафа бўлиб авторни реакция тегирмонига сув қўйишда айблайди. А. Герцен, Белинскийнинг шу мактубини ўқиб шундай деган эди: „Бу — гениал нарсасидир; ҳа, афтидан бу нарсани унинг васиятномасидир ҳам!“

Дарҳақиқат, Герцен айткандай, бу „гениал нарса“ Русиядаги барча илғор ва тараққийпарвар гуруҳлар томонидан „Янги Инжил“дай қабул қилиниб, ҳукуматнинг ман’ба та’қибларига қарамай қўлёзма ҳолида қўлдан қўлга ўтиб ҳарорат ва ҳаёжон блан ўқилмоқда эди. Айниқса революцион ёшлар, мамлакатнинг ҳар томонидан бу мактубдаги сўзларни ёдлаб олиб ўз олижаноб ният ва ҳаракатларида Белинскийдан илҳомланар эдилар.

Лекин Виссарион Григорьевичнинг ўз соғлиғи ва умри ҳам адо бўлиб қолган эди. Белинский ёш бўлишига қарамасдан сиҳат ва саломатлигини йўқотган эди. Ёвуз касаллик (сил) унинг ўпкаларини хароб этган эди. Очлик, муҳтожлик, ташвиш, та’қиб ва тазйиқлар, жандармалар томонидан тез-тез ижро қилиниб турган тинтувлар, тинмай кўп ёзиш зарурати ва бошқа-бошқалар гениал мутафаккирнинг ҳаётини заҳарлаган эди. Белинскийнинг вафотидан бирнеча кун муқаддам кўрган дўстларидан бири шундай деб ёзар эди: „Белинский очликдан ўлаётган ва бир бурданон учунгина ишлаётган. Докторлар унга дам олишни тавсия қилдилар, — лекин пул қаерда дейсиз!“

1848 йил 7 июньда Белинский вафот этди. Белинский ўттиз етти ёшида ўлди.

Белинский рус адабиётида шундай бир тарихий ва танқидий мактаб яратдики, бу мактаб Энгельснинг та’бири блан айтканда „Германия ва Францияда расмий та’рихий фан томонидан вужудга келтирилган назариялардан мислсиз даражада юқори туради“. Шу блан рус афкор оммаси Белинский сиймосида, марксизмдан илгариги жаҳон фалсафа та’рихида олға қараб зўр қадам ташлаган эди. Белинскийнинг ажойиб фикрий такомилли ва тараққиёти, унинг чарчамай ҳақиқатни ва адолатни излаши, ўз ҳатоларини мардона емириб доимо олға ва юксакликка интилиши, рус халқининг энг яхши фазилатларини ўзида акс этдирган хислатлар эди.

Сўз ва қалам блан, бағоят камёб ақлу доҳонинг қудрати блан Белинский истибдод ва асоратга қарши бемураса ва бераҳм кураш олиб борадики, бу кураш унинг ҳаётги омилли эди. Унинг юксак принципааллиги учун, замондошлари унга „Жўшқин Виссарион“ деган лақаб қўйган эдилар. Некрасов у ҳақда айтганидай:

Фақат гоёсига мутти’ эди ул,  
Оташин бир фикр йўлида машғул.

Бу ғоя, бу фикр Ватанга, халққа хизмат қилиш ғоясидан бўлак нарса эмас эди. Ёзучининг халқ олдидаги вазифаларини шунинг учун ҳам у юксак принципиал позициялардан туриб белгилар эди. "Халқ — дер эди у — ёзучини ёмон китоб ёзгани учун кечирishi мумкин, аммо зарарли китоб учун кечирмайди!"

Белинский ўз халқининг ша'н ва шарафини кўтариб Русиянинг келажакдаги етакчилик ролидан пайғамбарона бир қаромат блан башорат берди. У, „Биз, жаҳонга ўз фикр ва ўз сўзимизни айтишга мукаллафмиз“ дер экан ўз ватанининг улуғ тарихий қисматига тўла ишонч блан ихлосманд эди.

Белинский орзу қилган социалистик жамият утопик тарзда бўлса ҳам, улуғ мутаффақкир, Ғарбий Европа утописларидан бошқача ўлароқ, социализмнинг пайдо бўлишини революцион ўзгариш ғояси блан бевосита боғлашга мувоффақ бўлган эди.

Белинский адабиётининг улуғ мураббийлик ва муаллимлик ролини чуқур тушинган биринчи адиб бўлди. Бугина эмас. У адабиётнинг ташкилотчиси ва йўлбошчиси бўлди. Унинг хилқатида философнинг ақли блан баддиётчининг диди оҳангдор равишда бирлашгани учун у адабиёт фронтда дарҳол командонлик постини эгаллаб олишга сазовор бўлган эди. У, рус адабиётини тўғри йўлдан — реализм, жамоатчилик ва ғоявилик йўлидан — эргаштириб борган буюк жарчи бўлди.

Белинскийнинг инқилобий традицияларини буюк революцион-демократлар Чернишевский ва Добролюбов давом этдирдилар. Биринчи улкан рус марксист Плеханов либерал ва реакционерларга қарши курашди. Белинский традицияларини ҳимоя қилди. Замонамизнинг марксист-ленинчи адабиётшунослиги эса адабиёт фанида янги ва юқори бир поғона ташкил этиб мазкур традицияларни танқидий ва ижодий равишда қайтадан ишлаб эгаллаб инкишоф этдирдилар. Ленин та'риф қилиб берган адабиётда партиявийлик ва Сталин та'лим қилган социалистик реализм принциплари Совет адабиётининг пойдеворини ташкил қилмоқдалар. Адабиётимизнинг ва адабий танқидимизнинг бу кунги тараққиёт аслаҳа хонасига Белинский мероси бизнинг қонуний мулкимиздай кириб келмоқда. Чунки бизнинг адабиётимиз ўртоқ Жданов айтганидай „XIX асрдаги рус адабиётининг энг яхши традицияларига, бизнинг улуғ революцион демократлар — Белинский, Добролюбов, Чернишевский, Салтиков-Шчедринлар яратган традицияларга“ тўғридан-тўғри ворисдир.

Бутун Совет халқи, ва жумладан ўзбек халқи, ўлмас Виссарионнинг номини ҳурмат блан эслаб, унинг, халққа ва юртга, тараққиёт ва билимга қилган хизматлари учун миннатдорчилик блан раҳмат дейди.



## ҲОМИЛ ЁҚУБ

### УЛУҒ АДАБИЙ ТАНҚИДЧИ

Виссарион Григорьевич Белинский ўз адабий фаолиятини Университетда ўқиш йилларида бошлади. У 1831 йилда Университетда ўқир экан, „Дмитрий Калинин“ номли драмасини яратди. Бу драмада ёш Белинский бадиий сўз воситаси билан крепостниклик тузумига қарши кескин норозилик билдирди. Асар бадавлат помещикларга қарши оташин нафрат билан суғорилган эди. Бу исёнкор драма чоризм цензурасини қўрқитиб юборди. У, бу асарни „университетнинг шарафини булғовчи, ахлоқсиз асар“ деб баҳолади ва „Дмитрий Калинин“ авторини мислсиз рёкорона бир баҳона билан университетдан чиқариб юборишга муваффоқ бўлди (1832 йил).

Шундан сўнг, Белинский орадан икки йил ўтгандан кейингина, адабий ишини давом этдираолади. У даставвал таржима ишлари билан шуғулланади. Аммо 1834 йилнинг сентябрь ойида „Молва“ („Овоза“) журналида „Адабий орзулар“ сарлавҳали машҳур мақоласи билан адабий танқидчи сифатида майдонга чиқади.

Шундан кейин у танқидий асарлар ёзишни тўхтатмади. Аввал „Молва“ ва „Телескоп“ (1834—1836 йиллар), сўнгра „Московский наблюдатель“ (1838—1839 йиллар), „Огечественные записки“ (1839—1846 йиллар) ва ниҳоят, Некрасовнинг „Современник“ (1846—1848 йиллар) журналида доимий равишда қатнашиб турди.

Белинскийнинг биринчи адабий-танқидий мақоласи „Адабий орзулар“нинг ўзидек ҳаяжонли руҳий, фикрий чуқурлиги, ёш автор маълумотининг кенглиги билан кигобхонларни ҳайратда қолдирди. Бу асаридаёқ танқидчи адабиётда реализм ва халқчилик принциплари белгилаб қўяди.

Брок Белинский бу йилларда ҳали революционер-демократ сифатида майдонга чиқмайди. Маориф ва урфоннинг аста-секин илдиэ отиши рус халқини бахт-саодатга олиб чиқишига чин кўнғилдан ишонади. Фалсафий қарашлари жиҳатидан ёш танқидчи идеализм позициясида турар эди. У немис идеалист файласуфлари Фихте, Шеллинг, кейинроқ Гегель асарларини қизиқиб ўқийди.

Бу файласуфларнинг асарларидаги диалектик тараққиёт идеяси Белинскийни кўпроқ ўзига жалб қилади, зотан унинг ўзи ҳам стихияли равишда ҳаётдаги диалектик ривожланишни тушинишга обдан яқинлашиб келмоқда эди. Лекин шуниси характерлики, Белинский бошданоқ немис идеалист файласуфларининг қарашларидаги мухофазакорлик ва махдудликни бартараф қилиб, рад этиб боради.

Орадан бирқанча вақт ўтгач, Белинский (1837 — 1839 йилларда) Гегельнинг „Воқӣлик блан ярашиш“ тўғрисидаги фикрига қўшилади ва Русиядаги ҳоким муносабатларга нисбатан бирмунча келишучилик позициясига ўтади. Унинг бу нотўғри нуқтаи назари шу йилларда ёзилган айрим асарлари, шу жумладан, „Менцель—Гетенинг танқидчиси“ мақоласида акс этади.

Броқ Белинскийнинг дунё қараши ва ижодиётида қат'ий бурилиш ясаши шубҳасиз эди. Рус ижтимоий ҳаётининг ривожланиши, инқилобий фикрларнинг ўсиши, Белинскийнинг озодликка ва халқ бахтининг кушодиға интилиши унда албатта бурилиш бўлишидан дарак бермоқда эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлади. У, „разил воқӣлик“ни инқилобий йул блан инкор этишға келади. У ўз хатоси ва адашган йўлини қат'ий босиб-янчиб ўтади. Белинский энди ғазаб блан Гегельнинг реакцион сиёсий хулосаларини парчалаб ташлайди, Гегельнинг пруссия тартиблари олдида бош эгишини нафрат блан тилға олади. У, Пруссия ҳукумати ҳақида: „...Олчоқлар одамзодға зулм қилучилар! Ҳуррият ва ақл жаллодларининг учлик союзи а'зоси. Мана сизға Гегель“— деб ёзади.

Белинский Гегельнинг „зиддиятларни яраштириш“ тўғрисидаги идеясини узил-кесил рад қилиб, Николай Палкин тузумини дадил ва қат'ий суратда қоралайди. У мавжуд ҳолатни ва ҳукмрон муносабатларни инкор этишға, унга қарши инқилобий равишда курашға, меҳнаткаш кишиликни озодликка чиқаришға чақиради. У, киши шахсининг озодлиғига бутун жамиятни революцион равишда қайта куриш йўли блан эришиш мумкинлиғи тўғрисидаги хулосаға келади. У, эски ан'аналар ва мавжуд тартибларни идеаллаштиручи словянофиллар ва Ғарбий Европадаги капитализм тузумиға бош эгучи ғарбчилар йўлининг нотўғрилиғини очиб ташлайди.

40 йилларда Белинский дастлабки рус революционер-демократлари сафига ўтади, материализм ва социализм позициясида маҳкам туриб қолади. Социализм унинг учун „идеяларнинг идеяси, борлиқнинг борлиғи, масалаларнинг масаласи, э'тиқод ва билимнинг боши ва охири“ бўлиб қолди.

Белинскийнинг ўз революцион қарашларини ифодалашда адабий танқид бирдан-бир восита бўлди. Унинг ғоявий ўсиш йўли танқидий фаолиятида яққол кўринади.

Адабий танқид Белинскийнинг энг қадрли ва жонажон иши эди. Унинг ўзи бу тўғрида шундай дейди: „... Менға кафедрани ва халқ оломонини топшириб қўйинг... У вақтда ҳароратли ва бақувват сўзлар оғзимдан дар'ёдай оқаберади“, „Менинг фаолият доирам — оташин сўзлар ва жонли образлардир... Менинг бутун

куч ва қудратим — бевосита ўз туйғуларимдир, шунинг учун мен ундан ҳечқачон воз кечаолмайман, чунки ўзимнинг ўз шахсимдан воз кечишим мумкин эмас“.

Белинский шахсидаги бу хислат уни адабий танқиднинг мислсиз мастерига айлантириб қўйди. Белинский танқидий мақоласини янги эстетика, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги янги тушунчаларнинг жанговар манифестига айлантира билар эди.

Белинский „Телескоп“, „Московский наблюдатель“, „Отечественные записки“, „Современник“ сингари қалин журналларни кафедрага айлантириб қўйди. Бу кафедрада туриб, танқидчи-публицист сифатида китобхонларга мурожаат қилар, бадий адабиёт ва у блан боғлиқ масалалар ҳақида сўзлар, фақатгина ўз иши—танқидчиликка қизиққан киши сифатидагина эмас, балки ижтимоий ҳаёт ва курашнинг актив қатнашчиси сифатида ҳам ўзини кўрсатар эди.

Белинскийда гўзаллик туйғуси ғоят ўсган, тараққий топган эди. Доҳий танқидчининг бу ажойиб хислати тўғрисида И. С. Тургенев шуларни ёзади: „Унинг эстетик туйғуси деярлик кам-кўстсиз эди; унинг кўз қарashi бениҳоят чуқур эди ва ҳечқачон хираланиб қолмас эди. Белинскийни ташқи кўриниш, зебу-зинат ҳеч алдайолмас — у ҳечқандай та'сир ва бид'атларга бўйин эгмас эди; лекин гўзал ва хунук нарсалар, ҳақиқий ва сохта нарсаларни дарҳол пайқаб олади ва дадил жур'ат блан ўз ҳукмини айтарди — айтганда ҳам арайишини олмай, тўлиқ, қизгин ва кучли қилиб, ишонч ва қаноат ҳосил қилиб айтарди... Бирорта янги исти'дод, янги роман, ше'р ё повесть пайдо бўлса, унга ҳечким Белинскийдан аввал, ундан кўра яхшироқ ва тўғри баҳо бераолмас, чинакам қат'ий сўз айтаолмас эди“.

Белинский ўз эстетик туйғусини тинмай бадий адабиёт ўқиш йўли блан ҳам тарбиялаб, такомиллаштириб борди. Унинг эстетиканинг фалсафий масалалари устида мулоҳаза юргизиш одати бу фавқулодда ўткур нафосат туйғиси блан қўшилиб, ғоят тўғри хулосалар чиқаришга ёрдам берар ва талабни катта қўючи ҳарқандай китобхонни ҳам ҳайратда қолдирар эди.

Белинский бир асарни текширганда, гўё танқид лабораториясида тургандай, унинг авторининг бутун ўй ва фикрларини таҳлил қилар, унинг ижодий фикрининг моҳиятига кираолар, у асарнинг майда-чуйда тафсилотларига қадар текширар, кўпинча бир сўз ёки характери бир чизги блан қатнашучи шахснинг характери ва руҳини очиб ташлар эди. Белинскийнинг образли фикр қилиш салоҳияти унинг нутқидаги картинали муқоясаларда, унинг ўз адабий ва сиёсий дўст-душманларнинг бадий тасвири-ни чиза олишида ёрқин ва яққол кўринади. Унинг оташин темпераменти мақолаларини алоҳида нафас блан суғоради. У кўп вақт мақоласини лирик да'ватлар блан тўхтатиб қўйиб, тўлқин ва ҳаяжон блан аудиторияга хятоб қилиб юборади.

Белинский эндигина ше'р ёзишга бошлаган ёш шоярларнинг тўпламларига бағишланиб ёзилган танқидий мақоласини ҳам лирик чақириққа айлантира билди, ҳаётнинг ма'носини англашга,



бахт учун „Жасур, эркин ақл“ тантанаси учун, ҳақиқий кишилик хислатлари учун курашга да'ват қилди.

Шундай мақоласидан бирида, романтик хул'ёларга берилиб, қалбнинг изтироблари тўғрисида куйлаган бир ёш шоирга қуйидагича хитоб қилди: „Ажабо ҳаёт, табиат, инсон, башарият, илм, сан'ат—олижаноб курашлар учун, ёш ва янги кучларни татбиқ қилиш учун нақадар кенг, улуғ, ниҳояти йўқ бир майдон!“, „Аллақандай мажҳул тарафларга“ кўз тиккан ёш шоирнинг:

Эркин қушдай кўкда парвоз қиламан, —

сатри уни ер юзида яшашга, ҳодисаларга э'тибор беришга чақяришга танқидчини мажбур этади. У, шоирга маслаҳат бериб, дейди: „Ахир кўк, я'ни атмосферанинг юқори қатламлари кимсасиз ва совуқ-ку, ахир одамнинг одамлар блан яшаши яхши-ку — кўринг, нақадар одамлар сиқилиб яшайдилар...“

Белинский бу шоирга мурожаат қилиб, „ҳаммадан бурун ва ҳаммадан кўпроқ инсон булиш“, ҳаётнинг қадри-қиматига етиш, ноумид булиб қайғига ботмаслик кераклигини уқтиради. У дейди: „Умуман, одамлар, табиатан ёмон эмаслар — анча яхшилар; уларнинг табиати эмас, балки тарбияси, мухтожлик, ижтимоий ҳаёт уларни ёмон қилиб қўйган“.

Танқидчи ёш шоирга одам идеалини, халқ озодлиги учун курашучи унинг олижаноб фарзанди образини чизиб беради ва дейди: „Ҳа, азизим — шоир, ваҳимали даражада катта нарсаларга қизикмасликка ўрганинг, — у фақат ваҳимали, лекин улуғ эмас; яланг ҳайратда қолдиручи, эффеқтли, ялтироқ ва ёрқин нарсаларга қизикмасликка ўрганинг. Ҳақиқий ва улуғ нарса — содда ва камтарона бўлади... Кучли, ваҳимали даражада катта одам — ҳали айни чоқда улуғ одам бўлавермайди“.

Белинский ўзига хос бир адабий танқид жанрини яратди. Бу жанрда сиёсий-публицист нутқи ва асарга эстетик баҳо бериш, гуманист одамнинг тарғиботи ва сатирик памфлет, фалсафий мулоҳаза ва назик нафосат, олим тарихчининг экскурслари ва лирик саҳифалар, — тугундай бир-бирига чирмашиб кетади. Белинский ёзган ҳарбир мақолада янги бир йўлни охтаручи ва топучи гениаль бир ақлнинг изи бор, янги адабий ҳаракатга бош бўла оладиган гениаль инсоннинг ҳиди бор.

Белинскийнинг фалсафий ва социал-сиёсий қарашлари ўзгариб турганидай, унинг адабий-танқидий қарашлари ҳам ба'зан кескин ўзгаришларга учраб туради. Танқидчи айрим бадиий асарлар ҳақида ҳаётнинг турли даврларида бир-биридан кескин суратда фарқ қиладиган, ҳатто аввалгисига қарши бўлган хулоса ва ҳукмлар чиқарди. У бирор асар ҳақидаги ўз фикрини ҳар тарафлама ўйланган бир назария, эстетик концепция асосида ўзгартирар эди. Унинг-баҳолари тасодифий бўлмай, балки танқидчиликнинг фалсафий ва сиёсий э'тиқоди блан чанбар-час боғлиқ бўларди.

Белинский идеалистик қарашлар та'сирига тушган вақтда дув'ени мангу ижодчи идеянинг бир кўриниши, деб билди ва

сан'атни шундай та'рифлади: „Сан'ат коинотдаги идея ва унинг бениҳоят хилма хил ҳодисаларининг ифодасидир“; „поэтик илҳомланиш — табиатдаги мангу ижодчи кучнинг ин'икосидир“.

Лекин Белинскийнинг идеалистик назариясидаёқ қимматли рациональ уруғ бор эди; ёш Белинскийнинг танқидий практикасида бу уруғдан янги бадий реализм эстетикасининг дастлабки куртак ва новдалари ўсиб чиқади. Белинскийнинг ғоявий тараққиётида, унинг фалсафий сиёсий қарашлари ўзгариши блан, унинг реалистик эстетикаси мураккаблашади ва янада чуқурроқ мазмун блан бойиб, аввалги қарашларидан сифат жиҳатидан тамоман фарқ қилади, ҳатто уларни инкор этиш даражасига етиб боради.

Белинскийнинг 1834 ва 1835 — йиллардаги дастлабки мақолалари-ёқ реализм манифести бўлиб чиқди ва энг муҳим нуқталарида Шеллинг эстетикасини бартираф қилди, улар ёш танқидчининг ўзига хос қарашлари блан кўзга ташланиб турди. У: „Ҳаёт қаерда бўлса, поэзия ҳам ўша ерда“ деган принципни э'лон қилди. Бу реалист сан'атнинг мафкурачиси ўзининг 1835 йилги „Рус повести ва Гогольнинг повестьлари“ номли мақоласида шу сўзларни ёзди: „Биз ҳаёт идеалини эмас, балки ҳаётнинг ўзини, у қандай бўлса — ўшандай қилиб тасвирлашни талаб қиламиз. Майли, хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, лекин уни биз безашни истамаймиз“.

Белинский реалъ поэзия намуналарини Пушкин ва Гоголь ижодларида кўрди. Уларнинг асарлари орқали реалистик эстетикага асос солди. У: „Гоголь повестьларида мукамал бир ҳақиқат уйдирманинг содда бўлиши блан қаттиқ боғланади“, — деди.

Танқидчи, бу ҳаётни тўғри акс этдириш қонуни я'ни реализмга ҳалқпарварлик талабини қўшди. 30-нчи йилларда ҳалқпарварлик муаммоси рус журналистикасида қизғин суратда талқин қилинмоқда эди. Белинский халқчиликни сан'атга татбиқ қилиб, унинг равшан ва лўнда формуласини битиб берди: „Башарти ҳаёт тўғри тасвир қилинса, шу блан халқчинликка эришилган бўлади“. Шу равишча, унингча чинакам поэтик асар айни чоқда халқчин ҳам бўлади.

Белинскийга кўра, поэтик ижодиетнинг яна бир асосли белгиси бадий умумлашма ҳисобланади. „Чинакам талантнинг асарида ҳарбир шахс ва ҳарбир тип китобхон учун нотаниш ошнадир“.

Белинский биринчи мақолаларидан то сўнгиларигача сан'ат ҳодисаларни „ҳаёт ҳақиқати“, типизим, оригинальлик ва ёзучининг халқпарварлиги нуқтаи назаридан баҳолади. Бу эстетик назариянинг реалистик асоси, ҳатто танқидчининг Гегель эстетикаси блан танишиб, изланиш ва адашиш пайтларини бошидан кечирган даврларида (1837 йил охирида) ҳам, ҳечқачон барҳам топмади.

„Менцель-Гетенинг танқидчиси“ мақоласида Белинский шуларни ёзди: „Сан'ат воқи'ликнинг ин'икосидир, демак, унинг вазифаси ҳаётни тузатиш ё бўяш эмас, балки унинг ўзи қандай бўлса, ўшандайлигича кўрсатиб беришдир“. Белинскийнинг фикрича, „сан'ат — ҳақиқатнинг ифодаси, ва воқи'лигини энг юксак ҳақиқат-

дир:..." Сан'аткор эса образлар орқали об'ектив воқи'лик идеясини кўрсатиши, ундаги қонуний заруриятни очиши керак. Аммо Белинский ҳаётдаги тасодифни суб'ективликни бир шарпа, воқи'ликни инкор этиш,—деб англайди. Шундай қилиб, Белинскийнинг қарашича, „воқи'лик блан келяшиш“, гарчи воқи'ликни тўлалиги блан образли равишда акс этдиришни илгария сурса ҳам, лекин ижодиётдаги суб'ектив ниятни рад қилади. Шунинг учун Белинский Гогольнинг „Ревизор“ комедиясининг бадийлигини тан олса-да, Грибоедовнинг „Ақллилик балоси“ комедиясининг бадийлигини бошда э'тироф этмайди.

„Ревизор“ комедияси — Белинскийнинг сўзича, сан'атнинг юксак талабларини ва ижодиётнинг асосий фалсафий қонуналарини тамомила қониқтиручи бадий асар“ бўлса ҳам, лекин „Ақллилик балоси“, унда „ижодиётнинг керакли шarti бўлмиш об'ективлик йўқлиги учун“ бадий асар эмасдир; чунки автор пьесани „суб'ективликни акс этдиручи лирик жўшқинлик блан“ суғорган; пьесанинг қаҳрамони Чацкий — „шарпа..., шахсиз образ“ чунки бу блан жамият ўртасидаги қарама-қаршилик „воқий эмас, балки тасодифий“дир. Танқидчининг фикрича, „Ақллилик балоси“ — комедия эмас, балки сатирадир: сатира бадий асар бўлаолмайди.“

Шу равишча Белинский, дастлабки (обектив) фалсафий-эстетик концепциясини поэзия ҳодисаларига татбиқ қилиб, шоирнинг тасвир қилинаётган шахсларга нисбатан бўлган суб'ектив муносабатини э'тироф қилмади, воқи'ликка қарши бош кўтарган қаҳрамонларни поэзия оламига киритишни истамади.

Броқ В. Г. Белинский бу даврдаги ўз об'ектив воқи'лик тўғрисидаги назариясини босиб ўтди, зотан об'ектив назария уни ўстирган фалсафий асосга зид эди: Белинский воқи'ликда диалектик равишда табақий этаётган тарихий қонуниятни кўриб турди. Грибоедов пьесасига нисбатан ҳам шу тарихий нуқтаи назарни тараққий этдириб, Белинский энди „Ақллилик балоси“даги Чацкий образини оқлашга ўтди. Николай I давридаги даҳшатларни, халқ бошига тушган кулфатларни бевосита ҳис қилиш Белинскийнинг ғоявий тақомулини тезлаштирди, комедия автори — Грибоедовнинг э'тиборини кўтаришга танқидчини етаклади. Грибоедов, — дейди Белинский, — рус руҳининг энг бақувват намояндасига мансубдир... „Ақллилик балоси“ — қудратли талантнинг асари, рус адабиётининг қимматбаҳо гавҳари... фавқул'одда бир ҳодисаси... у жонли, енгил гаплашу тили блан ёзилган... Грибоедов комедиясининг ҳарбир сўзи комик ҳаёт блан нафас олади, зиҳн сур'ати, жумла тузилишларининг оригинальлиги, образлар поэзияси кишини хайратда колдиради, чунки ундаги ҳарбир мисра' деярлик мақола ё оталар сўзига айланган...“ Грибоедов комедиясини Белинский „жамиятга қарши энг ўткир сатира“ деб топди.

Белинский Грибоедов ижодиёти тўғрисида қилган бир вақтдаги хатосини оғир изтироб блан эсга олади. „Ақллилик балоси“ни ҳотирга олиш менинг учун ғоят оғир, — деб Белинский 1840 йил 11-декабрьда ёзган эди, — ахир уни мен бадий ну-

қтаи назардан қоралаган, унга баланддан менсимай қараган, унинг энг олижаноб гуманистик асар эканини, разил Русия воқи'лигига қарши, чиновниклар, порахўрлар, фоҳиш-бойбаччаларга қарши, биздаги киборлар жамиятига қарши, жоҳиллик, ихтиёрий хушомадгўйлик ва хоказо ва хоказоларга қарши кескин (шунинг баробарида биринчи) порозилик эканини билмаган эдим."

Шу тахлитда 30-йилларнинг охириги даври, танқидчи йўл қўйган хатоларга қарамасдан, унинг эстетик системасининг тараққиётида олдинга қараб қадам босиш бўлди. Белинский илгари ўзлаштирган тараққиёт ҳақидаги идеясини чуқурлаштирди. Диалектик методни Белинский биринчи марта кенг сувратда ва чуқур психологик текши иш асосида „Ревизор“нинг анализида — танқидий фикрнинг бу ажойиб ёдномасида татбиқ қилди. Белинский бу даврда бадиий асардаги мазмун ва форма бирлиги туғрисида та'лимотни, поэзияни образли тафаккур тарзида талқин қилучи та'лимотни, поэтик образнинг энг муҳим принципи бўлган типизм масаласи, адабиётдаги го'явийлик ва халқпарварлик масаласи ва бошқаларни чуқурлаштирди. Белинский Гегель идеализминини ўртадан кўтариб ташлайдиган назарий қуролни обдан тоблади.

40-нчи йилларда Белинский фалсафий ва сиёсий қарашларида янги босқич ҳисобланган воқи'ликни инкор этиш идеяси авваллари ҳам танқидчида озми-кўпми бор эди. Аммо Белинский идеологиясида социализм ва мате иализм ҳукмронлик қилиши блан бу идея унинг мақолаларида етакчи ва асосий ўринни олди.

Белинский 40 нчи йилларда воқи'ликни поэтик инкор этишни изчил равишда мудофаа қилди, о'б'ектив дун'ёни образлар орқали ҳартарафлама тўлиқ аксэтдиручи метод си'фатида уни (инкорни) қабул қилди ва ҳаётдаги ижобий мақсадга етиш учун уни кураш қуроли қилиб олди: У „Ҳарқандай инкор, жонли ва поэтик бўлмоғи учун бир идеал йўлида қилиниши лозим“ дейди. Бу идеални шоир воқи'ликдан топади. Замонага хайрихоҳлик блан қараш — чинакам шоирнинг бир аломатидир. „Шоир бўлмоқлик учун, — дейди у, — замонавий воқи'лик масалаларига қаттиқ хайрихоҳ бўлмоқ... керак“. Энди Белинскийга кўра, сан'атда суб'ектив моментнинг бўлиши унинг ҳаётийлигини та'минловчи шартдир. Шоир „Ўз тасвирига шахсий жонли фикрини қўшади, бу фикр тасвирнинг мақсадини ва ма'носини белгилайди. „Бизнинг замонамизда шоирда ички (суб'ектив) элементнинг бўлмаслиги нуқсондир“. „Улуғ талантда ички суб'ектив элементнинг ортиқча бўлиши — инсонпарварлик аломатидир... Улуғ шоир ўзи ҳақида, ўзининг „мав“ лиги ҳақида гапирганда умумий башар тўғрисида гапиради, чуңки унинг натурасида кишиликни ўзига боғлаган нарса бор. Шунинг учун унинг қайғусида ҳарким ўз қайғусини кўради, унинг руҳида ҳарким ўз руҳини топади ва уни фақат шоиргина эмас, балки бир инсон, башарият орасидаги ўз бродари, деб тушунади“.

Белинский замонавий ёзувчи деб, „Ўзини жамият ичида ва жамиятни ўз қалбда доимо ҳис қилиб турган“ ёзувчини айтади. „Инсоннинг ички ҳаёти нақадар бой ва сермазмун бўлмасин, агар у ўз мазмунига ташқи олам, жамият ва башарият манфаатларини

сннгдирмаган бўлса, у тўлиқ ҳисоблабмайди. Мукамал ва соғлом натураинг қалбини ватан тақдир қаттиқ банд қилади; ҳарқандай олижаноб шахс ўзининг ватан блан бўлган қон-қардошлигини, қони блан боғланишини чуқур идрок этади. Жовли одамнинг руҳини, қалбини, қонини жамият ҳаёти эгаллайди: у, жамиятнинг дардини тортади, унинг изтироблари учун азоб чекади, унинг соғламлигидан гул-гул очилади, унинг бахти-саодатидан мамнун бўлади...". „Шоир қанча юксак бўлса, у шу қадарли, уни етиштирган жамиятга мансуб бўлади, унинг талантининг тараққиси, йўналиши ва ҳатто хара тери шу қадарли жамиятнинг тарихий тараққиёти блан чанбарчас боғланади“.

Белинский ўз асрини „танқидий давр, ҳаётнинг емирилиши даври, эскилик инкор қилиниб, янгилик ҳис қилинабошлаган давр“ деб атади. „Бизнинг замонимиз, — дейди танқидчи, — бошлича фикр қилучи ва ҳукм қилучи, демакки, танқид қилучи замондир. Бизнинг замонимизни танқид қилишда, замона руҳи, ҳарқачонгидагидан кўра кўпроқ ифодаланди“.

Белинский „соф сан‘ат“ назариясини рад қилади, „сан‘ат — сан‘ат учун“ шиорини тамоман фош қилади, даврнинг ижтимоий масалалари блан боғланган адабиёт учун кураш олиб боради. Худди мана шу даврда у, кейинчалик 60нчи йилларда Чернишевский, Добролюбов томонидан тараққий втдирилган материалистик ва демократик эстетикага асос солади.

Белинский ҳамиша сан‘атнинг ижтимоий ролин буртириб кўрсатди.

„Сан‘атнинг ижтимоий манфаатларга хизмат қилиш ҳуқуқини тортиб олиш — уни юксалтириш эмас, балки пасайтириш демакдир, — деб ёзди, — чунки бу уни энг жонли кучдан, я‘ни фикрдан маҳрум қилиш демакдир“.

Бу фикр революцион-демократик лагердаги ҳамма ёзучи ва танқидчиларнинг шиори бўлиб қолди.

Белинский, Чернишевский, Добролюбов: сан‘атни халқ тақдирдан ажратиш мумкин эмас, — деб тасдиқлайдилар. Улар истар-истамас халққа қарши позицияга ўтган, ҳоким синфларга хизмат қилган „соф сан‘ат“ мудофаачиларини фош қилдилар.

Белинский сиймосида адабиёт назариячиси ва унинг ташкилотчиси, адабиётшунос ва танқидчи бирга қўшилди. Ҳақиқатан ҳам унинг ватан адабиётини юксалтиришда ўйнаган роли беҳад зўрдир.

Белинский юз йил мобайнида Русияда ёзилган ва босилиб чиққан асарларни ўқиб чиқиб, рус адабиёти тарихидаги ҳарбир ёзучининг ўрнини белгилаб қўйди, сан‘атнинг вазифаларини тушунтириб берди, сан‘атда ҳукм суриб келган бошбошдоқликқа хотима берди, адабий хурофотларни емириб, ёски авторитетларнинг ҳукмронлигини синдириб ташлади, янги фикрий адабий ҳаракатчиликка унинг ўзига муносиб ялғор ўринни забт қилиб берди.

Танқидчи, замондошларидан қайсибир ёзучи ҳақида ёзмасин, уларнинг ижодиёгини тарихий равишда тушунди ва олдин ўтган

адабиёт блан боғланишни очиб берди. Шунинг учун у „академик илм“ни „танқид“дан ажратиб қўймади, ваҳолонки, бу иккинчиси бяр-бирдан айриб қўйиш каби кўнгилсиз ҳодиса ҳозиргача либераль-буржуа мактабининг қолдиғи бўлиб давом этиб келади.

Чернишевский „Рус адабиётидаги Гоголь даврининг Очерк-лари“ асарида Белинскийни ҳақли ва асосли равишда рус адабиётининг биринчи тарихчиси деб атади.

Белинский ўз танқидий мақолаларида рус адабиётининг асосий даврларини, унинг магистраль йўлини таъинлаганда, бу адабиётнинг асосий хислатини унинг реалъ ҳаёт блан, халқ турмуши блан тобора яқинлашишида, ҳоким мутлақ-крепостниклик тузумини тобора кескин ва дадил танқид қилишда кўради.

Белинский объектив воқеаликдан сув ичиб яшновчи реалистик поэзиянинг ҳақиқати ва нафосатини ёқлади. У XVIII аср классицизмнинг эскирган принципларини рад қилиб, Пушкин, Гоголь ва Лермонтов ижодиёти орқали рус адабиётида бўлган янги тенденцияни ҳимоя қилди: зикр қилинган шoirларнинг ижодиётлари кулги блан, нафратли оҳ-воҳ ва ҳасрат блан, қабиҳ ва разил картиналарни тасвирлаш блан, озодлик, шахсий қаҳрамонлик қўшиғини куйлаш блан ҳаётни ҳаққоний равишда кўрсатиш блан, инсонларнинг аламли аҳволига ачиниш билдириш блан ҳоким тузумни инкор қилар эди. Белинский Пушкинга юксак баҳо бериб, уни „миллий доҳи“, „поэзия мастери, сан’ат устози“, „гуманист шoir“ деб атади. У, Пушкиннинг тарихий ролини ва унинг жаҳоншумул аҳамиятини чуқур суратда очиб берди, Пушкиннинг бир талай образлари галерея ма’носини, унинг лирик ше’рларининг ҳамма хусусиятларини очди. „Евгений Онегин“ асарини тўла анализ қилиб, уни „рус ҳаётининг энциклопедияси ва олий даражада халқпарвар асар“ деб хулоса чиқарди.

Белинский айтишича, Пушкиннинг аҳамияти шундан иборатки унинг сиймосида рус адабиёти классицизмнинг улук схемаларидан, сентиментализмнинг сохта кўз ёшларидан воз кечиб, реализм ва халқпарварлик йўлига, ҳаётни ҳаққоний равишда тасвирлаш ва изчил равишда халқ манфаатларини ҳимоя қилиш йўлига бутунлай ўтиб олди.

Революционер-демократ танқидчи Белинский Гоголь ижодиётида адабий тараққиётнинг янги босқичини, унинг пастки социал табақалао ҳаётига дадил мурожаат қилишини, Николай воқе’лигининг танқид қилинишини кўрди. У, Гогольни доҳи шoir, деб э’лон қилди, энг миллий, замонавий, социаль ёзучи эканини э’тироф қилди. Гогольни Пушкиннинг ўрнини эгаллаган шoir, рус ёзучиларининг янги мактабининг отахони, деб атади.

Белинский биринчи ўлароқ, Лермонтовни „халқ шoirи; унда рус жамиятининг тарихий momenti ифодаланди“ деди. У Лермонтовнинг „Хул’ё“ ше’ридан парча келтириб, ҳаяжон блан ёзди: „Бу мисра’лар қон блан ёзилган... бу шундай одамнинг фиғони, охи-воҳидирки, ундай одам учун ички ҳаётнинг пучлиги бир фалокатдир ва жисмоний ўлимдан кўра мннг марта даҳшатли-

роқдир!..” Лермонтов поэзиясида Белинский „инкор қилучи заҳар“, „Умидсиз оҳу-воҳлар“ блан бир қаторда бошқа мотивлар борлигини пайқайди. Шоирнинг „юрагида келажак идеални ҳис қилиш бор“лигидан дарак беради, я’ни унинг сиймосида революцион ҳаёлларга ботган шоирни, янги поэзия — революцион романтизм методининг биринчи кашшофини қўради.

Белинский Григоревич, Тургенев, Кольцов, Некрасов, Герцен, Достоевский, Гончаров ва бошқа ёзучиларнинг биринчи асарлари чиқиши блан оқ доҳиёна ўткирлик блан уларнинг ижодиётларида туғилиб келаётган тенденцияни белгилаб беради.

Белинский „натураль мактаб“нинг пайдо бўлишида Пушкин, Гоголь принциплари, Лермонтовда туғилган „элемент“нинг аҳамиятини кўрсатиб, ёлғиз ўзи-уларни мудофаа қилади. „Натураль мактаб“ ёзучилари, Белинскийнинг уқтиришича, „хаёт ва воқи‘ликни ҳақиқати блан акс этдириш“га, „оломон, омма, оддий кишиларни“ тасвирлашга интилганлар. Бу оддийликни тасвирлашда „натураль мактаб“ поэзияда илгари акс этдирилган ҳаёт доирасини жуда кенгайтирди, адабиётга янги-янги ҳодисаларни, айниқса шаҳар ва қишлоқдаги қуйи социаль табақаларни киритди. „Натураль мактаб“ ўз бадвий образлари блан замонавий социаль масалаларни ўртага қўйди ва китобхонлар диққатини, фикрини мавжуд социаль тартибларни ўзгартиш томонига бурди. Бу мактаб, унга кирган ёзучиларнинг ижодий айирмаларидан қат’и назар, Белинскийнинг фикрича, адабий тараққиётнинг ягона тўғри йўлига тушиб олди ва бу „ҳақиқий, чин йўлдан“ рус адабиёти, танқидчининг мулоҳазасича, сра четга чиқмайди.

Белинский ҳаётнинг сўнгги йилларида реалистик адабиётга, социаль ва демократик тематикани киритиш учун, гражданлик поэзияси учун, тенденцияли сан’ат учун, қизгин кураш олиб борди, ёзучиларни ижтимоий ҳаётдаги эскирган формаларни синдиришда актив катнашишга чақирди. У, 1846 ва 1847 йил адабиётларининг таҳлилига бағишланган обзорларида крепостной халқ ва разночинецлар турмушини, социаль қарама-қаршиликларни, интеллигент-дворянин ва крепостной деҳқоннинг жамоат ўртасидаги ва оиладаги муносабатларини ҳаққоний равишда очиб берган асарларни текширди. У адабиётдаги социаль ва демократик тенденцияли асарларнигина таҳлил қилиб, воқи‘ликни поэтик танқид қилишни ўша воқиликни инкор этиш блан қўшмоқчи бўлди, ва сан’атни ижтимоий ҳаётнинг юқори босқичига ўтиш учун курашиш қуролига айлантиришга интилди.

Белинский бошидан кечирган ғоявий ва ижоди йўлнинг якуни унинг машҳур „Гогольга мактуб“ сарлавҳали мақоласи бўлди. У рус демократик-озодлик ҳаракатини ва ғоявий юксалишининг энг зўр ҳужжатларидан бири бўлиб қолди.

В. И. Ленин 1914 йилда бу мактуб ҳақида шундай деган эди: „Белинскийнинг адабий фаолиятига яқун ясовчи, унинг машҳур „Гогольга мактуби“, цензурасиз демократик матбуотнинг энг яхши асарларидан бири бўлиб, ҳалигача ғоят зўр ва жонли аҳамиятини йўқотган эмас“.

Белинскийнинг хати Гогольнинг „Дустларга ёзилган хатларнинг танланган қисми“ номи билан 1847 йилда босилиб чиққан ҳақим китобига қарши ёзилган эди. Бу китобида Гоголь ўзининг аввалги бадий асарларидан воз кечиб, крепостной ҳуқуқ, мутлақ ва диқий таасубни ҳимоя қилади. Гогольнинг бу китоби илғор рус жамоатчилигининг энг яхши намояндаларининг чуқур нафратини кўзғотган эди. Белинский уз мактубида Гогольдан қаттиқ равижиб, унинг реакция кучоғига кирганини абсвиз фош қилади ва крепостной ҳуқуқни тугатишга чақиради.

Улуғ мутафаккир Белинский бу мактубида мавжуд тузумга — крепостной ҳуқуққа, ҳоким мутлаққа, христиан бутхонасига қарши зўр жасорат билан кескин сурагда бош кўтариб чиқди. Белинский мактуби революцион-озодлик ҳаракатининг янги тўлқини яқинлашиб келаётганидан хабар берар эди. Мактуб фўқат рус демократиясининг эмас, балки танқидчиликни ҳам манифести бўлиб чиқди.

Белинскийдан аввал ҳечким рус сан'атини ўзига хос тўғри йўл билан тараққий этдиришда рус ёзучиларига унингча устоз бўлган эмас. Рус танқидчиларидан Чернишевский ва Добролюбовга қадар ҳечким Белинский сингари ижтимоий фикр ва бадий адабиётга раҳбарлик қилган эмас.

XIX асрнинг 40-йилларидаги рус адабиётининг ижтимоий ма'носини чуқур сурагда изоҳлаш, бадий сўз сан'ати традицияларига айланиб қолган унинг прогрессив тенденцияларини очиш вазифасини шубҳасиз В. Г. Белинский бажарди.

В. И. Ленин Белинскийнинг „...Озодлик ҳаракатимизда дворянларнинг различинецлар томонидан сиқиб чиқарилишида салаф“ бўлганини оқтяр-равшан қайд қилиб ўтган эди.

Буюк Октябрь Социалистик революциясида ғалаба қозонган, кишилик томонидан яратилган энг яхши маданиятнинг қонуний ва тўла ҳуқуқли миросхўри бўлган совет халқи Белинскийни сра вайдан чиқармайди, улуғ Ватаннинг ёлқинли патриоти сифатида, ҳоким мутлақ ва крепостнойликка қарши қизғин ва мурасасиз қурашчи сифатида, отагини инқилобчи-мутафаккир ва публицист сифатида, Русиядаги илмий эстетиканинг асосчиси, илғор-прогрессив танқидчиликнинг яратуچиси сифатида уни ҳаммиз ҳурматлайди.

Совет халқларининг немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган улуғ Ватан урушининг оғир кулларида барида, гитлерчи таловчилар Ватанимизнинг қалби, жонажон пойтахтимиз Москва бўсоғаларига яқинлашган бир пайтда, Совет халқларининг улуғ йўлбошчиси ўртоқ Сталин Русиянинг энг яхши фарзандлари қаторида В. Г. Белинский номини тилга олиб ўтади. Ўртоқ Сталиннинг Белинскийни мамлакатимиз тарихининг шон-шарафи ва ифтихори ҳисобланган, халқ даҳосини ўзида мужассамлантирган гениаль инсонлар жумласига қўшиши унинг барча фазилатларини, бизнинг замонамиз, социалистик маданиятимиз учун бўлган аҳамиятини, поллоқ равишда белгилаб беради.





А. ХЎЖАЕВА

## АБРОР ҲИДОЯТОВ

Шундай сан'аткорлар борки, улар ижодиётда ўзларини жуда қийинчилик билан намоён қиладилар. Характерлардаги тафовутни осонлик билан ва тез топаолмайдилар, аммо шундай тафовутни топиб олиш уларга ўз характерларидан бутунлай воз кечиб, янги образга кириб, сингиб кетишларига имкон беради.

Уларнинг ижодий процесси уқубатли, жуда мушкил бир шароитда ўтади, тинчсизлик ва шубҳаларга тўла бўлади. Сан'аткор (биз бунда актер-сан'аткорни назарда тутамиз) ўз иш процессида, ўзига керакли ифодалаш воситаларини излаган пайтида янги ҳаётий манба'ларга мурожаат қилади, уларни ўрганади, характерни очиб бериш йўлидаги эски синалган усулларни чуқурлаштиради, бу характерни ифодалаб бериш учун янги воситалар излайди.

Лекин уқубатли ва узоқ давом қиладиган мана шу процесс натижасида, аввало шаклсиз ва бетартиб бўлган ҳаётий ва адабий таассуротларда образ вужудга келади. Бундай образ ўзига хос ҳамма сифатларга эга бўлиши ва ташқи ижтимоий муҳит белгиларини, юриш-туриш, қилиқлар ва шунингдек икки рухий кечинмаларни намоён қилиши керак.

Агар образ ҳамма жиҳатдан тайёр бўлиб, сан'аткор уни жамиятга тақдим қилса, бу образга ҳамма томондан қараб баҳо бериш, унинг энг нозик жиҳатларини, руҳи ва ҳаракатларини кўриб баҳо бериш учун юраги чўчимаса, шу тариқа яратилган образ эсдан сра чиқмайдиган реал ва тушунарли бир ҳодиса бўлиб қолади.

СССР халқ артисти орденли Аброр Ҳидоятлов яратган образлар гоёат пухта ишланганлиги ва ҳаётнинг энг нозик жиҳатларини ифодалаганликлари туфайли мана шундай узоқ яшайдиган ва эсдан чиқмайдиган образлардан ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Аброр Ҳидоятлов яратган жуда кўп образларни кўздан кечирсак, унинг «Отелло» асаридаги Отелло, «Гамлет» асаридаги Гамлет, «Бой ила Хизматчи» асаридаги Ғофур, «Алишер

Навой» асаридаги Навой ва бошқа образларда турли мафкура-ларга ва турли ижтимоий муҳитга хос бўлган мана шу характерлар-нинг хилма-хил белгилари акс этдирилганлигини, лекин шу блан бирликда улар қандайдир умумий принципаал негиз асосида яра-тилганлигини кўрамиз.

Ўзбек сахнасида Аброр Ҳидоятлов блан бирликда шу рольларни ижро қилган бошқа сан'аткорлар ҳам бор. Лекин Аброр Ҳидоятловни улардан ажратиб турадиган, унинг бутун ижодиятига асос бўлган мана шу принципааль негизларнинг ўзи нимадан иборат? Аброр Ҳидоятлов сан'атини такрорлаб бўлмайдиган ва тамошобиннинг эси-дан кўп вақтларгача чиқмайдиган даражага етказучи хусусиятлар нимадан иборат?

Бу саволларга жавоб бермоқ учун Аброр Ҳидоятлов ижодияти-нинг тараққиётига бир назар солишимиз ва унинг бундан бир неча ўн йиллар илгари яратган образларини кўздан кечириб, шу йўл блан унинг ижодиятидаги асосий принципларни аниқлаб чиқишимиз керак.

\* \* \*

Ўзининг хушбичимлиги ва еқимли овози туфайли майда эпизо-дик рольларини бажармоқ учун Карл Маркс номли театр группасига қабул қилинган Аброр Ҳидоятлов (1918 йил) ўзига берилган майда рольларнинг ҳам типик хусусиятларини топабилиш блан дарҳол ўзини кўрсатаолди. Шунинг учун ҳам Шиллернинг «Макр ва Му-ҳаббат» трагедиясида (1921 йил) Вурм образини яратиш Аброр Ҳидоятловга топширилди. Бундай мустақил образ устида Аброр Ҳидоятловнинг биринчи марта ишлаши эди. Шундай бўлса ҳам Аброр Ҳидоятлов Вурм характеридаги хусусиятларини пийпаслаб излайбошлади. Бу образни яратиш натижасида Аброр Ҳидоятловнинг баланд ижодий сифатлари намоён бўлди ва шу туфайли у келажак-да қаҳрамонлик характерларини яратучи сан'аткор бўлиб етишувини яққол кўрсатди.

Вурм образини стандарт равишда талқин қилиб, уни ёвуз, ярим иблис қилиб кўрсатишга, унинг ташқи сифатларини ҳаддан ташқари бўртдиришга ҳаракат қилган режиссёрнинг (Камол I) талабига қарамасдан Аброр Ҳидоятлов гарчи, ихтимолки кўпол ташқи, белги-лар блан—беркинниб-пусиб юриш, майин овоз блан гапириш, кўзла-рини риёкорларча ўйнатиш йўли блан Вурмнинг характерини режис-сёр кўрсатганидай беришга уринган бўлса ҳам, лекин унинг жино-ятлар остида эзилиб кетган ҳаётини, омадсизлик натижасида дар-газаб бўлган, шу омадсизликни енгишга ҳаракат қилаётган шахс-нинг тақдирини чуқурроқ ўрганмоқчи бўлди. Аброр Ҳидоятлов Вурм-ни одамларга ниҳоят даражада нафрат блан қарайдиган ва ҳар қандай ёмонлик қилишдан қайтмайдиган киши қилиб кўрсатди. Аброр Ҳидоятлов яратган Вурм ҳийлакор, доғули, пасткаш бир одам,

лекин у мана шундай бениҳоят кўл, ёмон ҳислатларга эга бўлишига қарамай унда яна бир кучли сезги борки, бу Луизага бўлган муҳаббатдир. Бу муҳаббат Вурм — Ҳидоятовнинг бутун вужудини батамом қоплаб олади ва уни фердинандга ғоят нафрат блан қарашга, уни ўзининг рақиби деб ҳисоблашга мажбур қилади. Вурм-Ҳидоятов Луизага изҳор-муҳаббат қилаётган пайтларда ўзидаги чуқур муҳаббатини изҳор қилиш, ялиниб-ялбарилш ва ўзининг аламдида эканлигини кўрсатиш блан жамият майб қилиб ташлаган кишининг жонидилини тамошобинга ғоят маҳорат блан намоён қилди. Луизанинг ғазабланиб юз ўгириши Вурм-Ҳидоятовни ғоят қаттиқ хафаликка солди, ўзининг бу хафалигини Ҳидоятов дарғазаб бўлиб бақирилш, йиртқич ҳайвоннинг бўкиришига ўхшаш чорасиз ҳўнграб йиғлаши блан ифодалади.

Чуқур фикрли, трагик образлар яратучи актёр деган ном олишга Аброр Ҳидоятов мана шу тариқа сазовар бўлди. Келажакда қаҳрамонлик сан'атини вужудга келтиришга негиз бўлган ва Аброр Ҳидоятовнинг асло унитилмас бирқанча образлар яратишига имкон берган асосий элементлар унинг биринчи мустақил ролида мана шу тариқа яққол кўринди. Шу тариқа Аброр Ҳидоятовнинг ижодидаги асосий ва энг муҳим тема одамнинг ички ҳаётини, унинг қаҳрамонлик хусусиятларини очиб кўрсатишдан иборат бўлиб қолди.

Аброр Ҳидоятов курашаётган эҳтиросли кишиларнинг биринчи образларини яратар экан, улардаги эҳтироснинг асосий, энг муҳим унсирини топишга, қаҳрамоннинг қиладиган ҳаракатларида ана шундай унсурларнинг қандай қилиб етакчилик қилишини белгилашга уринди. Актёр ё қаҳрамонлик ҳаракатларини ёки буюк ва чуқур ҳисларни вужудга келтирган ана шундай эҳтиросларни топишга ва кўрсатишга интилиши орқасида бирқанча унитилмас образлар яратишга муваффақ бўлди. Аброр Ҳидоятов яратган образлардан бир қанчасини кўрсатиб ўтиш мумкин. Улар—инсонлик ҳисларига жабр қилучиларга қарши туғ'ён кўтарган Мажнун («Лайли ва Мажнун»), 1924 йил—Вершинин («Вронепоезд № 14.61» —1926 йил), Гранатов («Портфельлик киши»—1929 йил), Арслон («Икки коммунист» — 1929 йил), Гай («Менинг дўстим»—1934 йил), Фрондосо («Кўзибулоқ»—1932), Броцкий («Интервенция»—1934 йил) образларидир. Бу образлар одамзоднинг улуғ ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун тўқнашишга зўр бериб интилуци қаҳрамонларнинг букилмас иродаларини яққол кўрсатиб беради.

Аброр Ҳидоятов Городниче («Ревизор»—1925 йил) ролини бажарди. Ҳидоятов бу рольда порахўрликка берилиб кетган кишининг бутун ҳислатларини тамошобинга яққол очиб кўрсатди.

Аброр Ҳидоятов яратган Городниче—порахўрликни, алдамчиликни, мутгаҳамликни жуда уччига чиқарган, ғоят эпчил, турмушда учрайдиган ҳарқандай ғовларни четлаб ўтишга моҳир бир кишидир.

Аброр Ҳидояттов 30 йилдан бери сан'ат соҳасида хизмат қилиб келмоқда, шу муддат ичида жуда кўп ва хилма-хил образлар яратди. Ҳидояттов яратган образларда унинг ҳаётини чуқур тушунганлигини ҳаётнинг энг нозик жойларини акс этдиришга қодир эканлигини кўрамиз. У одамзоднинг ҳаётга ва унинг қонунларига чуқур ишонганлигини, бу ишонч одамга ғалаба қозониш учун куч ва қувват беришини очиқ кўрсатаолади. Аброр Ҳидояттов актёрлик ижодиятига киришган кунларидаёқ совет саҳнасида кучли ва продали қаҳрамонни гавдалантиришга интилди. У, ўз замонининг илғор идеаллари учун катта ғайрат ва зувқ блан курашаётган, ўз муҳитидаги турғунликка, тескариликка қарши курашаётган қаҳрамонни кўрсатишга интилди. Актёр кучли эҳтирослар ва буюк ҳаракатлар курашини гавдалантиришга ҳаракат қилди.

Аброр Ҳидояттов яратган Гамлет (1935 йил) мана шундай интилишларнинг маҳсули бўлди. Бу образ актёрнинг ижодий ўсиши учун ўз вақтида жуда катта роль ўйнади.

Аброр Ҳидояттов яратган Гамлет образини жуда камолатга етишган образ дейиш мумкин эмас. Бу образ устида жиддий ишланган бўлса ҳам, лекин унинг бирнеча нуқсонлари бор. Аммо бу нуқсонлар Аброр Ҳидояттов каби ажойиб актёрнинг ижодиятидаги бу муваффақиятнинг аҳамиятини камайтиралмайди, асло.

Аброр Ҳидояттов бу образни талқин қилишда Гамлетни уйғониб даврининг дадил ва кучли кишиси қилиб кўрсатишни, ундаги чуқур трагизм қаҳрамоннинг характеридаги ҳислатлардан келиб чиққан эмас, балки у яратган даврнинг шароитларидан келиб чиққанлигини кўрсатиб беришни ўзига асосий вазифа қилиб олди. Актёр Гамлетни файласуф эмас, балки ҳақиқий одам эканлигини кўрсатишга интилди ва шу йўлда ишлади. Ҳидояттов яратган Гамлет «Отасининг арвоҳини» кўрган пайтидан бошлаб, нолучи, ҳалокатга ва умидсизликка маҳкум бўлган асабий бир киши эмас. Ҳидояттов Гамлетнинг реалъ, инсоний табиатини ҳар тарафлама бўртдириб кўрсатди. Ҳидояттов яратган Гамлетда чарчаш, умидсизлик, нажот тополмаслик белгилари йўқ, унда тил блан ифодаланмаган, кўнгилдагина сақланиб келаётган катта ғазаб бор. Гамлет—Ҳидояттовнинг ҳаракатлари равон, қарашлари ўткир бўлиб, бу нарса унинг зийраклигини кўрсатади. У, ўз теварагидаги жиноятларнинг оғирлигини кўриб, ёлғончилар ва мунофиқларга таажжубланмайдиган бўлиб қолади. Гамлет — Ҳидояттов отасининг арвоҳи блан дастлаб учрашганидан кейин теварак атрофидаги жамият блан курашиш йўлига тушиб олади. У ўз атрофидаги жамият намояндаларига аччиғ-заҳарханда ва ғазаб блан қарайди. Гамлет—Ҳидояттов ўз-ўзини ўлдириш тўғрисидаги фикрни нафрат блан улоқтириб ташлайди. Нима учун ўлиш керак—курашмоқ минг марта яхши. Гамлет—Ҳидояттов ўзини девоналикка солади. Ҳидояттов Гамлетни ҳақиқатан девона қилиб кўрсатмайди. Шундай бўлса ҳам теварак атрофдаги кишиларнинг ҳаммаси Гамлетнинг девоналигига ишо-

надилар. Ҳидояттов Гамлетнинг «девоналигига» теварак атрофда-тиларни ишонтиришга қандай қилиб муваффақ бўлди? Ундаги очикдан-очик ифодаланган заҳарханда, Полонийга қаратиб айтилган сўзлар, унинг юзаки илтифотлари, батамом чиқиб бораётган жамиятга қаратиб айтган унинг ҳақиқатлари — мана шуларнинг ҳаммаси шу муҳитдаги кишиларнинг назарида Гамлетнинг девоналигини кўрсатучи аломатлардир. Гамлет—Ҳидояттов мана шу аччиқ ҳақиқатни айтиш блан завқланади. Бефаҳм Полоний, Розенкранд, Гильденстерн ва Озрикларга қаратиб аччиғ-аччиғ ҳақиқатларни айтар экан, Гамлет—Ҳидояттовнинг кўзларида нафрат аломатлари кўринади, бу ҳақиқат сўзларини ниҳоят даражада бурро-бурро қилиб айтиб беради. Гамлет Ҳидояттовнинг «Қопқон» саҳнасидаги қатти-ҳаракатлари, Клавденинг жиноятларини аниқлаб олгандан кейин, қаҳ-қаҳ уриб кулишлари у яратмоқчи бўлган образнинг ҳарактерини очик кўрсатиб беради. Ҳидояттов най саҳнасини ҳам гоят усталик блан ижро қилади. У, жуда эгилиб, та'зим қилар экан, найни Розенкранц блан Гильденстернга узатади. Ҳидояттов — улардан най чалиб беришни ма'сумона бир тусда илтимос қилса ҳам, лекин унинг кўзларида ғазаб ўтлари ёниб туради. «Дўстлар» най чалалмасликларини изҳор қиладилар. Гамлет—Ҳидояттов уларга яқинроқ келиб, най чалиб беришларини яна илтимос қилади. Улар ҳижолат чекиб, орқага тисраладилар. Ана шундан кейин Гамлет—Ҳидояттов найни улоқтириб ташлаб, Розенкранц блан Гильденстерннинг елкаларидан қаттиқ ушлаб олиб, уларнинг ҳижолат чекканликларини шафқатсизларча масҳара қилиб, най чалишни билмас экансиз, одамзоднинг кўнглидаги торларни қандай қилиб черта-оласиз? дейди.

Гамлет—Ҳидояттов ижтимоий адолатсизликлар, разилликлар орасида ўзининг виждонини ва фазилатини йўқотмаган одамлар ҳам бормикан деб излайди. Гамлетнинг назарида энг яқин ва севимли киши бўлган унинг онаси ўзининг ножўя ҳаракатлари блан Гамлетнинг эҳлосини қайтаради. Онанинг қилган айби шуқадар катта ва оғирки, Гамлет уни оқлашни ва кечиришни асло йстамайди. Онанинг ётоқхонасидаги кўриниш, энг ўткир ачиниш ҳолатини ифодалаш жиҳатидан Ҳидояттов энг яхши бажарган кўринишлардан биридир.

Ҳидояттов бу кўринишда чуқур трагизмни тўлиқ кўрсатиб беради. У ўз онасини шошилиб ва ҳечбир ўйламай Клавдийга эрга текканлиги учун койир экан, дарғазаб бўлиб, уни уришга ҳаракат қилади. Лекин она ожиз, меҳрибон бир хотин эканлигига қаттиқ ишонганидан кейин кўнглида раҳм-шафқат туйғуси уйғонади ва онасини кечиради. Урмоқ учун кўтарилган Ҳидояттов—Гамлетнинг қўли ўткир, кичик паузадан кейин онанинг бошига зарб бўлиб тушмайди, балки у қўлини тортиб олиб, алам блан онасига та'на қилади ва унинг айбини кечирганлигини билдиради. Ҳидояттов асарнинг бошидан то охиригача Гамлетни актив ҳаракат қиладиган,

раҳм-шафқатли, лекин теварак атрофдаги вазиятлар туфайли ўз фазилатларини кўрсатишга ожиз бўлиб қолган киши эканлигини билдиради.

Шу блан бирликда Ҳидояттов Гамлетнинг файласуф эканлигини ҳам эсдан чиқармайди. Ҳидояттов буни қабристон кўринишида яққол кўрсатади. Гамлет—Ҳидояттовнинг қабристонга келганида одамнинг бош суягини кўтариб қўлини чўзиб туриши унинг гамгин ва серфикр киши эканлигини кўрсатади. Дунёнинг ҳамма ишлари унга бегонадек, у ҳаётнинг курашларидан узоқда тургандай бўлиб кўринади. Лекин бу қабристондагина шундай кўринади. Аммо Ҳидояттов Офелия қабри олдида Лаэрт блан учрашиш манзарасини, Дуэль манзарасини жуда шиддат блан ижро қилади. У яна кураш лаззатига берилади ва душманга (қирол Клавдийга) жон талвасасида ёпирилиб ўзининг ўлиши блан курашнинг нақадар лаззатли эканлигини яққол намоён қилади.

Аброр Ҳидояттов ўзи яратган қаҳрамонларнинг бутун руҳий ҳолатини очиб беришга, оддий ҳодисаларда ҳам ва мураккаб вазиятларда ҳам одамнинг қаҳрамонлиги ва улғворлигини кўрсатишга ҳаракат қилади ва буни ўз ижодиятига асос қилиб олади. Аброр Ҳидояттов яратган образлар энг чуқур ва кенг маънодаги инсоний образлар дейиш мумкин. Аброр Ҳидояттов одамзодга бўлган улғ муҳаббатни, одамнинг шахсий фазилатларига фаҳрланганлигини одамзод психологиясининг энг майда-чуйда аломатларини ҳам билганлигини ўз ижодиятида тамошабинга яққол кўрсатиб беради.

Аброр Ҳидояттов рольни ҳамавақт ғоят аниқ ва равшан қилиб бажаришга ҳаракат қилади. У образнинг энг асосий негизи нима бўлиши кераклигини аниқ ва дадил билади.

Аброр Ҳидояттов кўпинча рольнинг автор томонидан берилган тавсифлари блан кифояланиб қолмайди. Ҳидояттов ўзининг турмушдан олган тажрибалари ва ўз ижодиятидаги хусусиятлар блан рольни жуда бойитиб юборади ва бу блан мукамал бир образ яратади. Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила Хизматчи» драмасидаги Фафур Образини (1939 йил) Ҳидояттов мана шу тариқа яратди.

Фафур ҳуқуқсиз ва мазлум қул каби бир киши бўлса ҳам, лекин унда одамзодга хос ғурур бор, у дов'юрак йигит. Аброр Ҳидояттов ўзининг сан'аткорлиги ва маҳорати блан Фафурни мана шундай талқин қилади. Аброр Ҳидояттов Фафурни тамошобин ачинадиган йиғлоқи қилиб кўрсатишга ҳаракат қилмайди. У ўз қаҳрамонида жамият душманларига ўткир нафрат борлигини, унинг кўнгли ғазаб блан тўлганлигини кўрсатади ва шу блан тамошабинларнинг ҳурматига сазовар бўлади. Аброр Ҳидояттов ўзининг моҳирлиги ва усталлиги блан бу батрак йигитнинг тиран фикрли ростгўй киши эканлигини кўрсатиб беради. Аброр Ҳидояттов яратган Фафур қаҳрамон халқнинг намоёндаси. Шунинг учун ҳам унда халққа хос сабр ва ғазаб бор. Шунинг учун ҳам Аброр Ҳидояттов яратган Фафур ўз хотинининг номуси учун курашар экан, бу блан ўзининг олижаноблигини, «Бойлар блан хизматчилар» ўртасидаги ижтимоий тенг-

сизликни яхши пайқаганлигини кўрсатади. Шу кураш натижасида унда хотинга нисбатан эҳтиром ва ҳурмат туйғуси туғилади ва кучаяди. У шариат раҳнамоларининг ўз хотинини сотиб олишга ҳаракат қилаётганликларини кўриб, уларга ўзбек хотинининг эрки ўзида эканлигини қаттиқ ва жиддий қилиб уқдиради. Унинг хотинга нисбатан муносабати шахсий муносабатларга қараганда чуқурроқдир. Аброр Ҳидоятлов — Ғафур ўз хотини Жамилага, хоҳласанг мен блан қол, хоҳламасанг Солибойга тегишинг мумкин, дейиш блан ўзбек хотин-қизларининг турмуш масалаларида тенг ҳуқуқли эканликларини чуқур тушунганлигини ифодалайди. Узининг бу э'тиқодини Аброр Ҳидоятлов иккинчи пардадаги кўринишда айниқса зўр маҳорат блан кўрсатади. Қози блан имом Ғафурнинг қўлига хотиндан ажралиш эвазига пул тутқизаётганлари вақтида Ғафур—Ҳидоятлов уларни масқара қилиб қаҳ-қаҳ уриб кулади. Бу заҳархандани кўрган қозилар ўзлари: «қашшоқ» деб ўйлаган» бу кишида енгиб бўлмас олижаноблик борлигини пайқаб, чўчиб кетадилар. Ғафур ўзини кулгидан тўхтатиб, қозиларнинг таклифи бема'ни эканлигини оҳисталик блан исботлаб беради. Ғафур қанчалик оҳиста гапирса унинг айрим ҳаракатларида, айрим қилиқлари ва қарашларида ундаги қайнаб ётган ғазаб айниқса кучли намён бўлади. У қаттиқ ғазабланиб, ўткир кўзлари блан тикилиб туриб «хотинимнинг эрки ўзида, агар хоҳласа бойга тегаверсин», дейди. Ҳидоятлов бу гапларни шундай маҳорат блан айтадики, бу Ғафурнинг озодликнинг қадрини билганлигини, хотин-қизларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилаётганлигини бўртдириб кўрсатади.

Аброр Ҳидоятлов Ғафур ролини ижро қилганида трагедияга хос жўшқинликни ишлатмасдан, балки образни ифодаламоқ учун шу образга хос янги усуллар топади. Бу блан Аброр Ҳидоятлов ўз ролининг доирасини кенгайтиради. У яратган Ғафур, қулпурушларга бениҳоя нафрат блан қаравчи кишидир. Лекин, у феодал-капиталистик жамиятдаги мавжуд тартибларнинг бирданига ва ёлғиз ўзи ўзгартириши мумкин эмаслигини тушуниб, келгусида ғалабага олиб борадиган йўлни дадил ва аниқ кўрсатиб беради. Шаҳар ҳокимининг оёқларига ёпишиб нола қилаётган Жамилага қараб Ғафур «Шарманда бўлиб яшагандан кўра, кишининг ўз қаддини ростлаб туриб ўлгани минг марта яхши» дейди. Бу блан у хотинига, итоат қилмасдан, сабр қилмасдан ис'ён кўтаришни буюради. Ғафур золимларга қарши курашга да'ват қилишдан тўхтамайди. Гарчи у Сибирьга сургун қилинган бўлсада, аммо тамошобин Ғафур томонидан сепилган адолат уруғлари униб кўпайишини ва золимлардан ахир бир кун омонсиз ва шиддатли қасос олинишини аниқ сезади.

Аброр Ҳидоятлов бир-бирига тамомила қарама-қарши бўлган, турли давр ва ижтимоий синфларнинг характерларини гавдалантирган икки образда — Гамлет блан Ғафур образида одамнинг онгидаги ва ҳаракатидаги қаҳрамонликни очиб беради. Бу образлар ва характерларнинг қаҳрамонлиги курашда ва кучли иродани ишга солиш натижасида намён бўлади. Аброр Ҳидоятлов қаҳра-

моннинг мана шундай ҳислатларини кўрсатишга жуда моҳир сан'аткордир.

Аброр Ҳидояттов 1942 йилда Отелло образини яратганида турмушнинг ҳақиқатини ўткир бадий воситалар блан жуда яхши ифодалаб берди.

Буюк қаҳрамонлик руҳини ва ҳақиқатни ифодаловчи актёр бўлган Аброр Ҳидояттов бу рольда ўзининг кучли исте'додини жуда равшан кўрсатаолди. Унинг Отеллонинг ижро этишини ўз ижодчисининг машаққатлари ва қонлари блан ёзилган одамзод кўнглининг китобини очиқ кўрсатишнинг ўзи дейиш мумкин. Аброр Ҳидояттов бу образда қаҳрамонлик сан'атининг буюк трагик маҳорати блан бир қаторда улуғ гуманизм принципларини ҳам очиб берди. Натижада Аброр Ҳидояттов яратган образнинг мураккаб ички ҳаёти тамошабинга яққол кўринадиган бўлди. Аброр Ҳидояттов одамзод кўнглининг бутун сирларини очиб ташлаб, одамзоднинг кўнглидаги софлик ва покизалик блан воқе'лик ўртасида кескин зиддият борлигини кўрсатиб берди. Бу образни яратишда ҳам Аброр Ҳидояттов қаҳрамоннинг ёвузликларга қарши муқаррар курашуви лозимлигини ўзига асос қилиб олади. Шунинг учун ҳам Ҳидояттов яратган Отелло оқ кўнгил киши бўлиб умуман одамларга айниқса Яго блан Дездемонага аввал чуқур ишонч ва ҳурмат блан қарайди. Унинг ўзи оқ кўнгил ва виждонли киши бўлгани учун атрофидаги кишиларни ҳам ўзи каби софдил ва инсофли деб ўйлайди. Шу сабабли Отеллога Ягонинг Дездемона тўғрисидаги фитна-фасод гаплари жуда секин та'сир қилади. У ўз кўнглида туғилган шубҳани йўқотишга интилиб кўп ҳижолат тортади, Дездемонани ҳижолат қилганига ишонгиси келмайди, бу тўғридаги шубҳаларнинг хато бўлиб чиқишига умид қилади. Ҳидояттов яратган Отеллонинг бутун фожияси шундаки, у ўзи чексиз севган Дездемонага ҳам бениҳоя ҳурмат блан қарайди, Ягога ҳам баббаробар ишонади. Дездемонанинг поклиги ва софлиги Отелло учун ҳаёт манба'идир. Ягонинг усталик блан ишлатган маккорлиги ва Отеллонинг дилидаги ҳаёт манбаини аста-секин куйдириб ташлаган, бунинг ўрнига рашк ва умидсизликнинг қора кўмирини қолдирган, натижада Отелло блан Дездемонанинг ўлишига сабаб бўлган ўтдир.

Отелло — Ҳидояттов назарида одамлар икки тоифага бўлинади, уларнинг бири одил, иккинчиси ёвуз кишилардир. Отеллонинг одамларга бўлган ишончи унинг кўзини қамаштириб қўяди. Шунинг учун ҳам Ягонинг маккорлиги туфайли ўз кўнглида туғилган шубҳаларга унчалик ишонгиси келмайди, бу шубҳалар блан қаттиқ курашади.

Аброр Ҳидояттов яратган Отелло ўзининг шахсий фазилатларига, ўз кучига қаттиқ ишонади. Шу туфайли ўзи қора ирқдан бўлишига қарамай «оқ хўжайинлар» орасида тенг ҳуқуқли бўлиб юқори мартабага эришганига ишонади. Шунинг учун ҳам сенат кўринишида, Кипрдаги учрашув манзарасида Аброр Ҳидояттов оҳиста, бемалол ҳаракат қилади. Унинг кулиш ва табассумларида ўзи-



нинг катта бахтга эришган киши эканлигини ифодалайди. Шунинг учун ҳам ҳали у одамлардаги қабиҳлик ва ёлгончиликни тушунмайди. У, дун'ёда фақат ҳақиқат, фақат номус ва адолат, фақат муҳаббат бор деб э'тиқод қилади. Ҳидоятов — Отелло қўлларини кенг очиб Дездемонага та'зим қилади. У, ўзини кутиб олишга тўпланган кишиларнинг ҳаммасини чин кўнгилдан кулиб табриклайди. Унинг кўзлари ғурур блан порлайди.

Шунинг учун ҳам сенатдаги кўринишни, Кипрда бўлган учрашувни Аброр Ҳидоятов оҳисталик блан тасвирлайди. Унда ўз фазилатини сезиш ҳислари жавлон уради, у бахтиёр ва хурсанд. Унинг кўзларида ва ҳаракатларида ҳам Отеллонинг бахт лаззатини сураётганлиги яққол кўриниб туради. Шундай пайтда одамлардаги ёлгон ва қабиҳлик унга тушуниб бўлмайдиган бир нарса бўлиб кўрилади. У фақат ҳақиқатни, фақат номус ва адолатни, фақат ишқ-муҳаббатни билади. Ҳидоятов — Отелло бутун дун'ёни қучиб олишга тайёр тургандай бўлиб, қўлларини кенг очар экан, Дездемонага оҳистагина та'зим қилади. У ўзини кутиб олишга тўпланганларнинг ҳаммасини шоду-хуррам бўлиб, чин кўнгилдан кулиб табриклайди.

Лекин учинчи пардадан бошлаб унинг кўнглида ҳижиллик туғилади. Аброр Ҳидоятов жуда нозик, бўртдириб ифодаладиган воситалар блан Отеллода ўзига ва одамга бўлган ишончининг барбод бўлаётганлигини кўрсатади. Энди Отелло — Ҳидоятов ўз туйғуларининг иккинчи даврига киради. Бу давр Дездемонага бўлган шубҳани йўқотиш учун ўзининг ички туйғулари блан курашишдан иборатдир. Спектаклнинг марказий эпизодларида Аброр Ҳидоятов Отеллонинг руҳидаги бу курашни жуда яққол ва ўткир воситалар блан тасвирлаб беради.

... Кассио эндигина чиқиб кетди (учинчи парда). Дездемона хурсанд бўлиб ва табассум қилиб қўлида гул ушлаб турибди. Отелло — Ҳидоятов ҳали Дездемонани кўрмасдан туриб, портъернинг ҳали қимирлаб турган ғижимларини диққат блан кўздан кечиради. Унинг бетига ҳаяжонланиш белгилари бор. Аммо у ўзидаги бу ҳаяжонни яширишга тиришиб, ғалати бир овоз блан Дездемонадан, бу ерда Кассио бўлгани йўқми? — деб сўрайди. Дездемона Кассионинг бўлганлигини айтиши блан ундаги шубҳа дарҳол йўқ бўлиб кетади. У, яна Дездемонага ишонч блан қарайди, ўзидаги бутун шубҳаларни ва гумонларни унитиб юборади. Унда дездемонага нисбатан муҳаббат ва меҳрибонлик ҳислари жўш уради. У ўзини бахтиёр ҳисоблайди. Дездемона чиқиб кетди. Ҳидоятов — Отелло унинг орқасидан қараб қолиб, ўзига бериб кетилган гулни ҳидлаб завқланар экан, Ягонинг илмоқли гапларига истар-истамас жавоб беради.

Аммо Ягонинг маккорлик қилиб, Дездемонанинг ҳиёнат қилгани тўғрисида айтган гаплари Отеллога ниҳоят даражада ёмон та'сир қилади ва шунинг учун ҳам Ҳидоятов бу кўринишни ғоят усталик блан бажаради. Отелло—Ҳидоятов бақириб-ҳайқириб Яғони бўғиб

ташлагудек бўлади. Лекин Ягонинг мунофиқона кўзёш тўкиб қасам ичиши Отеллода унга нисбатан яна ишонч туғдиради ва унга ғоят ачиниб қарайди. У Ягони кечиради. Отелло — Ҳидоятлов бошини эгиб секин-секин юриб Ягонинг олдига келади ва ҳўрсинади. Отелло — Ҳидоятлов ўз кўнглидаги шубҳа ва гумонлар блан курашади. Сўнгра тиз чўкиб бироз жим қолади ва қўллари блан юзини бекитади. У йиғлагандай бўлиб, қасамёд қилади.

Отелло қасамёд қилгач оташин сўзлар блан «Номуссиз Дездемонага» жазо беришни осмондан талаб қилади. Аммо, Ҳидоятлов — Отелло рўмолча кўринишида яна ўзидаги ҳислар блан кучли кураш бораётганлигини кўрсатади. У, ўзидаги шубҳа ва гумон блан Дездемонани ҳижолатга солмасликка интилиб, унинг кўзига тикилиб қарашга андиша қилади ва шу блан бирликда унинг айбсизлигига ишонишдан қўрқади. Отелло — Ҳидоятлов рўмолчани беришни сўраш блан бир вақтда Дездемона қўллари секин ҳаракат қилаётганлигини диққат блан кўздан кечириб туради. Шу онда у рўмолчанинг борлигига ишонгиси келади. Унинг кўзларида буни кутиш нақадар уқубатли эканлиги кўриниб туради, тўхтовсиз ҳаяжонланиб уриб турган кўкрагини қўллари блан босиб туради. Дездемонанинг соддалик блан ёлғонлаши Ҳидоятлов — Отеллода яна ғазаб туйғуларини қўзғатади. У, ўзини бутунлай унитиб, Дездемонага тикилади, сўнгра қўллари блан юзини бекитиб, югуриб кетади. Тамошобин энди Отеллонинг жароҳатланган қалби маккор Ягонинг ихтиёрида эканлигига, Отеллодаги руҳий курашлар Яго фойдасига бартараф бўлганлигига аниқ ишонади.

Лекин Отелло — Ҳидоятлов кучли, иродали киши. У, Дездемонада рўмолчанинг бўлмаганлигига қаноат ҳосил қилгандан кейин, шу блан ўз аламини ўзи ютиб, бу тўғрида қайтадан сўроқ қилмаслиги ҳам мумкин эди. Тўртинчи парданинг бошида Отеллода ҳақиқатан шундай туйғу борлигини кўради. Лекин Яго унда яна шубҳа қўзғатадиган гапларни айтади. Ҳидоятлов — Отелло унинг бу гапларини эшитгандан кейин, алам блан, «унитмоқчи эдим, аммо яна эсимга солмоқчисан» дейди. Яна унинг кўнглида Яго сўзларига ишонмаслик блан қараш борлиги сезилади. Аммо Яго ўз макрини охиригача давом этдириб, Отеллонинг йўлдан уришга ҳаракат қилади. Ягонинг сўзларини эшитгач, Отелло — Ҳидоятлов ўзини бутунлай йўқотиб қўяди, унинг сўзларини такрорлар экан, бутун сахнани гандирайлаб айланиб чиқади, худди уйқисирагандай икки марта айланиб чиққандан кейин ўзидан кетиб йиқилади.

Ана шу пайтдан бошлаб Ҳидоятловда ўзининг поймол бўлган номуси учун қасос олиш туйғуси жуда кучаяди. У адолатни ўрнатишга қаттиқ ҳаракат қилади. У, ўзидаги рашкнинг кучли бўлганлиги учун эмас, балки ўзининг ҳақ эканлигини англаб, Дездемонага ла'нат ўқийди.

Дездемона ётоғида (бешинчи кўриниш) Отелло — Ҳидоятлов тинч ва соқит киши бўлиб кўринади. Лекин унда ғазаб ва алам бор. Унинг одам номусига, хотиннинг номусига бўлган ишонч поймол

бўлган. Шундай ишонч бўлмагандан кейин, Отелло энди яшайолмайди. Шунинг учун ҳам бу ишончнинг поймол бўлишига сабаб бўлган Дездемонанинг яшаши керак эмас. Отеллонинг назарида ёвузлик бутунлай йўқолиши керак. Ҳидоятлов бу кўринишда одамнинг руҳини, жамиятдаги ижтимоий адолатсизлик билан вайрон бўлган ва бўшаб қолган кўнгилни яққол намоён қилиб кўрсатадики, бундай адолатсиз жамиятда ҳурмат, шухрат ва бойликка олиб борадиган бирдан-бир восита ва қурол тўхмат билан бўҳтондир. Ҳидоятлов — Отелло Дездемонанинг ётоғи олдида шам' ушлаб турар экан, ухлаб ётган Дездемонага узоқ тикилиб қарайди. Унинг кўри-ниши, ифлослик ва қабиҳлик дун'ёси билан видо'лашаётган киши-даги чуқур аламни яққол ифодалайди. У, ухлаб ётган Дездемона-ни кучли меҳр ва эҳтирос билан ўлади, ниҳоят даражада қадирдон, лекин ўлим қучоғида ётган кишиларнигина шундай ўпиш мумкин. Лекин Дездемонанинг ялбариб йиғлаши, Ҳидоятлов — Отеллони унинг ётоғидан чекинишга мажбур қилади. У қўллари билан қулоқ-ларини бекитиб, ишончсизлик ва ғазаб билан ёниб турган кўзлари-ни унга тикиб, унинг ялбариб чўзган қўлларидан ўзини орқага тор-тади. Унинг қиёфаси аста-секин ўзгаради, ғазаб билан жўш уради. Отелло ўзидаги аламни ифодалар экан, бир қичқиради, икки хат-лаб Дездемонанинг ётоғига сапчийди ва тик тургани ҳолда Дезде-монани бўғиб ташлайди. У, ўзининг ҳақ эканлигига қаттиқ ишон-гани ҳолда бу даҳшатли ишни қилади.

Охири кўринишда — Дездемонанинг айбсизлиги ошкор бўлган-ида, Ҳидоятлов — Отелло ўзининг ачинганлигини, ўзини астайдил койиغانлигини жуда маҳорат билан ижро қилади. Бунда Отелло ўзининг эсини йўқотиш даражасига бориб етади. У, юракни эзарли даражада ҳўнграб Дездемонанинг ўлик бетини силайди, унинг аф-тига ғамгин бўлиб тикилиб қарайди, унинг ўлик қўлларини ўз че-касига қўйиб босади, бу билан ўзининг ниҳоят даражада азоблан-ганлигини тамошабинга яққол кўрсатади.

Аброр Ҳидоятлов ўзи яратган қаҳрамоннинг ички ҳаётини тамо-шабинга мана шундай усталик билан очиб беради. Актёр ўз қаҳра-монининг одамзодга хос бўлган ҳиссиётларнинг ҳамма босқичла-ридан ўтишини — муҳаббат, хурсандлик, мағрурлик, ўз фазилатига ишониш туйғуларидан ўтиб ишончсизликка, раҳкка ва қасосга қа-дар бориб етганлигини усталик ва моҳирлик билан кўрсатиб беради. У, энг мураккаб кўринишларни эҳтирос билан ижро қилади, ғоят ишонтирарли қилиб кўрсатиб беради. У талантли ва исте'додли сан'аткор бўлиши билан бирга, ўзининг бу талант ва исте'додини ғоят камолатга етказган актёрдир. Шунинг учун ҳам Аброр Ҳидоя-тов тамошабинларга манзур бўлган ва ёқиб қолган.

Гамлет, Отелло, Фафурга хос бўлган қаҳрамонлик ва олижа-ноблик белгиларни Аброр Ҳидоятлов капиталистик жамиятнинг зид-диятликлари ва қарама-қаршилиқларини намойиш қилиш билан очиб кўрсатади.

Совет социалистик жамиятда одамдаги қаҳрамонлик ва олижаноблик янада кенг ва эркинлик блан ривожланади. Капиталистик жамият учун характерли бўлган белгилар социалистик жамиятда асосий ўрин ололмайди. Совет воқи'лигининг қаҳрамонларида барча олижаноблик ҳислатлари бор.

Аброр Ҳидоятлов Уйғуннинг «Ҳаёт қўшиғи» асарида Нурматота ролини ижро қилади. Аброр Ҳидоятлов талқин қилган бу қаҳрамон рушдан кейин мамлакатнинг обод бўлиши ва тикланиши аввало одамнинг ўзини камолатга етказишига ва ўзидаги зиддиятларни бартараф қилишига қаттиқ боғланган деб ҳисобловчи янги совет кишиларининг намояндасидир. Ҳидоятлов яратган Нурматота ҳаётнинг ҳамма янгиликлари блан қизиқади, Ватан олдидаги ўз бурчини чуқур англайди, ўз идеалларининг поклигига қаттиқ ишонади. Аброр Ҳидоятлов талқин қилган Нурматотанинг мақсад ва интилишлари аввало одамга ғамхўрлик ва меҳрибонлик туйғулари блан суғорилган. Нурматота чинакам ўзбек совет колхозчиси бўлиб, колхоздаги чинакам ҳаётни совет кишилари барпо қилишлари мумкинлигига ҳаракат қилади ва шунинг учун курашади.

Нурматота кўрinishда 55 — 60 ёшлардаги абжир ва бақувват киши. У ростгўй одам. У ўзининг кексалиги ва колхоз раиси бўлиши блангина эмас ўзининг одиллиги ва ростгўйлиги блан, ҳарқандай мушкилликдан қутилиш йўлини топаолиши блан ҳам одамларнинг ҳурматига сазовор бўлган. У, ўзи ростгўй бўлиши, одамларга ишониши блангина кифояланиб қолмасдан одамлардаги энг яхши ҳислатларни ҳам топа ва сезаолади, уларни йўлга — меҳнат соҳасидаги ижодиятга солаолади.

Нурматота уруш вақтида ўз ўғлидан айрилди. Тамошабин отадаги аламини кўрмайди. Лекин унинг оқариб кетган соқоллари ва бетидаги ажинларнинг кўпайганлиги унинг бошига тушган қайғидан дарак беради. Аммо тамошабин бу чолда колхозчиларга нисбатан ғамхўрлик ва меҳрибонлик борлигини кўради. Аброр Ҳидоятлов ундаги бу ҳислатларни зўр маҳорат блан яққол кўрсатади.

Спектакл эпизодларидан бирида Нурматота колхоз омборчисининг Тошхон уйига келиб, ўз ўғлининг ўлганлигини онасига ва опасига гапираётганлигини кўриб қолади. Бу хабарни эшитгач Қомила ҳушдан кетиб йнқилади, Тошхон изтиробга тушади. Буни кўрган Ҳидоятлов — Нурматота ниҳоят даражада ғазабланади. Омборчини қаттиқ койийди. Шу блан бирликда Нурматота ширин сўзлар блан хотинларга тасалло беради, уй юмишларини ўзи бажариш блан унинг мушкилини осонлаштиришга интилади. Бу кўрinish Нурматотанинг ўзбек хотинига тенг ҳуқуқли ўртоқ ва меҳнаткаш деб зўр ҳурмат блан қараганлигини яққол кўрсатади. У хотинларга ҳам, қизларга ҳам, эркакларга ҳам бирхилда муомала қилади, ҳурмат блан қарайди.

Комилнинг фронтдан бир қўлсиз бўлиб қайтиши тасвирланган кўрinishда Ҳидоятлов — Нурматотанинг меҳрибонлиги, истиқболни

кўрабилиши айниқса яққол намоён бўлади. Комил ғамгин бўлиб колхоздан кетиб қолмоқчи бўлади. У ўзининг ишга яроқсиз маж-руҳ бўлиб яшаши колхоз учун бефойда деб ҳисоблайди. Нурмат ота бу фикрнинг хато эканлигини тушунтириб беради. Аброр Ҳидоятлов бу кўринишни шундай усталлик блан бажарадики, унинг гапларида дўстнинг меҳрибонлиги, отанинг ўз ўғлини севиб койи-ши, чолларга ҳос самимият ва донишмандлик тамошабинларнинг олқишига сазовор бўлади. У ҳали ёш ва кучли йигитнинг ўзини ҳаёт учун фойдасиз деб қўрқишидан кулади. Ҳаётда ҳарбир кишининг ҳаётда ўз ўрни борку! Ҳарбир киши ўзини ҳаёт учун фойдалик қилишга интилар экан, бунинг учун ҳаётни, меҳнатни ва одамларни севиши керак. Ҳидоятлов — Нурматота Комилнинг ёнига ўтириб, қўллари блан унинг елкасини силаб, йигитни бундай умидсизлик учун ширин гаплар блан уялтиради. Ахир унинг ўзи чол бўлиб блан ўғлидан айрилиб қолдику, лекин у йиғламайди, нолимайди, балки бор кучи блан ишламоқда. Тамошабинлар ҳам Ҳидоятлов — Нурматотанинг сўзларини эшитиб, унинг ҳаракатларини кўриб, ҳаёт энг гўзал нарса эканлигига, ҳаётдаги энг ажойиб нарса эса, одамларнинг ўзи эканлигига, одам учун, одамнинг бахти учун яшайбилиш ва яратабилиш кераклигига ишонадилар.

Ҳидоятлов — Нурматота одамларга қилган муносабатида ўзининг олижаноблигини, ҳаётга, одамларга бўлган ишончини мана шу тариқа намоён қилади. Ҳидоятлов яратган Нурматота колхоздаги янги ҳаётнинг раҳбари ва ташкилотчиси бўлиш блан бирга ҳаёт завқини ифодаловчи ва ҳаёт қўшиғини куйловчи кишидир.

Фрондосо, Гамлет, Бродский, Фафур, Отелло, Навоий, Нурматота — турли ёшдаги, турли ижтимоий синфларга мансуб кишилардир. Аммо Аброр Ҳидоятлов уларнинг ҳаммасини ҳам ўзларига хос характерлари блан кўрсатиб беради. У, ҳарбир образни яратишда театр сан'атининг ҳамма воситаларидан фойдаланади. У, ҳарбир образни янги бўёқлар блан бойитишга интилади, ҳарбир роль учун шу рольга хос характер ва хусусиятларни излайди ва топади. Мана шу хилма-хил характерларнинг ҳаммасини ифодалар экан, Аброр Ҳидоятлов одамга нисбатан ўзининг меҳри ва муҳаббатини намоён қилади, чунки, «одам — ҳамма нарсаларнинг ўлчовидир...».



## ЖАНГЧИНИНГ ЖАНГОВАР ШЕ'РЛАРИ

Ўлкада яшнади тинчлик баҳори,  
Ҳикоя қиларсиз жангларни элга.

Тўғри, ўлкамизда тинчлик баҳори яшвади. Биз тўрт йиллик оғир ва заҳматли жангларни улуғ ғалаба блан тугатдик. Бизнинг бу ғалабамиз ва унинг довриги битмас-туганмасдир. Улуғ Ватан урушига кўп миллатли халқимизнинг ҳаммаси; руслар, ўзбеклар, қozoқлар, якутлар ҳам... ишчи ҳам, деҳқон ҳам, олимлар ҳам қатнашдилар. Бу жанг кунларида шоир бўлса, қўлига қурол ва қалам олди, уларнинг сафида борди. Ўзининг ҳам қуроли, ҳам қалами блан ғалабамизни та'минлашда ўз ҳиссасини қўшди. Бу жангларнинг тарихини улардан эшитамиз, ўқиймиз.

Мана, бизга жангчи шоир Аширмат ўзининг жанг майдонларида бўлгани, буюк дўстлигимиз ва озод қилучи совет армияси жангчиларининг қаҳрамонлиги, Ватанга муҳаббати, садоқати, вафоси ва жанговар қудрати ҳақида элларга ҳикоя сўзлаб берадиган „Жангчининг дафтари“<sup>1</sup> деган ше'рлар тўпламини тақдим қилди.

Аширмат Улуғ Ватан уруши бошланиши бланоқ жангга кетди. У, Орёл, Брянск, I ва IV-инчи Украина фронтлари ва Марказий фронтда, Ужгород давоня, Ливнада бўлди. Бу ерларда шиддатли курашларда қатнашди. Шу тўпламдаги ше'рларни шу жанг майдонларида ёзди. Жангчиларимизни душманга қарши аёвсиз курашга чақирди, руҳлантирди ва уларни рағбатлантирди.

Бу ерларда „Командирнинг буйруғи қонун“, „Жангчига“, „Самарқандли снайпер“, „Украин дўстларимга“, „Германияга ҳайдалган қиз“, „Йиғлама дейману“, „Жангчининг хаёли“, „Россия“ каби жанговар ше'рларини ёзди. Бу ше'рларни Аширмат уруш майдонларида, жангу-жадал кунларда ёзган бўлса ҳам, ше'рий талабларга тўла риоя қилган ва салмоқ жиҳатидан анча пишиқ қилиб ишлайолган. Тўплам „Улуғ қўмондон“ деган ше'р блан бошланади. Бу ше'рга ғалабадан-ғалабаларга етаклавчи

<sup>1</sup> Аширмат „Жангчининг дафтари“ ше'рлар. Ўздавнашр, 1947 йил, редактори Исроилова.

улуғ доҳий қўмондоннинг ҳар буйруғи жангчиларга мадад эканини, буюк стратег доҳийнинг доим улар блан бирга эканини самимий, ихтиром блан пишиқ сатрларда баён қилади.

Ғалабалар сари йўл қураар эдинг  
Шаҳидлар гўрига гул қўяр эдинг.  
„Улим босқинчига, немисларга!“ деб  
Хужум буйруғига қўл қўяр эдинг.

\*\*\*\*\*  
Ҳар дам эшитганда „Олға“ са'досин,  
Кўрардим сени.

\*\*\*\*\*  
Курск саҳросида синди ёв бели,  
Сохта шуҳратлари соврилди кўкка.  
Озод бўлар экан жонажон ўлка  
Кўрардим сени.

Қўмонда пунктинг зўр Кремльдан  
Ҳар жангчи ғайратин кўрар эдинг сан,  
Ватан салютидан қувончга тўлиб,  
Олға яна олға борар эдим ман.  
Днепр сувида сузганимда ҳам,  
Ма'луннинг бошини узганимда ҳам,  
Дорлар, зиндонларни бузганимда ҳам  
Кўрардим сени.

Квишандан ҳалосу қайғудан озод  
Эллар қилар эди номингни такрор  
Шафқатинг нурида қанча одамзод  
Ҳақини таниди, бўлди бахтиёр.

У, Ватанимизнинг бўстонларини, гулистонларини химоя қилиш учун пўлат танкка миниб, мал'ун босқинчиларни қиришга келганини, Ватан ҳар жангчининг дилида ёд экани, беҳисоб қаҳрамонлар юрти — шу азиз эл ёв оёғи остида асло топтолмаяжаги, уруш бошланган кунларда ёзилган „Россия“ ше'рида ишонч блан акс этдирилади. Бу ше'рда шоир „эй Ватаним, сенга бўлган муҳаббатимни майдонда ифода қилмоқчиман, ҳарбу зарбимни кузатиб тур, ўғлингнинг душманларни беаёв қиришларини кўр“ — дейди.

Севгини сувратга тушириб бўлмас,  
Чунки у юракнинг тўрида яшар.  
Фонтанлар ёнида боғларда эмас,  
Майдонда барқ урар, кучланар-тошар.  
Пўлат танка миниб урушга келдим,  
Гулистонларингни севганим учун.  
Мал'ун босқинчини қиришга келдим.  
Бўстонларингни севганим учун.  
Россия! Юлдуздай кўзларинг блан  
Кузатгин майдонда ҳарбу зарбимни.

Аширмат бу ше'рларини ўз кўзи билан куриб, ўзи ва жангчи дўстларининг қаҳрамонона курашлари ҳақида ёзди. Шунинг учун ҳам унинг ше'рларида жангчиларнинг руҳий ҳолатлари, фронт мамзаралари оригинал ва табиий бўлиб чиққан.

Чуқур ер тўлада ухлайди взвод.  
Снайпер тикилар ҳарбир дўстига,  
Шундай ҳамсафлари бўлганига шод  
Қадрли халатини олар устига.  
Шамчироқ ёнида ўраб махорка,  
Чекади, хаёли тутундай тўзир,  
Шу ётган ботирлар ҳаёти унга  
Бағишлар жасурлик ишонч ва ҳузур.  
У севар взводни ўз оиласин —  
Бутун қалби билан севгани қадар.

Командир ухлайди. Унинг сўл юзи  
Чироқнинг нурида ярқираб турар.  
Кечаги буйруғи ва қат'ий сўзи  
Жангчи қулоғида жаранглаб юрар.  
У ёпти эшикни ва ғурур билан  
Милтиқ ва гранат ўқини тузатди,  
Фақат ташқарияда навбатчи Иван.  
„Бахтли йўл бўлсин“ деб уни узатди.

(„Самарқалдан снайпер“)

Боболар дердики: „Жангда ўқ есанг,  
Танангни олдинга иргитаб йиқил,  
Ўлимнинг олдида баҳодир эсанг,  
Энг сўнгги куч билан душманга даф қил!“

деб, жангчи сафдошларини мардликка, шижоатга чақиради. Ҳатто ўлимнинг ҳам душманга зарба бўлсин, дейди.

Шоир ўзининг бу фикрларининг муққадас, бажарилиши зарур эканини беришда, шу фикрнинг улуғлигини бўртдиришда, бу сўзлар ҳурматли боболаримизнинг сўзи, — дейди.

Шоир юқоридаги сатрлардан кейин яна давом этиб:

Мен кўрдим дўстимни худди шу ҳолда  
Ғазабим кучини яна зўр этдим.  
Ҳали энг даҳшатли урушлар олдда  
Душманни қирай деб югуриб кетдим.

Бу мисра'лар билан ҳали энг даҳшатли урушлар олдида турганини такидлаб, душманга қарши даф қилиб қаҳрамонларча олдинга қараб йиқилган жанговор дўстини кўрганда ҳам, бу ҳолат уларни қўрқуга солмай, балки, уларни яна душманга ғазаб билан ташланганларини кўрсатади. Бу ше'рда ҳаракатни тўхта-тиб қўймайди, балки, душманни қирай деб, олға югуриб кет-



танларини, янги ғалабалар сарй интилишдаги оптимистик ҳолатни акс этдиради.

Аширмаг қатор чақириқ ше'рлар блан бир қаторда сюжетли ше'рлар ҳам яратгандир.

„Смғир“ ше'рида найзабозлик жангидаги манзарани ва найзабоз баҳодир жангчиларимизни кўз олдимизга келтиради:

Ярқираган чўғдай найзани  
Ғарчилатиб суққанида тез,  
Кутаромай бундай зарбани  
Тил тортмайин йиқилди немис.

Аширмат, армиямизни минглаб немис босқинчилар зулми исқанжасида жабр кўраётган ма'сум халқларга шодлик ва озодлик элтучи армия эканини, шу армия сафида ўзи борлигини шодланиб куйлайди:

Найзалар санчиб, душманни янчиб,  
Бораман ғарбга.  
Элтаман шодлик ҳамда озодлик  
Минг-минг ғарибга.

(„Германияга ҳайдаган кизга“)

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик, меҳру-муҳаббат, вафодорликни:

Йилларни утказиб улкангизда мен  
Вафодор инилар, сингиллар топдим.  
Меҳри зўр, ўзи ҳур, муҳаббати чин,  
Оналар тушаган тўшакда ётдим.

(„Украин дўстларимга“)

деб, Аширмат СССРнинг ҳамма ери барча миллатнинг ҳам ўз она юрти эканини, ҳамма ерда иззат-ҳурмати борлигини, қардош республика халқлари отамиз, опа-сингил, ёру биродорларимиз эканини ҳам жанговар дўстликни ёрқин ифодалайди.

Ёнма-ён қазидик окопимизни,  
Залп ўқин ёғдирдик пулемётлардан,  
Қучоқлаб, ўпишиб бир-биримизни,  
Қутладик жангдаги зафарлар блан.

(„Украин дўстларимга“)

Тотув халқимиз душманни шармандасини чиқариб, ғалаба блан ўз диёрларига қайтганларини фахр блан, совет гражданига-ғолибларга ҳос ғурур блан тилга олади:

Шармандаси чиқди жаҳонгирларнинг  
Осоддик ҳаққаний қасос дорига

Жангдаги йигитлар фақат шу кун,  
Шодланиб қайтдилар ўз дийрига.

(„Украин дўстларимга“)

Аширмат, улуғ қўмондонимиз, ғалабалар рулевиги, буюк Сталинни Ленин йўлидан бизни яна илгарига, фаровон ҳаётга, коммунизм гулбоғларига етаклаб кетаётганини меҳр ва шоирона ҳис блан куйлайди:

Жангларнинг тўзони босилди энди,  
Улуғ Москвага келдим йироқдан.  
Гўзал Кремльга қараб ҳарёқдан,  
Кўраман сени.  
Шу ердан доимо нур юборасан,  
Ватаннинг ҳар узоқ пучмоқларига.  
Лениннинг йўлидан олиб борасан,  
Бизни коммунизм гулбоғларига.

(„Улуғ қўмондон“)

Аширматнинг ше'рларида энг яхши кўзга ташланиб турадиган характерли ҳусусиятлардан бири, уларнинг янги-янги формаларда бўлишидир. Аширмат янги ше'рий формалар аҳтаришга уринади. Фольклор асарларининг формаларидан ўринли фойдаланади. Қофия учун ба'зи морфологик ҳатоларга йўл қўйса ҳам, бундай йўлларда машқ қилиб кўради. У, ўз ше'рини ўйноқи, равон, ёқимли бўлиши учун сатрларни янги хилда қофиялашга ҳаракат қилади. Ше'рларнинг формасидаги ўзига ҳослик, ранг-баранглык унинг ше'рга бўлган ҳурмат ва завқидан далолат беради.

Қорли тоғларда, гўзал боғларда,  
Бўлгандим шайдо.  
Нури дийдамда, берган ва'дамда,  
Қилардим вафо.

(„Чашма бўйида“)

Сочим блан чангларингни артайин,  
Дори-дармон қилиб қўяй ярангга.  
Дам ол бироз сенга бунда жой тайин.  
Сўнг жўнарсан марранга.

(„Қиз таклифи“)

Хужум қилар аскарлар,  
Озод бўлган шаҳарлар,  
Қишлоқларга бир қара!  
Хушхабар келар кунда,  
Ҳайқирар тўплар тунда,  
Чироқларга бир қара!

(„Бир қара“)

Баланд тоғдан оқиб-оқиб сой келади,  
Сой устида ёрга боқиб ой келади.  
(„Тўйинг бўлур“)

Соғинган эди, йигит ёдида,  
Ёрини кўрди,  
Шодланиб яна учар отига,  
Бир қамчи урди.  
Кўринар олис тоғларда учган  
Қарчиғайсимон,  
Вафодор ёри, кўзни узмасдан,  
Тикилар ҳамон.

(„Сувори“)

Аширматнинг бу тўпламида юқоридагилардек ютуқлар булши блан бирга баъзи стилистик егишмовчиликлар, ноўрин тартиблар, сўзларни ўз ўрнида ишлатмаслик кабя камчиликлар бор. Бундай сатрлар ўқучининг шеър маъносини тўла тушиниб олишига қалал беради.

Ўсма қўйдим қошимга  
Паҳлавоним келар деб.  
Раҳим этиб ёшимга  
Ёвни яксон қилар деб.

(„Мактуб“)

Юқоридаги бандда шоир шеърдаги равонликка берилиб кетиб, айниқса, қофия деб, мазмунни унитиб қўяди. Нотўғри ҳулоса чиқаради. Уруш даврида мамлакат ичкарасидаги аёлларнинг фронтда галабаларимизни мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай фидокорона меҳнат қилганларини шу шеърда эсдан чиқаради. Аҳир аёллар, эрлар жангга кетганларида уларнинг ўринларини эгалладилар-ку! Жангчилар ўз ёрларини ҳечқачон бундай ўсма қўйиб ўлтиришлари учун, уларнинг ёшларига раҳми келгани учунгина жанг қилмадилар. Улар Ватан учун, халқимиз учун жанг қилдилар!

Бундан ташқари: Аширмат баъзи мисраларда маънога эътибор бермай қўяди.

Мана чашма оқар зилол  
сувлари блан, —

дейди. Бу мисралардан шоир чашмадаги зилол сувни оқиб турганини айтмоқчи бўлади. Аммо юқоридаги ҳолда, чашма сув блан бирга оқади, деган фикр қелиб чиқади. Яна „сув“ типидagi отлар кўплик учун „лар“ қўшимчасини олмайдилар. „Сув“ сўзининг ўз маъносида кўплик бор. „Лар“ қўшимчаси олар экан, у ҳолда сувнинг кўплигини эмас, балки сувнинг турини билдиради.

Ўрол кон(?), тоғлари этади мафтун

(„Россия“)

Сен кўзингни очганинг учув  
Гулзордаги гуллар кучайди. (?)

(„Сен кўзингни очганла“)

Ҳар чечакка ва ҳарбир гулга  
Сув йвғилиб отади тўлқин.

(„Ёмғур“)

Орденли бир жангчи ўлар қошингни

(„Бизни кутганларга“)

Ана шу келтирган мисолларимизда стилистик ҳатолар учрайди.

Яна: Дар’ёларнинг ул юзиди тири камон

(„Тўйнинг бўлур“)

Ҳавода кезади бир тири камон

(„Жангчининг ҳа’ли“)

Сендан йироқ тутқун қолиб  
Бедон, бенўшман.

(„Жанг ига“)

Пур ма’но қўшиқлар тўқийсан зимдан.

(„Қайтишда уйинга бўлади меҳмон“)

Жанчига руҳ берар базми жамшидинг

(„Сени деб давонлар ошди пиёда“)

каби мисраларда форсий сўзлар, форсий тартиблар ўқучининг ше’р ма’носини тўлиқ тушиниб олишига ҳалал келтиради. Бу ҳолат шоирнинг сўз бойлиги камбағал эканини кўрсатиб қўяди.

Шоир Аширмат, сўзларнинг ма’ноларни тушинмай ҳам ишлатиб қўяди. Ба’зан бўлса, сўзларнинг ўз ўрнида ишлатмайди:

О, йигит қойилмиз пухта устоз сен  
Сен асл мерган сен, сен милтиқсозсен

(„Самарқандли свайпер“)

Юқоридаги мисра’ларда „Милтиқсоз“ сўзи милтиқ отучини эмас, балки милтиқ ясовчини билдиради. Ше’рнинг асл ма’носида бундай фикр йўқ.

Бирга озод халқ гул тутар гўзал,

(„Самарқандли свайпер“)

Юқоридаги мисрада сўз тартиби бузилган ҳолда берилган. Бунда, „гул тутар гўзал“ эмас, балки „гўзал гул тутар“ бўлиши керак эди. Чунки, ўзбек тилида сифатловчи сифатланмишнинг ўрин алмаштириши ма’нони ўзгартириб қўяди. Сифатловчи ва си-

фатланмиш орасига бошқа сўз кирмайди. Ше'рда ҳам тилнинг шу томонларига қаттиқ э'тибор берилиши лозим.

Аширмат ше'рларида персонаж тилида бўлмай туриб, ба'зи шеванинг тил ҳусусиятлари ҳам учраб қолади:

Узоқ йўллар босиб келувди шунда

Бизга бирга бўлувдик бўрон тўлқинда.

(.Опава бўйида\*)

Юқоридаги биров ишлаш блан тузалиб кетадиган камчиликлардан қат'ий назар Аширматнинг бу ше'рлар тўплами шоир айтгандек жанг кунларини, жанг ҳолатларини, жанговар кишиларимизни бир қадар ёритиб берган жанговар дафтари—жанг эсталикларидир.

Шоир тўпламнинг сўнгида голиб халқимизнинг тинч ижодий меҳнатга киришганини, бу шарафли ишни ҳам жон блан адо этажагига ишонч билдиради.

Деди:—Улуғ қудратингни кўрсатиб яна  
Юртни тикла ва бунёд қил!


Дедим:— Жон блан.

Деди:—Ўлкам яна ўссин, гулласин десанг  
Пахта, дон эк ва оод қил!

Дедим:— жон блан.

Ш. ШОНАЗАР

П. МЎМИН.



# МУНИЦИПАЛИЯ

	Бет
РАМЗ БОБОЖОН. Қадрдон дўстлар. Поэма . . . . .	3
МИРМУҲСИГ. Карвон келади. Шеър . . . . .	23
ОДИЛ ҚАЙЮМ. Дилбар. Ҳикоя . . . . .	25

## КОРАҚАЛПОҚ СОВЕТ АДАБИЁТИДАН

АСАН БЕГИМОВ. Гулистон. Шеър . . . . .	40
С. ЖҮЛДАС. Ойжамол. Шеър . . . . .	48
Т. НАЖИМОВ. Октябръ севинчи. Шеър . . . . .	49
Н. ДОВКАРАЕВ. Ботирлик. Ҳикоя . . . . .	50

## СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

ЮСУФЖОН ҲАМДАМ. Янги қишлоқ. Очерк . . . . .	55
--	----

## В. Г. БЕЛИНСКИЙ ВАФОТИНИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИ

А. ФАДЕЕВ. Белинский ва бизнинг замон . . . . .	66
ШАЙХЗОДА Виссарион Григорьевич Белинский . . . . .	87
ҲОМИЛ ЁҚУБ. Улуғ адабий танқидчи . . . . .	92
А. ХҲЖАЕВА. Аброр Ҳидоятлов . . . . .	113
Ш. ШОНАЗАР. } Жаггчининг жагговар шеърлари . . . . .	115
П. МУМИН. }	

**РЕДКОЛЛЕГИЯ:** *Одбек* (мас'ул муҳаррир), *Ғафур Ғулом*, *Яшин*, *Уйғун*, *Абдулла Қаҳҳор*, *Шайхзода*, *Ж. Шарифий*, *М. Ашрафий*, *Сама*  
*Абдуллаев*. Мас'ул секретарь: *Ма'руф Ҳаким*.

На узбекском языке

## „ШАРҚ ЮЛДУЗИ“

№ 6

Орган Союза советских писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Кзыл Узбекистан“

Ташкент—1948

„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:  
Тошкент. Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 32-689.

Босмишга рухсат этилди 3/VI-1948 й. Р 04689. Қоғоз формати 60x92/16. Босма листи 7,75  
Бир ласта 47000 харф. Тиражи 6000. д. Нашр № 627. Баҳоси 5 сўм.

Тошкент „Киши Узбекистон“ ва „Правда Востока“ нашрият босмаханаси. Заказ 664.



Баҳоси 5 сўм.